

А.АБДУРАҲИМОВ, А.АБДУҲАЛИЛОВ,
Ш.А.УБАЙДУЛЛАЕВА, Ш.А.ЗУҲУРОВА



MICROSOFT ACCESS 2016 ТИЗИМИ ВА УНИ МАҲАЛЛА ЭЛЕКТРОН ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИШИ



Microsoft®
Access 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

А.АБДУРАҲИМОВ, А.АБДУХАЛИЛОВ,
Ш.А.УБАЙДУЛЛАЕВА, Ш.А.ЗУҲУРОВА

**MICROSOFT ACCESS 2016
ТИЗИМИ ВА УНИ МАҲАЛЛА
ЭЛЕКТРОН ҲОКИМИЯТИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШДА
ҚЎЛЛАНИШИ**

(Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 004.45(075.8)

КБК: 32.973-018.2

М 49

А.Абдурахимов, А.Абдухалилов, Ш.А.Убайдуллаева, Ш.А.Зухурова.
Microsoft access 2016 тизими ва уни маҳалла электрон ҳокимиятини
ташkil қилишда қўлланиши. (Ўқув қўлланма). Т.: «Aloqachi», 2020. –
404 бет.

ISBN 978–9943–5899–3–3

Ушбу ўқув қўлланмада Маълумотлар омборини бошқариш тизими (МОБТ) Microsoft Access 2016 ҳақида ва маҳалла миқёсида Электрон ҳокимият ни ташkil қилиш ва изланишлар натижаси баён қилинган. Мазкур китобда информатика соҳасида мутахассис касбини эгаллаш орзусида юрган ҳар бир ўқувчи учун мазкур китобда маълумотлар омборини (МО) тузиш, (МОБТ) Microsoft Access ва унинг мураккаб сўровларини амалга оширувчи SQL (Structurid Quere Lanuage) сўровлар тили тўғрисидаги материаллар, мисоллар ва аниқ тушунчалар ёритиб берилган. Бундан ташқари, маҳалла миқёсида Электрон ҳокимият ни ташkil қилиш учун масалалар мажмуаси ишлаб чиқилган ва тажрибада МОБТ Microsoft Access 2016 да ечилганлиги тўғрисида маълумотлар, аҳолини рўйхатга олишда йўл қўйилган камчиликларни тўғрилаш ҳақида мулоҳаза ва таклифлар келтирилган.

Шунингдек, қўлланмада MS Access тизимининг имкониятларини ўрганибгина қолмай, балки уни Ўзбекистон иқтисодиётида олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишларида ҳам қўлланилди.

Мазкур ўқув қўлланмадан мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ҳамда корхона ва ташкилотлар, вазирликлар, вилоят, туман ҳокимлиги ва маҳалла ишларида фаолият юритаётган ходимлар ва рақамли иқтисодиётни ташkil қилишда ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 004.45(075.8)

КБК: 32.973-018.2

Тақризчилар:

Т.Н.Нишонбоев – Д.т.н. профессор;

Б.Б.Мўминов – ТАТУ Информатика асослари кафедраси мудири т.ф.д.;

Н.Н.Абидова – Олмазор тумани 29-мактаб, олий тоифали ўқитувчи;

И.Т.Қаюмов – Тошкент шаҳар 315-мактаб, 1-тоифали ўқитувчи.

ISBN 978–9943–5899–3–3

© «Aloqachi» нашриёти, 2020.



Академик Восил Қобулов хотирасига бағишланади.

Сўз боши

1970 йилларнинг бошларида собиқ иттифоқ Давлат режालаштириш кўмитаси томонидан Ўзбекистон ССР фанлар Академияси қошидаги **Ҳисоблаш марказли Кибернетика институти** га Ўзбекистонда “Республика автоматлаштирилган бошқарув тизими” (РАБТ) ни яратиш топширилган. РАБТ ни ишлаб чиқиш концепцияси институт директори академик В. К. Қобулов томонидан бажарилган эди. “Республика автоматлаштирилган бошқарув тизими” (РАБТ) ни яратишда институт лабораториясига **Бошланғич ва ўрта таълим, Олий таълим, Маданият, Маиший хизмат кўрсатиш, Уй жой коммунал хўжалиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари** бўйича “**Техник топшириқ**” ни ишлаб чиқиш топширилган. Лаборатория ходимлари ва иқтисод фанлар номзоди, Н.С. Алиқориев билан “**Техник топшириқ**” ни ишлаб чиқиш учун Вазирлик ходимлари билан иш бошлаб юборилди. Вазирлик ходимлари ўзлари бажараётган ҳисоб-китоб ишларни математик шаклда ифодалаш учун етарли билимга эга эмас эдилар. Натижада “**Техник топшириқ**” ишлаб чиқилиб соҳа Вазирлари томонидан тасдиқланиб, “**Ишчи лойиҳа**” ни бошлаш арафасида, Республика ҳукумат раҳбарлари ўзгариши сабаб бўлиб бу соҳадаги ишлар тўхтади. РАБТ ни яратишдаги тажрибадан хулоса чиқарадиган бўлсак, Электрон ҳукумат, Вазирлик Автоматлаштирилган Бошқарув Тизими (ВАБТ), Электрон ҳокимият ва Республика Автоматлаштирилган бошқарув тизими (РАБТ) ни яратиш учун ҳамда, АБТ соҳасидаги мутахассисларнинг ишлари яхши кетиши учун Вазирликлар ходимлари ва давлат идораларида иш билан банд бўлганларнинг ҳаммаси информатика соҳасида, яъни ҳисоб-китобларни математик шаклда ифодалаш, алгоритмлаш, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизими (МОБТ) тўғрисида чуқур билимга эга бўлишлари зарур.

Корхона ва ташкилотларда автоматлаштирилган бошқарув тизимининг **1с** дастури Ўзбекистоннинг бухгалтерия тизимига Россия мамлакатидан кириб келди. Давлат солиқ инспекциясида МОБТ **Oracle**, банк тизимида эса МОБТ **Глобус** ишлаб турибди. Бошқа ташкилотларда ҳар хил дастурлардан фойдаланиб келинмоқда. Республика ҳудудидаги органларда ҳар хил МОБТ ва дастурлардан

фойдаланилиш ягона **Электрон ҳокимият** ва **РАБТ** ни яратишда муаммолар чиқиши ва ортиқча харажатлар сарф бўлишга олиб келади..

Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-4944-сонли фармони бўйича ижросини таъминлаш мақсадида чора=тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ундаги 7-илованинг 37=бандида “Худудий дастурларга мувофиқ фуқаролар йиғинлари идоралари биноларининг намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), шунингдек уларни зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлашга қаратилган чора=тадбирларни амалга ошириш” кўрсатилган. Маҳалла идораларини компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан жиҳозлаш давлат идоралари билан алоқани ташкил қилишда кўприк бўлиб хизмат қилади. Бу каби ишларни амалга ошириш учун бу тизимга ҳар томонлама, яъни **Автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБТ)** ни яратиш нуқтаи назарида ёндашиш керак бўлади. Бундан “Электрон ҳокимият” тизимини яратиш деган маъно келиб чиқади. Агар “Электрон ҳокимият” тизимига Вазирлик Автоматлаштирилган Бошқарув Тизим (ВАБТ) лари боғланса, Республика Автоматлаштирилган Бошқарув Тизими (РАБТ) ҳосил бўлади. Келажакда ана шу тизим иқтисодиётимизнинг янада жадал суратлар билан ривожланишига хизмат қилади. ”Электрон ҳукумат” тизими (РАБТ) нинг катта масалаларидан бири ҳисобланади.

Кириш

Ўзбекистон ҳудудида компьютер соводхонлигига эга бўлиш учун кўпчилик Microsoft Excel ва Microsoft Word тизимларидан фойдаланиб келинмоқда. Microsoft Excel да кўрсаткичлар электрон жадвалда тузилса, Microsoft Wordда эса фақат матн ва математик амаллар шарт бўлмаган жадваллардан иборат ҳисоботлар тузиш мумкин.

Қуйида **Microsoft Excel** тизимининг афзаллиги ва камчиликлари келтирилган.

Microsoft Excel нинг афзаллиги:

- ҳисоб-китоб ишларини электрон жадвал кўринишда бажаради;
- ҳисоботларни график кўринишда туза олади;
- маълумотларнинг қатори 1 млн, устун эса 255 гача бўлган ягона жадвални туза олади;
- маълумотларни экспорт ва импорт қила олади;
- маълумотларнинг ҳажми кичик бўлган жадвалларни тузиш ва фойдаланишда қулайликларга эга;
- жадвалдан оддий сўровни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Microsoft Excel нинг камчиликлари:

- маълумотларнинг қатори 1млн. дан ортиқ бўлган жадваллардан ҳисобот тузишда яхлитликни таъминлай олмайди;
- жадвалларнинг бир бири билан боғлаш имконияти йўқ;
- кўрсаткичларни жадвалга жойлаштиришда қиймат турлари белгиланмайди. Бу жиҳати бир томондан қулай бўлса, иккинчи томондан айрим математик масалаларни ечишда панд бериши мумкин ва учинчидан қийматларни жойлаштиришда ортиқча хотира сарф бўлишига олиб келади;
- бир нечта жадваллардан керакли қийматларни танлаб, яхлит ҳисобот тузиш мумкин эмас;
- тугмали менюлар тузиб бўлмайди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф қила оладиган, кўшимча имкониятларга эга бўлган тизим – бу **МОБТ** дир. Унда **МО** ни ташкил қилиш, мураккаб математик ҳисоб-китоб ишларини бажариш учун дастурлаш тили мавжуд. **МОБТ** ларнинг турлари кўп: **MS Access**, **Oracle**, **MySQL Server**, **Sybase**, **DB2**, **Informix** лардир. Улар, асосан, **Microsoft** компаниясига тегишлидир.

МОБТ Oracle дан катта Концернлар ва Банк тизимида фойдаланиш мумкин. Лекин **МОБТ Oracle** нинг нархи жуда қиммат

бўлганлиги сабабли, уни ҳамма корхоналарда ўрнатишнинг иложи йўқ. МОБТ: Sybase, DB2, Informix тўғрисида маълумотлар, яъни адабиётлар ўзбек тилида мавжуд эмас.

Бу камчиликларни таҳлил қилиб, масалаларни ечиш имконияти борлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ҳудудида **Электрон ҳокимият** ни ташкил қилишда МОБТ MS Access **2016** дан фойдаланиш мумкин:

– **Access 2016** тизими **Microsoft** га тегишли бўлганлиги учун МОБТ ни Microsoft компаниясидагилардан танлаганимиз маъқул, сабаби уларда яратилган тизимлар бир-бири билан ўзаро боғланиш имкониятига эга;

АҚШ да ANCI (Америка миллий стандартлаштириш институти) бор. Унга буюрилган вазифалардан бири яратилаётган тизимларни қанақа бўлишидан қатъий назар, уларни бир бири билан ўзаро боғланиб ишлашини назорат қилади;

– **4 – 5 млн. қатордан ортиқ бўлган жадвал тузиш мумкин;**

– **Microsoft Access Ўзбекистон таълим тизимида дарслик сифатида ўқитилади.** Агар бу тизимни Республикада ҳамма органларда қўлланиладиган бўлса, ундан аҳолининг катта қатлами фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу тизимнинг фойдаланиш имкониятларини янада ривожлантириб, келажак авлодга тақдим этилиб келинаверади;

– **бу тизимни ўзлаштириш ва унда ишлаш онсон;**

– **11 синфни ёки бошқа таълим тизимини тугатган ҳар бир ўқувчи ва талаба фойдаланувчилар томонидан тузилган ҳар қандай МО ни ўзгартириши мумкин;**

– **бу тизимда маълумотларни Microsoft Word ва Microsoft Excel га экспорт ва импорт қилиш имконияти мавжуд.** Агар органларда бир хил МОБТ лар ўрнатиладиган бўлса, маълумотларни экспорт ва импорт қилишда Microsoft Excel тизимидан кўприк воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Лекин бу тизимда тузилган электрон жадвалларни МОБТ нинг МО талабларига мослаштириш керак бўлади.

– **Access 2016 да бир нечта жадвалларни ўзаро бир-бири билан боғлаш мумкин.** Унинг МО да 32768 та объекти (ташкил этувчиси), яъни жадвал, сўров, ҳисобот, макрос ва шакллар бўлиши мумкин. МО 2048 та жадвални бир вақтнинг ўзида очиш мумкин. МОБТ дан вазирлик, вилоят ва бошқа тизимларда МО тузиш ва қуйи органлардан экспорт қилинган маълумотларни умумлаштиришда фойдаланиш мумкин.

–Тугмали менюлар тузиш мумкин.

Бугунги кундаги аҳоли тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қиладиган бўлсак, аҳолининг ёши ва жинси тўғрисидаги маълумотлар Давлат статистика кўмитасида вилоят даражасида умумлаштирилган кўринишда ташкил қилинган. Бу каби маълумотларнинг қанчалик тўғрилигини ҳеч ким асослаб бера олмайди, сабаби у 1979 йилда ўтказилган рўйхатга олишга асосланиб, умумлаштирилган маълумотлар тузилиб келинмоқда.

Йиғилиб келинаётган маълумотлар асосида туман ёки маҳаллада яшаётган аҳолининг ёши ва жинси тўғрисидаги ҳисоб-китоб ишларини бажаришда ечиб бўлмайдиган муаммога дуч келинади.

Агар маҳаллада (МОБТ) ва телекоммуникация технологиялари ёрдамида **Электрон ҳокимият** ташкил қилинадиган бўлса, аҳолининг ёши ва жинси, миллати, туғилиши, вафоти ва миграцияси, тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар маҳаллада йиғилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бу каби маълумотлар биринчи навбатда маҳаллани бошқаришда ва туман ҳокимлари учун зарур.

Агар маҳаллада ташкил қилинган маълумотлар омбори (МО) дан фойдаланилса, туман, вилоят, ва республикада тузиладиган аҳолининг сонига тегишли бўлган режалар мукамал бўларди. Маҳаллада тузилган МО га йилда бир марта аҳоли, яъни хонадон эгалари томонидан ўзгартиришлар киритилишини қонунда белгилаб қуйилиши керак бўлади. Чунки йил давомида аҳоли ҳаётида ҳар хил ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Ҳудудларнинг бошқариш тизимидаги энг қуйи орган бу маҳалладир. Маҳалла ҳудудида, яъни ери устида аҳоли, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлари, тарихий обидалари ва бошқалар, ер остида эса қазилма бойликлари мавжуд. Бу объектларни бошқариш туман ҳокимлиги зиммасига юклатилган. Туман ҳудудидаги объектларни тезкор усулда бошқаришда ҳозирги замон Телекоммуникация технологиялари ва Маълумотлар омборини бошқариш тизими (МОБТ) дан фойдаланиш, бу автоматлаштирилган тизимни яратиш, яъни **Электрон ҳокимият** дир.

Агар **“Электрон ҳокимият”** тизими ривожлантириладиган бўлинса, ҳудудлар (вертикал) бўйича тузиладиган ҳисоботларни соҳалар, яъни вазирликлар (горизонтал) бўйича тузиладиган ҳисоботлар билан таққослаш имконияти туғилади. Аслида иккала ҳисоботдаги маълумотлар баланс бериши керак. **“Электрон**

ҳокимият” тизимини яратишда бошланган ишлар қўйилган биринчи қадамдир. Мисол учун иккита масалани кўрсатиш мумкин:

1. Олиб борилган изланишлар натижаси маҳаллада аҳоли, аҳолининг вафоти, туғилиши ва миграцияси бўйича **МО** тузиш учун имконият яратилди. Тузилган **МО** дан аҳоли тўғрисида ҳар хил тезкор маълумотлар олиш ва маҳалла, туман, вилоят ва Республика миқёсида умумлаштирилган маълумотлар ташкил қилиш мумкин. Маҳаллада тузилган **МО** нинг яна бир афзаллиги Республикада аҳолини рўйхатга олиш (Перепись) да фойдаланишдир. Аҳолини рўйхатга олишни йилнинг исталган фаслида ўтказиш мумкин.

2. Республикада аҳолининг ёши ва жинси тўғрисида маълумотларни шакллантириш ишлари Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани миқёсида амалга оширилди: Бунинг учун Шайхонтоҳур туманига тегишли 51 та маҳалла бўйича тест мисоллари учун маълумотлар тайёрланди ва ҳисоб-китоб ишлари учун дастур тузилиб, аҳолининг ёши ва жинси бўйича ҳисобот тузилди. Шу йўл билан бошқа туманлар бўйича ҳам аҳолининг ёши ва жинси бўйича ҳисоботни шакллантириб, уларни умумлаштириб вилоятлар даражасида, кейин уларни ҳам умумлаштириб республика даражасида аҳолининг ёши ва жинси бўйича ҳисобот тайёрлаш мумкин. Аҳолининг прогнозини аниқлашда иштирок этадиган кўрсаткичлар бўйича маълумотларни йиғишнинг янги услуби, яъни схемаси, **МО** тузиш ва уни бошқарувчи **МОБТ** дан фойдаланиб, республикада аҳолининг ёши ва жинси тўғрисида маълумотларни шакллантириш, Ўзбекистонда биринчи бўлиб ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ҳар бир инсон, ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳолати, тарихий обидалар, ер ости бойликлари тўғрисида аниқ маълумотларни йиғиш ва мониторингини олиб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқди. Аҳоли тўғрисидаги аниқ маълумотлар ва унинг прогноз кўрсаткичлари: аҳолининг сони, туғилиши, вафоти, миграцияси иқтисодиётимизнинг ҳамма соҳалари ва тадбиркорларнинг аниқ бизнес режасини тузишларида катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар аҳолининг бандлигини таъминлашга, Тарихий обидалар тўғрисидаги маълумотлар сайёҳлик соҳасининг ривожлантиришга, ер ости бойликлари эса бизнес ва чет эл инвестициясини жалб қилишга хизмат қилади.

Инвестицион лойиҳаларни маҳалла ҳудудида жойлаштириш учун бор имкониятлар тўғрисида ҳам **МО** тузиш мақсадга мувофиқ

бўлади. Масалан, бирорта ишлаб чиқариш иншоотларини жойлаштириш учун аввал унга керакли, яъни электр қуввати, сув (совуқ, иссиқ) очиқ майдон ёки тугалланмаган бино, нефть маҳсулотлари, коммуникация иншоотлари ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар йиғишга тўғри келади. Тарихий обидалар тўғрисидаги маълумотлар сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга, ер ости бойликлари эса бизнес ва чет эл инвестициясини жалб қилишга хизмат қилиши мумкин. Ана шу ишларни ҳар бир маҳаллада ташкил қилиб қўйилса инвестор учун қулайлик яратилади ва инвестор улар билан бир жойда ўтириб, республика ҳудудидаги маҳаллаларнинг шароитлари билан танишиб чиқиши учун имконият яратилади. Бу масалалар ҳам **Электрон ҳокимият** га тегишлидир.

Бу тизимдан бир вақтнинг ўзида 200 дан ошиқ фойдаланувчи фойдаланиши, яъни МО дан маълумот олиш керак бўлса, ўзгартириши ҳам мумкин.

Тугма навигация менюси нинг ташкил қилиниши жадвалдаги маълумотларнинг қулай, тезкор усулда кўришни, киритиш ва ўзгартиришни таъминлайди.

Саралаш ва филтрлаш менюлари ёрдамида кенг масштабдаги маълумотларни содда ҳолга келтириш мумкин. Бу эса фойдаланувчилар томонидан сўровларни ташкил қилишда вақтни тежайди.

Ҳар бир жадвалга 255 гача кўрсаткич (майдон) жойлаштириш ва уларнинг 32 майдонидан фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида ҳар хил математик амалларни бажариш мумкин.

Республикалар, вилоятлар, туманлар, шаҳар ва маҳаллалар номлари ва шифрларини МО га жойлаштиришда **осилиб тушувчи рўйхатдан** фойдаланиш имконияти борлиги вақтни тежашга олиб келади.

Маҳалладан ҳар хил матндан иборат бўлган маълумотларни тайёрлашда бу тизимда ҳам **Word** каби имкониятлари мавжуд.

Тугмали шакл менюси ни ишлаб чиқилиши жадваллар, ҳисоботлар, сўровлар, шакллар, ва макросларни бир жойда ўтириб, улардан бирортаси ёки ҳаммасини кўриб чиқиши мумкин.

SQL дастурлаш тизими ёрдамида на фақат мураккаб сўровларни ташкил қилиш ва МО ларни, яъни жадвалларни бир бирига қўшишни ҳам бажариши мумкин. Бу эса сўров жараёнини соддалаштиришга олиб келади.

Бу қўлланмадан фойдаланиб иқтисодиётнинг аниқ соҳаларида олиб бориладиган ҳисоботлар, яъни шу давргача ечилмаган масалаларнинг ечими кўрсатилган.

Қидирувда юрган шахслар ҳақидаги маълумотларни МО га жойлаштириб, бир жойдан республика ҳудудидаги маҳаллаларнинг барчасига юбориш имконияти мавжуд. Бундай ишлар қидирув ишларини енгиллаштиради.

Ўзбекистон Президенти томонидан чиқариладиган фармоиш, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни маҳалла идораларига жўнатишда бу тизимдан фойдаланса бўлади.

Тизимда тузилган **Электрон китоб фонди** ни республиканинг барча маҳаллаларига ва компьютери бор хонадонларига ёйиш мумкин. Натижа эса аҳолининг китоб саводхонлигининг ошишига олиб келади. Фондда: Бадиий адабиётлар–479, Маънавият–74, Таржима қилинган адабиётлар–97, Шарқ алломалари–84, И.А. Каримов асарлари–73, Тарих–28, Справочник, луғат ва энциклопедиялар–50. Луғатда 6 (русча, ўзбекча, инглизча, немисча, испанча, хитойча) тилда сўзлашгич бор–581 бет. Фондда жами–1466 китоб бор.

I. Бўлим. Маълумотлар омбори бошқариш тизими (МОБТ) MS Access 2016 тизими

1-боб. Маълумотлар омбори ва MS Access тизими

1-§. Маълумотлар омбори

МО (маълумотлар омбори) компьютер хотирасига киритилган, ўзаро бир-бири билан боғланган ва тартибланган маълумотлар мажмуасидир. Маълумотлар мажмуаси хотирада жадвал кўринишида сақланади. Маълумот икки ўлчамли бўлиб, **қатор** ва **устун** дан иборат. Устунда кўрсатилган ном **майдон** дейилади. Қаторни эса ёзув деб номланади. Қатор билан устун кесишган жойига кўрсаткичларнинг қиймати жойлаштирилади. Кўрсаткичлар сони қанча кўп бўлса, майдон ҳам шунча кўп бўлади.

МО бир нечта объект (ташкил этувчи) дан иборат:

1. **Таблица (Жадвал)** да бирорта тема бўйича кўрсаткичлар қийматининг мажмуаси экс эттирилади. Маълумотлар устун ва қаторларга жойлаштирилади.

2. **Форма (Шакл)** деганда кўрсаткичлар қийматини қулай ҳолда жадвалга киритилиши тушунилади.

3. **Запрос (Сўров)** да жадвалдан керакли маълумотларни олиб экранга чиқарилади.

4. **Отчёт (Ҳисобот)** фойдаланувчининг исталган кўринишдаги маълумоти. Ҳисоботдан, яъни сўров натижасида йиғилган маълумотлардан хулосаларга келинади ва буларни принтердан чиқариб олиш мумкин. У жадвал, матн, график ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

5. **Макрос** буюрилган топшириқларни автоматик равишда бажаради. Вазифаларни **Функция** каби амалга оширади.

МО га бир вақтнинг ўзида бир нечта фойдаланувчи кириши мумкин. МО ни ташкил қилиш ва маълумотлардан фойдаланиш учун дастурий таъминотлар ҳамда МОБТ зарур. **Microsoft Access** тизими МОБТ турига киради.

2-§. Microsoft Access тизими ҳақида

Access тизими Microsoft тизимига тегишли бўлиб, унда жадваллардаги маълумотлар билан ишлашда қулайлик, тезлик ва бошқа сифатлари мавжуд.

Access 2016 дастуридан фойдаланиш учун тезкор хотираси **256 МБ** ва процессор частотаси **500 МГц** дан кичик бўлмаган компьютерлар бўлиши шарт.

Компьютер қуйидаги операцион системаларнинг бирортаси бошқарувида ишлаши керак:

1) Windows XP янгиланган пакети билан 3 (64 разрядли).

2) Windows Vista янгиланган пакети 1 билан **Windows 7**.

Маълумотларни электрон почта орқали тўплаш учун **M.Outlook** дастури талаб қилинади.

Microsoft Access 2016 тизими компьютерга ўрнатилганда **Microsoft Word** ва **Microsoft Exsel 2016** бўлиши шарт.

Microsoft Access 2016 тизимини кўрсаткичлари

Маълумотлар омборидаги объектларнинг умумий сони 32768

Модулар (жумладан шакллар ва ҳисоботлар), True маъносига эга модулни мавжудлик хусусияти (Has Модули)-1000

Объектлар номида белгилар сони-64

Махфий сўз (парол) да белгилар сони-14

Гуруҳлар ёки фойдаланувчи номида белгилар сони-20

Бир вақтнинг ўзида ишловчи фойдаланувчилар сони-255

Жадвал

Жадвал номидаги белгилар сони-64

Мойдон номидаги белгилар сони-64

Жадвалда майдонлар сони-255

Очиқ жадваллар сони-2048 (MS Access очувчи ички жадваллар туфайли аниқ рақам камроқ бўлиши мумкин)

Жадвал ўлчами-2ГБ тизимли ҳужжатлар ва объектлар учун зарур бўлган жойни ҳисобга олмаганда

Матнли майдонда белгилар сони-255

МЕМО майдонида белгилар сони-65535 фойдаланувчи алоқаси орқали маълумотларни киритганда; программалаш ёрдамида маълумотларни киритганда белгиларни сақлаш учун 1 ГБ

OLE объект майдонининг ўлчами-1ГБ

Жадвалдаги индекслар сони-32.

Индексдаги майдонлар сони-10

Хатолар ҳақидаги хабарномаларда белгилар сони-255

Жадвал ёки майдон тавсифидаги белгилар сони-255

Ёзувларда белгилар сони (МЕМО майдонлари ва OLE объектлар майдонларидан ташқари)-2000

Майдон хусусиятидаги белгилар сони-255

Сўровлар

Алоқаларда иштирок этмайдиган майдонлар ёки майдонлар бирикмаси учун мўлжалланган жадвалларда жойлашган индекслар сони ҳисобга олинмаганда, битта жадвал учун-32

Сўровларда жадваллар сони-32

Сўровда боғланишлар сони-16

Ёзувлар тўпламидаги майдонлар сони-255

Ёзувлар тўпланининг ўлчами-1 ГБ

Саралаш чегараси-255 (бир ёки бир неча майдонларда)

Сўровларнинг ичма-ич қўйилишидаги даражалар сони-50

Сўров шакли катакчасидаги белгилар сони-1024

Параметрлар сўровидаги параметрлар учун белгилар сони-255

WHERE ёки HAVING ифодаларида AND операторларининг сони-99

SQL йўриқномасида белгилар сони-тахминан 64000

Шакллар ва Ҳисобот

Ёзувдаги белгилар сони-2048

Матнли майдонда белгилар сони-65535

Ҳисобот ёки шаклни кенглиги (эни)-57,79 см

Бўлим баландлиги-57,79 см

Барча бўлимлар ва бўлимлар сарлавҳасининг баландлиги (конструктор ҳолатида)-508 см

Ҳисобот ёки шаклларнинг ичма-ич қўйилишидаги даражалар сони-7

Ҳисоботда гуруҳлаш ёки саралаш мумкин бўлган сўз ифодалари ёки майдонлар сони-10

Ҳисоботда изоҳлар/эслатмалар ва сарлавҳалар сони-1 сарлавҳа/ҳисобот эслатмаси; -1 сарлавҳа/бет эслатмаси; -10 сарлавҳалар/гуруҳлар эслатмаси

Ҳисоботдаги нашр этиладиган саҳифалар сони-65535

Ҳисобот ёки шаклнинг мавжуд бўлган даврда қўшиш мумкин бўлган бўлимлар ва бошқариш элементлари сони-754.

Шакл, ҳисоботлар ёки бошқариш элементларининг ёзувлари манбаси (Recordsource) ёки сатрлар манбаси (Rowsource) хусусияти сифатида SQL йўриқномасида ишловчи белгилар сони-32750

Макрос

Макросдаги макробуйруқлар сони-999

Шартлардаги белгилар сони-255

Изоҳдаги белгилар сони-255

Макробуйруқлар аргументидаги белгилар сони-255

Шу билан бирга ушбу бўлимда: VBA воситаси орқали маълумотлар омбори объектини шакллантириш (Тузиш).

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: танлаш масаласи ва **МО** ни тузишда **Microsoft Access** тизимидан фойдаланилади, чунки бу тизим ёрдамида олдимизга қўйган масалалар ҳал қилинади.

2-боб. Жадвал тайёрлаш ва Access га кириш

1-§. Жадвал тайёрлаш

Жадвал тайёрлаш учун маълумотлар бирорта шаклда йиғилади. Масалан, тўпланган маълумотлар маҳалла аҳолиси тўғрисида бўлсин. Маълумки, маҳаллада кўп қаватли ва бир қаватли оддий (участка) уйлар мавжуд. Уларда яшайдиган оилалар тўғрисида маълумотлар икки хил жадвал кўринишда бўлади.

Биринчи жадвалда куйидагилар экс этади: кўчанинг номи, тор кўча, уйнинг рақами, хона рақами, фамилияси, исми, отасини исми, оилада ким, туғилган куни, паспорт ёки метерканинг рақами, иш жойи, ким бўлиб ишлаши, рўйхатда қаерда туриши, яшаш ёки рўйхатда туриш манзили (туман, кўча, уй рақами ва ҳар хил телефон рақамлар).

Иккинчи жадвалда эса куйидагилар акс этади: кўчанинг номи, тор кўча, уйнинг рақами, йўлаклар сони, хоналар сони, уй боши, телефон, моб. тел.

Маълумотларни МО га киритишда хотирада камроқ жой эгаллаши учун қисқартирилган сўзлардан фойдаланилади: **Эр**–эри, **Ка**–қайнона, **Уг**–ўғил, **Кз**–қизи, **Ви**–вақтинча ишсиз, **Р**–рўйхатда, **Я**–яшайди ва ҳоказо.

Йиғилган маълумотлар электрон жадвал шаклга туширилади ва унинг кўриниши экранда куйидагича бўлади:

Код кўча	Кўчанинг-номи	Тор кўча	Уйнинг-рақами	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
1	Тилла	1	1	1	Арипов	Дониер	Зокир
2	Тилла	1	1	1	Зияева	Махмуда	Шомансўровна
3	Кўмиш		1		Азизов	Рўстамжон	Махкам
4	Кўмиш		1		Азизова	Феруза	Зухуровна
5	Пўлат		2		Асроров	Даврон	Карим
6	Пўлат		2		Асророва	Мафтўна	Мансўровна
7	Пўлат		2		Асроров	Достонбек	Карим
8	Чўян	2	3	3	Асомов	Абдўмавлон	Тоҳир
9	Чўян	2	3	3	Асомова	Саодат	Закировна
10	Чўян	2	3	3	Асомова	Машкўра	Тоҳировна

Оилада-ким	Рўйх-Яши	Тўғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл
Эр	я	27.01.1964	АА-0000001	Магазин	сотувчи
ка	я	18.11.1969	АА-0000002	001-боғчада	тарбиячи
эр	я	10.09.1972	АА-0000011	Ви	
ка	ря	13.11.1976	АА-0000222	Хўсўсий клиника	дефектолог
эр	ря	26.08.1996	АА-0003333	ТОШ.молия инс	стўд1 боск
ка	ря	21.04.1999	АА-0000444	Ви	
ўг	я	09.10.2016	1тн-000555	Сергелида300-мак	ўкувчи
эр	ря	20.09.1973	АА-0009999	таш.вилоят.депўт	Тадбиркор
ка	ря	20.09.1978	АА-0101020	Уй бекаси	
кз	ря	29.09.1997	АА-5555555	Лицейда	Укувчи

Рўй-яший	Туман	Кўча	Уйнинг--раи	Тел	Мобил	Код
р	Шайхонтохур	Заргар	52А	222-57-22	+99890-111-22-3	1
р	Шайхонтохур	Уткир тор	12/2	222-57-22	+99890-111-22	2
р	Чиланзор		4/77	255-92-44	+99890-126-08-0	3
				255-92-44	+99890-126-08-0	4
				355-92-52	+99894-222-33-4	5
				355-92-52	+99894-222-33-4	6
р	Чиланзор	А5	2	355-92-52	+99894-222-33-4	7
				241-21-11	+99880-155-00-0	8
				ря	+99880-155-00-0	9
				ря	+99880-155-00-0	10


Иккинчи жадвал экранда қуйидаги кўринишда бўлади:

Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уй рақами	Йўлақлар о	Хоналар сои	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Кўмиш	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Пулат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

2-§. Access га кириш

Access компьютерга ўрнатилаётганда иложи бўлса, экранда **Рабочий стол** га чиқарган маъқул, чунки ундан фойдаланиш қулайроқ.


Рабочий стол (ишчи стол) дан **Access** ёзувини топиб, сичқончани устига қўйиб, тугмаси босилганда экранда қуйидаги шакл ҳосил бўлади:




Шаклдаги маълумотларга изоҳ берамиз. Фойдаланмоқчи бўлган файлнинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, шу файл

экранада ҳосил бўлади. Агар фойдаланмоқчи бўлган файл рўйхатда йўқ бўлса, у ҳолда **Открыть другие Файли** (бошқа файлларни очинг) бандидан фойдаланилади.

Кўриниб турган иккита шаклдан чап томондагисини **Пустая база данных рабочего стола** (ишчи столнинг бўш маълумот омбори) устига сичқончани қўйиб тугмаси босилади. Чунки биз янги **МО** очмоқчимиз. Натижада қуйидаги шакл экранга чиқади:



Бу шаклнинг ўнг томонида **Имя файла** (файлнинг номи) ёзувининг тагида бирорта ном масалан, **Database1** билан чиқади, яъни компьютернинг ўзи ном беради, лекин уни ўзгартириш мумкин ва **Создать** (ташкил этиш, яратмоқ) тугмаси босилади. Натижада **Таблица1** ҳосил бўлади. **Таблица1** ни экранга компьютер чиқаради. Буни ҳам унга маълумот ёзилгандан сўнг ўзгартириш мумкин. Ёзиладиган кўрсаткичларни **Щёлкните для добавления** (қўшиш учун бир марта босинг) ёзувининг ўрнидан бошланади.




Эслатма. Ҳурматли ўқувчи матнлар орасида танланади, босилади, белгиланади, кирилади, қўйиш сўзлари қўлланилган. Бу сўзларнинг маъносини менюга кириш, буйруғни устига қўйиш ёки танлаш, кўрсаткични белгилаш ёки устига қўйиб тугмани босиш деб тушиниш лозим.


Жадвалга маълумотларни киритишдан аввал **Панель инструментов ПИ** даги буйруғлар билан танишиб чиқамиз. Экраннынг юқори қисмида асосий буйруғлар мавжуд: **Файл**

(файл–бирорта маълумотни хотирага ёзиб қўйилгандаги кўриниши), **Главная** (бош), **Создание** (тузиш), **Внешние данные** (ташқи манбаъдаги маълумотлар), **Работа с базами данных** (МО билан ишлаш), **Поля** (майдон–кўрсаткичларни жадвадаги номи), **Таблица** (жадвал–қийматларни устун ва қатордаги жойлашувини ифода этувчи шакл) ёзувлари ва уларнинг тагида ҳар бирига тегишли бўлган буйруғларнинг тугмалари кўринади. Тугмалар ҳам буйруғларни бажаради.


Файл буйруғи танланганда экранга қуйидаги меню чиқади:




Главная буйруғи танланганда экранга қуйидаги меню чиқади:




Создание буйруғи танланганда экранга қуйидаги меню чиқади:



Внешние данные буйруги танланганда экранга куйидаги меню чиқади:



Работа с базами данных буйруги танланганда экранга куйидаги меню чиқади:



Поля буйруги танланганда экранга куйидаги меню чиқади:






Таблица буйруги танланганда экранга куйидаги меню чиқади:




Что вы хотите сделать? (сиз нима қилмоқчисиз?) буйруғи танланганда экранга қуйидаги меню чиқади:



Юқорида кўрсатиб ўтилган буйруғлар мажмуаси бу ҳаммаси эмас, яна бошқалари масалани ечиш вақтида намоён бўлади. Экраннинг чап томонида бир устун бўлиб **Все объекты Access** сарлавҳаси кўринади. Унинг тагида тузилган жадваллар, шакллар, ҳисоботлар, макрослар ва сўровлар рўйхати чиқади. Бу рўйхатдан кераклигига кириш учун “сичқонча”нинг чап томонидаги тугмани 2 марта босилса, танланган жадвал ёки бошқалари экранга чиқади.

3-§. Access да янги жадвал очиш

Янги жадал очиш учун **Главная** буйруғидан фойдаланамиз. Унинг экранда кўриниши қуйидагича:



Главная буйруғида янги тузилган файлининг номи **Database1** кўрсатилган. У шаклининг юқори қисмида жойлашган. Шаклининг қуйи қисмида **Все объекты Access** – **Access** нинг ҳамма объекти (ташкил этувчи) бўлими ва янги жадвал **Таблиц1** кўрсатилган. Унинг экранда кўриниши қуйидагича:







Таблица1 даги **Код** (код–харфлардан тузилган) ёзуви ўзи чиқади. Коднинг вазифаси ҳар бир қаторга киритилган ёзувни 1 дан бошлаб рақам билан белгилаб боради. **Щелкните для добавления** ёзувининг ўрнига кўрсаткичлар ёзиб борилади. Жадвалга кўрсаткичлар икки хил усулда киритилади:

- 1) кўрсаткичларни тўғридан-тўғри киритиш;
- 2) конструктор ҳолатида киритиш.

Агар биринчи усулдан фойдаланадиган бўлсак, у ҳолда юқоридаги расмдаги **Щелкните для добавления** кўрсаткичининг ёнидаги  тугманинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, экранга қуйидаги рўйхат чиқади:



Эслатма. Рўйхатдаги кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар кейинроқ алоҳида параграфда берилади. Энди кўрсаткичларни **Таблица1** га ёзишни бошлаймиз. Кўрсаткичларнинг **Туғилган йили** кўрсаткичидан бошқаси қисқа матндан иборат. Туғилган йили кўрсаткичининг турини белгилашда **Дата и время** (сана ва вақт) кўрсаткичини танлаш керак бўлади. Чунки бу кўрсаткичнинг қиймати сана, ой ва йилдан иборат. Биринчи кўрсаткичнинг қиймат тури матндан иборат бўлганлиги учун **Краткий текст** (қисқа матн) банди

танланганда ўрнига бирорта ном билан **поле** ёзуви чиқади. Шу ёзувнинг ўрнига биринчи кўрсаткич ёзилади. Иккинчи кўрсаткични ёзиш учун яна **Щелкните для добавления** кўрсаткичининг ёнидаги  тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан кўрсаткичнинг қиймати матндан иборат бўлганлиги учун **Краткий текст** банди танланганда ўрнига бирорта ном билан **поле** ёзуви чиқади. Шу ёзувнинг ўрнига иккинчи кўрсаткич ёзилади. Шундай қилиб, қолган кўрсаткичларни ўнг томонга жойлаштириб, ёзишни давом эттирамиз. Натижада кўрсаткичларнинг кўриниши қуйидаги жадвалда ҳосил бўлади:

Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Хонанинг рақами	Фамилия	Исми
*						

Отас-исми	Оилада-ким	Рўйх-ким	Тўғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл	Рўй=Яший
*							

Тўман	Кўча	Уйнинг--рақами	Тел	Мобил
*				

Ёзилган кўрсаткичларни хотирага сақлаб қўямиз. Бунинг учун **Таблица1** ни устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** (сақлаш) банди танланса **Сохранение** (сақлаб қўйиш) менюси чиқади. Бу менюда **Таблица1** ни хотирага ёзиб қўйиш сўралмоқда.

Сохранение ? X

Имя таблицы:

Таблица1

Агар **Таблица1** нинг номини ўзгартирмайдиган бўлсак, у ҳолда **OK** (ха) тугмаси босилади. Биз **Таблица1** нинг номини ўзгартириб, **Кўрсаткичлар** деб атаймиз.

Сохранение ? X


Имя таблицы:

Кўрсаткичлар

Сохранение менюсидан **ОК** тугмаси босилганда, кўрсаткичлар ёзилган жадвалнинг номи ва **Все объекты Access** бўлимидаги ном ҳам ўзгаради.




Шундай қилиб, киритилган кўрсаткичлар **Кўрсаткичлар** номли жадвалда сақланади. Энди жадвалга кўрсаткичларнинг қийматларини киритиш мумкин. Жадвалга қийматлар ёзилмаганлиги учун ёпиб қўйилади. Бунинг учун жадавалнинг номи **Кўрсаткичлар** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** (ёпиш–йиғиб қўймоқ) банди танланади, шунда экран бўш ҳолатига ўтади. Жадвал эса **Все объекты Access** бўлимидан жой эгаллайди. Кўрсаткичларнинг киритишни иккинчи усули **Конструктор** (конструктор–компьютерда дастур лойиҳасини тузувчи) ҳолатини кўрамиз. Бунинг учун **ПИ (Панель инструментов–Access** нинг юқори қисмидаги бир қатор тугмалар) даги **Создание** буйруғидан **Таблица** тугмаси танланганда қуйидаги **Таблица1** номли жадвал экранда ҳосил бўлади:



Эслатма. Юқорида **Таблица1** номли жадвалга кўрсаткичлар ёзилди, лекин бу ном билан хотирага ёзилмаганлиги, яъни бўш бўлганлиги учун компьютер уни яна экранга чиқарди.

Таблица1 га кўрсаткичларни киритишни бошлаймиз. Бунинг учун **ПИ** даги **Главная** буйруғидан **Режим** (режим) тугмаси босилса экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди танланади. Натижада экранга **Сохранение** номли меню чиқади. Унинг ичида **Таблица1** номи ёзилган бўлади.




Агар **Таблица1** номини ўзгартирмайдиган бўлсак, унда **ОК** тугмаси танланади. Лекин унинг номини **Кўрсаткич2** ном билан

ўзгартириб, **OK** тугмаси босилганда кўрсаткичларнинг киритиш шакли экранга куйидагича чиқади:



Юқоридаги шакл юқори ва куйи қисмдан иборат. Юқори қисмида майдонларнинг рўйхати ва қийматларнинг тури ёзилади. Қуйи қисмида эса қийматларнинг хотирадан қанча жой эгаллаши ёзилади.

Менюдаги биринчи рўйхатдаги **Код** ёзувини компьютер ўзи чиқаради ва унинг номи **Счетчик** (ҳисоблагич–ёзувларни рақам билан белгилаб боровчи) деб белгиланган. Биз маълумотни иккинчи қатордан киритишни бошлаймиз. Ҳар бир кўрсаткич киритилгандан сўнг ёнидаги қиймат турини тўлдириш керак. Бунинг учун биринчи кўрсаткич (Кўчанинг номи) ни ёзиб, **Тип данных** (маълумот тури) га ўтилганда белги чиқади. Белгининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда экранга куйидаги рўйхат чиқади:



Рўйхатдан **Короткий текст** банди танланади, чунки кўрсаткичнинг қиймати қисқа матндан иборат. Яна бир бор эслатиб ўтамиз, яъни кўрсаткичлар қиймат турларининг кўп қисми қисқа матндан иборат бўлганлиги учун **Короткий текст** дан фойдаланилади. Фақат **Туғилган куни** кўрсаткичининг қиймат турини белгилашда **Дата и время** руйхатдан топилади. Сабаби кўрсаткичнинг қиймати сана, ой ва йилдан иборат. Ёзилган кўрсаткичларнинг кўриниши **Конструктор** ҳолатида қуйидагича бўлади:

Имя поля	Тип данных
Код	Счетчик
Кўчанинг номи	Короткий текст
Тор кўча	Короткий текст
Уйнинг рақами	Короткий текст
Хонанинг рақами	Короткий текст
Фамилия	Короткий текст
Исми	Короткий текст
Отас-исми	Короткий текст
Оилада-ким	Короткий текст
Рўйх-ким	Короткий текст
Тўғ-йили	Дата и время
Пасп-ёки М	Короткий текст
Иш-жойи	Короткий текст
Ким-бўл	Короткий текст
Рўй-Яший	Короткий текст
Тўман	Короткий текст
Кўча	Короткий текст
Уйнинг--рақами	Короткий текст
Тел	Короткий текст
Мобил	Короткий текст


Аҳамият берган бўлсангиз кўрсаткичлар киритишнинг биринчи усулида қиймат турларини белгилашда **Размер поля** (майдон ўлчами–компьютер хотирасида майдон учун ажратиладиган жойнинг миқдори) кўрсатилмаган эди. Иккинчи усулда эса **Размер поля** си кўрсатилади.

Бундан кейин кўрсаткичларнинг номини **майдон** деб атаймиз. Навбатда юқоридаги **Конструктор** ҳолатининг қуйи қисмини тўлдиришни кўрамиз. Қуйи қисмда ҳар бир майдон киритилганда қиймати нечта белгидан иборатлигини кўрсатиш керак бўлади. Унинг кўриниши экранда қуйидагича бўлади:


Общие	Подстановка
Размер поля	20

Экранда **Размер поля** ни кўрсатадиган менюси бор. Унда биринчи майдоннинг қиймати- 20 сони кўрсатилган. Бошқа майдонларни хотирадан жой эгаллаши тўғрисида кўрсатма қуйидагича бўлади. Тор куча-20, Уйнинг рақами-4, Хонанинг рақами-4, Фамилия-20, Исми-20, Отасини исми-20, Оилада ким-3, Рўйхатда-яшайди-3, Туғ-йили-унинг ўзиники бор, Пасп. ёки метер. рақами-10, Иш жойи-20, Ким бўлиб-20, Руй-яший-2, Туман-20, Кўча-20, Уйнинг рақами-5, Тел-9, Моб-14.

Натижани кўриш учун **Кўрсаткич2** нинг устига “сичқонча”ни қўйиб ўнг тугмаси босилса рўйхат чиқади. Ундан **Режим таблицы** (жадвал ҳолати) бандини танлаганимизда **Microsoft Access** менюси **Кўрсаткич2** ни хотирага ёзиб қўйиш таклифи билан чиқади.



Менюдан **Да** (ҳа) тугмаси танланади. Натижада майдонларнинг рўйхати экранда қуйидагича жойлашади:




Жадвал кўрсаткичларнинг қийматларини киритишга тайёр. Тажрибадан хулоса чиқарадиган бўлсак, иккинчи усул маъқулроқ, чунки майдон тўғрисида тўлиқ маълумотлар ҳисобга олиниб жадвал тузилади.

4-§. Ташкил этувчиларга кириш

Ташкил этувчи деганда **Жадвал, Шакл, Сўров, Макрос ва Ҳисобот** лар тушунилади.

Все объекты Access нинг ичидаги, яъни рўйхатдагилар



тўғрисида маълумотларга эга бўлиш учун бўлимидаги тугма босилса, қуйидаги рўйхат экранга чиқади: **Переход в категорию** (туркумга ўтиш) , **Настройка** (созлаш—**Все объекты Access** нинг ташкил этувчилар турларини кўрсатмаган ҳолда ёпади, очади). **Тип объекта** (объектнинг тури—объектни турлари бўйича созлайди), **Таблицы и связанные представления** (жадвал ва шунга боғлиқ бўлганлар—бир=бирига боғлиқ бўлган жадвалларни гуруҳларга ажратади), **Дата создания** (тузилиш кунлари—кун, ҳафта, ой, жуда ҳам олдин), **Дата изменения** (ўзгартириш кунлари—кун, ҳафта, ой, жуда ҳам олдин), **Фильтр по группам** (гуруҳлар бўйича филтрлаш), **Таблицы** (жадвал), **Запросы** (сўров), **Формы** (шакл), **Отчеты** (ҳисобот), **Макросы** (макрос—вазифаларни автоматик равишда бажаридиган буйруғ), **Все объекты Access**.

Рўйхатдаги **Все объекты Access** бандининг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, қуйидаги буйруқлар экранга чиқади: **Категория**, **Сортировка** (саралаш), **Просмотр** (кўриб чиқиш), **Параметры навигации** (навигация кўрсаткичи), **Тип объекта** (объект турлари), **Таблицы и связанные представления** (жадвал ва боғлиқ бўлган тасаввурлар, **Настройка** (созлаш—менюларнинг биридан иккинчисига ўтказади), **Навигация** (объектларни бирма бир кўриш) **Строки поиска** (излаш қатори—компьютер хотирасидан бирорта объектни изловчи тугма).

Агар **Категория** буйруғи танланса қуйидаги рўйхат ҳосил бўлади: **Настройка**, **Таблицы и связанные представления**, **Тип объекта**, **Дата создания** (тузилган санаси), **Дата изменения** (ўзгартирилган санаси).

Агар **Сортировка** буйруғи танланса қуйидаги рўйхат ҳосил бўлади: **Сортировка по возрастаню** (ортиш бўйича саралаш), **Сортировка по убыванию** (камайиш бўйича саралаш), **Имя** (номи), **Дата создания**, **Тип**, **Дата создания**, **Дата изменения**, **Удалить автоматические сортировки** (автоматик саралашни олиб ташлаш).

Агар **Просмотр** (кўриш) буйруғи танланса қуйидаги рўйхат ҳосил бўлади: **Сведение** (хабар), **Значок** (значок), **Список** (рўйхат).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **Все объекты Access** даги буйруқлар жамланмасидан ташкил этувчилар тўғрисида ҳар хил маълумотларни олиш мумкин экан.

Агар **Все объекты Access** ёзувининг ёнидаги “<<” белгини танласак, у ҳолда экраннинг ўлчами катталашади, яъни **Все объекты Access** даги рўйхат экрандан ўчади, яна жойига қайтариш учун “>>” белги босилса, рўйхатдагилар яна экранга чиқади.

3-боб. Қийматларнинг турлари ва уларни киритиш қоидаси

1-§. Қийматларнинг турлари

Қийматларнинг турлари қуйидаги рўйхатдан иборат: **Короткий текст, Длинный текст, Числовой, Дата и время, Денежный, Счетчик, Логический, Поле объекта OLE, Гиперссылка, Вложение, Вычисляемый, Мастер подстановок.** Қуйида уларнинг вазифаларини кўриб чиқамиз.

Короткий текст (қисқа матн–кўрсаткичнинг қиймати қисқа матндан иборатлигини) кўрсатади. Масалан, фамилия, исми, отасининг исми ва ҳоказо.

Длинный текст (узун матн). Матндаги белгилар 60 дан кўп бўлиши мумкин.

Числовой (рақамли–қиймати ҳар хил рақамлардан иборат бўлиб), улар устида арифметик ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Масалан, 15; 2000; 200,00.

Дата и время (сана ва вақт) нинг вариантлари: **Полный формат даты** (сананинг тўлиқ шакли) 19.06.2011. **Длинный формат даты** (сананинг узун шакли) 15июнь 2010. **Средний формат даты** (сананинг ўртача шакли) 12-июнь-2009. **Краткий формат даты** (сананинг қисқа шакли) 15.15.2015. **Длинный формат времени** (вақтнинг узун шакли) 16:34:20. **Средний формат времени** (вақтнинг ўртача шакли) 4:67. **Краткий формат времени** (вақтнинг қисқа шакли) 16:67.

Денежный (пулли–пул ўлчовида). Масалан, сўм, рубль, \$.

Счетчик (ҳисоблагич)–жадвалга янги маълумот (ёзув) киритилганда автоматик равишда бирдан бошлаб рақам билан белгилайди.

Логический (мантиқий) да–**Да** (ҳа), **Нет** (йўқ), **Истина** (чин) / **Лож** (ёлғон), **Вкл** (ёқиқ) / **Выкл** (ўчирилган) қийматларидан бири иштирок этади.

Поле объекта OLE (OLE объект майдони)–майдон расм ёки товушдан ёки ҳисоботдан иборат бўлса, чунки улар хотирада кўп жой эгаллайди.

Гиперссылка (**Гипермуружаат**) да–бу майдон дискдаги ва бошқа манбаълардаги файллар билан боғланишни ҳосил қилади.

Вложение (кўшиш).

Вычисляемый (хисоблайдиган—хисоблайдиган майдон, яъни бу майдонга математик амалларни натижаси чиқади).

Мастер подстановок (ўрин алмаштириш устаси).

Навбатдаги ишимиз кўрсаткичларни қийматларини киритиш.

2-§. Кўрсаткичларнинг қийматини киритиш қоидаси

Ҳурматли ўқувчи, сизга қўлланмадаги мисол ва масалаларни ечиш онсон бўлиши учун жадваллар тузиб қўйилган. Улар **Уй ва кўча1 D: Access** номли файлда. Шунинг учун сиз тузган **Database1 D: Access** номли файлдаги жадваллар (**Кўрсаткич2, Кўрсаткичлар**) ни **Уй ва кўча1 D: Access** номли файлга кўчириб ўтказиш керак бўлади. Бунинг учун **ПИ** даги **Файл** буйруғининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Открыть** банди танланса **Последние, Этот компьютер** ва **Обзор** менюлари чиқади. Уларни ичидан **Database1 D: Access** файлни топиб сичқончанинг тугмаси босилса, **Все объекты Access** менюси чиқади. Унинг **Таблицы** гуруҳидан биринчи галда **Кўрсаткич2** номли жадвални топиб устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда, унинг ранги оч қизилга бўялади. Кейин сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Копировать** банди танланади. Кейин **ПИ** дан **Файл** буйруғи танланганда рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Открыть** банди танланади. Натижада **Последние, Этот компьютер** ва **Обзор** менюлари чиқади. Уларнинг устига сичқончани бирма бир қўйиб ичидан **Уй ва кўча1 D: Access** номли файлни топиб тугмаси босилса, экраннинг чап томонида **Уй ва кўча1 D: Access** га тегишли **Все объекты Access** менюси чиқади. Ундан **Таблицы** гуруҳи танланади. Натижада ундаги жадваллар рўйхати чиқади. Рўйхатдагилардан бирортасининг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Вставить** банди танланганда **Кўрсаткич2** номли жадвал **Таблицы** гуруҳидан жой эгаллайди. Шу усул билан **Database1 D: Access** даги иккинчи **Кўрсаткичлар** номли жадвални **Уй ва кўча1 D: Access** номли файлга нухаси ўтказилади. Ишни давом эттирамыз. Кўрсаткичларнинг қийматини киритишни юқорида ишлаб чиқилган **Кўрсаткич2** жадвал мисолида кўрамыз.

Код	Кўчанинг исми	Тор кўча	Уйнинг рақами	Хонанинг рақами	Фамилия	Исми
*						

Кўрсаткич2	Отас-исми	Оилада-ким	Рўйх-ким	Тўғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл	Рўй-Яший
*								

Кўрсаткич2	Туман	Кўча	Уйнинг--рақ	Тел	Мобил
*					

Кўрсаткич2 даги биринчи майдоннинг тагига сичқончани қўйиб биринчи қийматни ва бошқаларини ёзамиз. Ҳамма қийматларни киритиб бўлганимиздан сўнг, уларни сақлаб қўйиш керак. Бунинг учун **Кўрсаткич2** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** бандини танлаймиз. Компьютер сақлаб қўйишни сўрайди. Жадвал номини **Аҳоли** деб атаймиз ва **Да** тугмасини босилса, қуйидаги жадвал ҳосил бўлади:

Кўчанинг-номи	Тор кўча	Уйнинг-рақами	Хонанинг рақам	Фамилия	исми	Отас-исми
Тилла	1	1	1	Арипов	Дониер	Зокир
Тилла	1	1	1	Зияева	Махмуда	Шомансуровна
Кумиш		1		Азизов	Рустамжон	Махкам
Кумиш		1		Азизова	Феруза	Зухуровна
Пулат		2		Асроров	Даврон	Карим
Пулат		2		Асророва	Мафтуна	Мансуровна
Пулат		2		Асроров	Достонбек	Карим
Чуян	2	3	3	Асомов	Абдумавлон	Тохир
Чуян	2	3	3	Асомова	Саодат	Закировна
Чуян	2	3	3	Асомова	Машкура	Тохировна

Оилада-ким	Рўйх-Яши	Тўғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл
Эр	я	27.01.1964	AA-0000001	Магазин	сотувчи
ка	я	18.11.1969	AA-0000002	001-боғчада	тарбиячи
эр	я	10.09.1972	AA-0000011	Ви	
ка	ря	13.11.1976	AA-0000222	Хусусий клиника	дефектолог
эр	ря	26.08.1996	AA-0003333	ТОШ.молия инс	студ1 боск
ка	ря	21.04.1999	AA-0000444	Ви	
ўғ	я	09.10.2016	1тн-000555	Сергелида300-мак	ўқувчи
эр	ря	20.09.1973	AA-0009999	таш.вилоят.депут	Тадбиркор
ка	ря	20.09.1978	AA-0101020	Уй бекаси	
кз	ря	29.09.1997	AA-5555555	Лицейда	Уқувчи

Рўй-яший	Туман	Кўча	Уйнинг--рақами	Тел	Мобил	Код
р	Шайхонтохур	Заргар	52А	222-57-22	+99890-111-22-3	1
р	Шайхонтохур	Уткир тор	12/2	222-57-22	+99890-111-22	2
р	Чиланзор		4/77	255-92-44	+99890-126-08-0	3
				255-92-44	+99890-126-08-0	4
				355-92-52	+99894-222-33-4	5
				355-92-52	+99894-222-33-4	6
р	Чиланзор	А5	2	355-92-52	+99894-222-33-4	7
				241-21-11	+99880-155-00-0	8
				ря	+99880-155-00-0	9
				ря	+99880-155-00-0	10

Жадвал сақлаб қўйиш учун сичқончани **Аҳоли** ёзувининг устига қўйиб, унинг ўнг тугмаси босилганда экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди босилса, жадвал хотирада сақланади. Юқоридаги вазифани яна бир бор такрорлаймиз, унда **Сохранить** бандининг ўрнига **Закреть** банди босилса, экран бўшаб жадвалимиз **Все объекты Access** ни **Таблицы** гуруҳидан жой эгаллайди.

Иккинчи жадвалнинг майдонларини юқоридаги усул билан ишлаб чиқиб тўлдирганимизда, жадвал экранда қуйидаги кўринишга эга бўлади. Жадвалнинг номини **Уй ва кўча бошлиғи** деб атадик.

Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уй рақами	Йўлақлар с	Хоналар соғ	Уй кўча боғ	Телеф	Моб
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Кўмиш	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Пулат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11
*	(№)							


Жадвални сақлаб қўйилса, экран бўшайди ва жадвал **Все объекты Access** ни **Таблица** бўлимидан жой эгаллайди. **Аҳоли** ёки **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини экранга чиқариш учун сичқончанинг тугмаси икки марта босилади. Натижада биринчи жадвалда 10 та ёзув, иккинчисида 5 та ёзув бор эканлиги кўринади.

4-боб. Ҳисоботлар тузишда сўровлардан фойдаланиш


Сўровлар **Групповой операции, Параметрический** ва **Перекрестный** бўлади.

1-§. Сўровни Групповой операции (гурухлаш) ёрдамида чиқариш


Агар ҳар бир кўча бўйича уйларнинг сони ёки ҳар бир уй бўйича хоналарнинг сони нечталигини аниқлаш масаласи қўйиладиган бўлса, **гурухлаш** усулидан фойдаланилади. Бу масалани ечиш учун **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалидан фойдаланамиз. Бунинг учун **ПИ** дан **Создание** буйруғидан **Конструктор запросов** (сўров лойиҳасини тузиш) тугмасининг устига сичқончани қўйиб босилса, бирорта ном билан бўш экран, **Тўлдириш шакли** ва **Добавление таблицы** (жадваллар қўшиш) менюси чиқади:



Бўш экраннинг номи **Запрос2** бўлиб чиқди. **Добавление таблицы** менюсида жадваллар рўйхати жойлашган. Рўйхатдан **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини танлаб, кейин **Добавить** тугмаси босилганда, танланган жадвал бўш экранга ўтади. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади:



Добавление таблицы менюсидаги **Закреть** тугмаси босилганда, шу меню экрандан ўчади.



ПИ даги **Конструктор** буйруғидан белгили тугма босилса, Тўлдириш шаклининг кўриниши куйидагича бўлади:

Поле:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Имя таблицы:		
Групповая операция:		
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		

Олдинги **Тўлдириш шакли** га **Групповая операция** кўрсаткичи кўшилди. Ҳар бир кўчада нечта уй борлигини билиш учун **Тўлдириш шакли** даги **Поле:** кўрсаткичи қаторининг биринчи устинига **Кўчанинг номи**, иккинчи устинига **Уйнинг рақами** туширилади. Бунинг учун **Запрос2** номли экранда жойлашган жадвалдан **Кўчанинг номи** ва **Уйнинг рақами** майдонига сичқончани кўйиб тугма бирма бир икки марта босилганда **Тўлдириш шакли** куйидаги кўринишда бўлади:

Поле:	Кўчанинг номи	Уйнинг рақами
Имя таблицы:	Уй ва кўча бошлиғи	Уй ва кўча бошлиғи
Групповая операция:	Группировка	Группировка
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		

Имя таблицы: қаторига иккала майдон бир хил жадвалдан туширилганлиги учун тизимнинг ўзи уларнинг тагига **Уй ва кўча бошлиғи** жадвал номини ва **Групповая операция:** қаторидаги иккала устунга **Группировка** кўрсаткичини жойлаштиради. Шаклдаги иккинчи устундаги **Группировка** кўрсаткичини **COUNT**–статистик функция кўрсаткичига алмаштириш талаб қилинади. Бунинг учун иккинчи устундаги **Группировка** кўрсаткичининг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилса,  белгили тугма чиқади. Тугманинг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **COUNT** банди танланади. Шунда **Тўлдириш шакли** куйидаги кўринишда бўлади:

Поле:	Кўчанинг номи	Уйнинг рақами
Имя таблицы:	Уй ва кўча бошлиғи	Уй ва кўча бошлиғи
Групповая операция:	Группировка	Count
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		

Шаклдаги **Вывод на экран** (экранга чиқариш:) кўрсаткичи қаторидаги тугмачаларни ёқиб қўйилади. Натижани олиш учун **ПИ** даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** (бажариш) тугмаси босилса, ҳисоботнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Кўчанинг номи	Count-Уйни
Кумиш	1
Пулат	0
Темир	0
Тилла	2

Чикқан ҳисоботдан хулоса шуки, кўчаларни гуруҳга бўлмоқда ва унга тегишли уйлар сонини ҳисобламоқда. Агар **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалига эътибор берадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам уйларнинг сони **Тилла** да иккита, **Кумиш** да битта, **Пулат** ва **Темир** да уйлар йўқ. Демак, натижа тўғри чикқан экан. Натижани хотирага ёзиб қўямиз. Бунинг учун натижанинг сарловҳаси **Запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, **Сохранение** менюси номини ўзгартиш таклифи билан экранга чиқади:

Сохранение

Имя запроса:

Запрос2

OK Отмена

Сўров **Запрос2** номини **Кўчани-гуруҳлаш** номи билан

Сохранение

Имя запроса:

Кўчани-гуруҳлаш

OK Отмена

ўзгартириб

OK тугмаси босилса, натижанинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Кўчанинг номи	Count-Уйни
Кумиш	1
Пулат	0
Темир	0
Тилла	2

Экранни бўш ҳолга ўтказамиз. Бунинг учун натижанинг номи **Кўчани-гурухлаш** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Заккрыть** банди босилганда экран бўшайди ва натижа **Все объекты Access** бўлимидан жой эгаллайди.

Эслатма. Юқоридаги масалани ечишда компьютер **Запрос1** банд бўлганлиги учун **Запрос2** дан фойдаланди, лекин биз унга маълумот ёзиб хотирага сақламадик. Шу сабабли компьютер уни яна экранга чиқариши мумкин.


2-§. Параметрический (Сўровни кўрсатилган қиймат буйича ташкил қилиш).

Сўровни ташкил қилиш учун **Аҳоли** номли жадвалдан фойдаланамиз. Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор Запросов** тугмасининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, бирорта ном билан бўш экран, **Тўлдириш шакли** ва **Добавление таблицы** менюси чиқади:




Тўлдириш шакли:

Поле:		
Имя таблицы:		
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		




Добавление таблицы менюсидаги рўйхатдан **Аҳоли** номли жадвалнинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилса, жадвал бўш экранга ўтади.




Закреть тугмаси босилганда меню экрандан ўчади. **Аҳоли** жадвалидаги **Фамилия, Исми** ва **Туғ-йили** майдонларининг устига сичқончани қўйиб, тугмасини бирин кетин икки марта босилса, улар **Тўлдириш шакли** га тушади:

Тўлдириш шакли:



Имя таблицы: кўрсаткичининг қаторида, **Поле:** кўрсаткичининг майдонлари қайси жадвалдан туширилганлигини кўрсатади. **Вывод на экран:** кўрсаткичининг қаторидаги тугмалар ёқиб қўйилади.

Тўлдириш шакли даги **Туғ-йили** майдони танланади ва **Условия отбора** га сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Параметры...** банди танланса, **Параметры запроса** (сўров кўрсаткичи) менюси чиқади:



Ундаги **Параметр** кўрсаткичининг тагига жадвалдаги бирорта одамнинг туғилган йили киритилади. Масалан, 21.04.1999 ёки исм ёки фамилияни киритиш мумкин. Санани киритишдан мақсад фақат жадвал майдонидаги туғилган кунининг санаси маълум, фамилия ёки исми номаълум. Мақсадимиз аслида туғилган йили санаси орқали фамилияси ва исмини аниқлаш эди. Ёзилган туғилган йили санаси

Ctrl+C тугмалари ёрдамида сақланади ва **OK** тугмачаси босилади. **Параметры запросы** менюси ўчади. Сақлаган санани **Тўлдириш шакли** даги **Туғилган йили** майдонининг тагидаги, яъни **Условие отбора** (танлаш шарти) қаторига **Ctrl+V** тугмалари ёрдамида қўйилса шакл қуйидагича бўлади:

Поле:	Фамилия	исми	Туғ-йили
Имя таблицы:	Аҳоли	Аҳоли	Аҳоли
Сортировка:			
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:			21.04.1999
или:			

Эслатма. **Ctrl+C**, **Ctrl+V** тугмаларидан фойдаланишида ҳар иккаласида ҳам иккала тугмани баравар босиш керак бўлади. Биринчиси белгиланган объектни, яъни қорага бўялган нусхасини ўзига олади ва иккинчиси эса объектни хоҳлаган жойга нусхани қўяди.


Натижани кўрсатиш учун **ПИ** даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** тугмаси босилса, экранга **Введите значение параметра** (курсаткични қийматини киритинг) менюси чиқади:

Менюдаги туғилган йили 21.04.1999 санасини **OK** тугманинг юқорисидаги катакка ёзилади ёки нусхаси кўчириб ўтказилади. Менюдан **OK** тугмаси босилганда экранга қуйидаги натижа чиқади:

Запрос2	Фамилия	исми	Туғ-йили
	Асророва	Мафтуна	21.04.1999

Натижадан шундай хулоса чиқариш мумкин. Демак, киритган 21.04.1999 йилда туғилган одамнинг фамилияси Асророва исми эса Мафтуна экан. Натижани **Аҳоли** номли жадвалдан текшириб кўриш мумкин. Натижани сақлаш учун сичқончани **Запрос2** нинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилганда экранга рўйхат чиқади. Ундан **Сохранить** банди танланса, **Сохранение** менюси **Запрос2** ни ўзгартириш таклифи билан чиқади:

Менюдаги **Запрос2** номини **Параметрический-запрос2** номига ўзгартирамиз ва **ОК** тугмачаси босилганда, унинг номи ўзгаради:



Фамилия	Исми	Туғ-йили
Асророва	Мафтуна	21.04.1999

Ёпиш учун **Параметрический-запрос2** устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** тугмаси босилади. Натижа **Параметрический-запрос2** номи билан **Все объекты Access** бўлимидаги **Запросы** гуруҳидан жой олади. Натижани кўриш учун **Параметрический-запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса экранга чиқади.

Қуйида **Тўлдириш шакли** нинг **Условия отбора** қаторида кўрсатиладиган шартлар тўғрисида қўшимча мисоллар келтирилади.

1=мисол. Бирорта матн **10** тадан иборат бўлсин. Шунда бошланғич ҳарфи **A** бўлса, унинг ёнига **9** та сўроқ **?** белгиси қўйилса, яъни шундай **Like A?????????** ёзилса, **Aa234**прета ёки **Аваропмтит** номли матн чиқади, агар **A** ҳарфдан кейин **a234прета** ёки **варопмтит** сўзлари ёзилган бўлса. Сўроқ белгиси нечта бўлса, биринчи ҳарфдан сўнг шунча матн ёки сонлар чиқади.

2=мисол. **Like 1?????????** бўлса, у ҳолда **1тн-000555** номли матн ёки сонлар чиқади. Шу усулдан биз юқорида аҳолининг паспорт ва метеркалиларни чиқаришда фойдаланганмиз.

3=мисол. **Like “Лив??”** деб белгисак, у ҳолда жадвалдан бошланиши **Лив** сўзидан кейинги иккити белгилари матнлар чиқади. Масалан, **Ливия**, **Ливан**. Агар учта сўроқ белгисини ёзсак, яъни **Лон???** бўлса, у ҳолда натижа **Лондон** бўлиб чиқиши мумкин.

4=мисол: “**матн???? матн**” бўлса, жадвалдан иккита матннинг орасидаги **4** белгидан иборат бор матнларни танлаб чиқаради.

5=мисол: шартимиз қуйидагича **Like “*мов”** (**мов** нинг ўрнида рақам бўлиши мумкин) бўлса, у ҳолда жадвалдан матннинг охириги белгилари **мов** билан тугаган матнларни чиқаради. Масалан, **Рахимов**, **Мирзакаримов**.

6=мисол: шартимиз қуйидагича **Like “Д*”** бўлса, у ҳолда жадвал **Д** дан бошланган матнларни танлаб чиқаради. Масалан: **Даврон**, **Дониёр**.


5-боб. Арифметик ва функция амалларини бажариш

1-§. Арифметик амалларни бажариш

Мисол учун биз қуйидаги жадвалнинг майдонларидаги қийматларни бир бирига қўшиб, натижасини алоҳида майдонда кўрмоқчимиз. Бунинг учун **матем** номли жадвалдан фойдаланамиз. Жадвалнинг А, Б ва В майдонларида қийматлар кўрсатилган. Шу учала майдондаги қийматларни қўшиб, бошқа майдонга натижани чиқариш керак. **матем** номли жадвалнинг кўриниши қуйидагича:

Код	А	Б	В	Г	Д
1	10	12	18		
2	2	3	5		
3	45	15	40		
4	12	12	12		
5					
6	12	45	56		

Масала шундан иборат, яъни А, Б, В майдонидаги қийматларни Г майдонига йиғсин. Бунинг учун **ПИ** дан **Создание** буйруғидаги **Конструктор запросов** тугмаси устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, натижада бирорта ном билан бўш экран, **Добавление таблицы** менюси ва **Тўлдириш шакли** чиқади:



Тўлдириш шакли:

Поле:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Имя таблицы:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Сортировка:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Вывод на экран:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
или:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Добавление таблицы менюсида фойдаланувчи томонидан тузилган жадваллар рўйхати жойлашган. Бўш экраннинг номи **Запрос2** бўлиб чиқди. **Добавление таблицы** менюсидан **матем** жадвалини танлаб **Добавить** тугмаси босилса, **матем** жадвали **Запрос2** нинг бўш жойига ўтади. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Добавление таблицы менюсидаги **Заккрыть** тугмаси босилса, меню экрандан ўчади.

матем жадвалидаги майдонлардан математик амаллар бажариладиганини танлаб, **Тўлдириш шакли** га ўтказилади. Бунинг учун биринчи галда сичқончани **А** га қўйиб, икки марта босилади, кейин шу каби жараён **Б** ва **В** бандларида такрорланади. Натижада **Тўлдириш шакли** нинг кўриниши қуйидагича бўлади:


Поле:	Д	Б	В	
Имя таблицы:	матем	матем	матем	
Сортировка:				
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:				
или:				

Сичқончани **В** майдонининг ёнидаги майдонга, яъни тўрттинчи майдонга қўйилади. Шу майдонга натижамиз чиқиши керак. Натижани бошқа майдонга ҳам чиқариш мумкин.


Сичқончанинг тугмаси **В** майдонининг ёнидаги майдонга қўйилганда белгили тугма чиқади. Шу тугманинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, қуйидаги рўйхат чиқади: **Итоги** (йиғиндиси), **Имена таблиц** (жадвални номи), **Выразать** (бир жойдан бошқа жойга кўчириш), **Копировать** (нусха олиш), **Вставить** (олинган нусхани қўйиш), **Построитель...**, **Масштаб** (масштаб) ва **Свойство** (хусусияти). Рўйхатдан **Построитель...** банди танланганда экранга **Построитель выражений** менюси чиқади:



Менюдаги **Элементы выражений** бўлимидан **Уй ва куча1.accdb** номли файлининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилса, **Таблицы** кўрсаткичи чиқади, унинг устига ҳам сичқончани қўйиб икки марта босилса, фойдаланувчи томонидан тузилган жадваллар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **матем** ни топиб, устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, **Категории выражений** бўлимда жадвалнинг майдонлари чиқади:



Математик амалларни бажариш учун уларни А, Б, В, Г ларни **Элементы выражений** нинг юқорисидаги бўш майдонга ўтказилади. Бўш майдонда математик амаллар кўрсатилади. Бунинг учун **Категорий выражений** бўлимидаги майдонларга, яъни биринчи Г га кейин А га кейин Б га ва В га сичқончани қўйиб, тугмаси бирин кетин икки марта босилса, математик амалнинг кўриниши қуйидагича бўлади:



Экранда ҳосил бўлган математик амалнинг **Г: [А]+[В]+[В]** кўринишда ёки бу **Г: [матем]![А]+[матем]![В]+[матем]![В]** кўринишда ёзиб, **ОК** тугмаси босилса, **Тўлдириш шакли** қуйидаги кўринишда бўлади:

Поле:	А	Б	В	Г: [А]+[В]+[В]
Имя таблицы:	матем	матем	матем	
Сортировка:				
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:				
или:				

ПИ даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** белгили тугмани босилса, қуйидаги натижа чиқади:

Запрос2	А	Б	В	Г
	10	12	18	40
	2	3	5	10
	45	15	40	100
	12	12	12	36
	12	45	56	113

Натижани хотирага сақлаб қўямиз. Бунинг учун сичқончани **Запрос2** нинг устига қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланса **Сохранение** менюси чиқади:

Меню **Запрос2** нинг номини ўзгартиришни таклиф қилмоқда. Агар бошқа ном қўйиладиган бўлса, унинг номини ёзамиз. **Запрос2** номини **Матем-қўшиш** га ўзгартирилади ва **ОК** тугмаси босилса, натижа қуйидагича кўринишда чиқади:

Матем-қўшиш	А	Б	В	Г
	10	12	18	40
	2	3	5	10
	45	15	40	100
	12	12	12	36
	12	45	56	113

Натижага изоҳ берадиган бўлсак, Г майдонда А, Б ва В майдонлардаги қийматларнинг йиғиндиси чиқди. Бешинчи қаторда қийматлар йўқ эди, шу сабабли натижа чиқмади. Агар жадвалга яна қўшимча қийматларни киритадиган бўлсак, у ҳолда тизим ўзи натижани ҳисоблаб чиқаришда давом этади. Шу усулда бошқа математик амалларни бажариш мумкин.

Экранни бўшатиш, яъни ҳисоботни ёпиш учун **Матем-қўшиш** сарлавҳанинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** банди босилади. Шунда ҳисоботимиз **Все объекты Access** бўлимидаги **Запросы** гуруҳидан жой эгаллайди. Экрaн эса бўш ҳолга ўтади.

2-§. Функция амалларини бажариш

Биз мисол сифатида Sin (синус) ва Cos (косинус) ни 30,60, градусларда натижаларини ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

Бунинг учун бирорта жадвалдан майдон белгилаймиз ва шу майдонга натижани чиқарамиз. Ҳисоблашдан олдин 30 ва 60 градус бурчаклар учун қийматлар жадвалини эслатиб қўяйлик. **1 жадвал.**


Градус	Синус	Косинус
30	0,5	0,866
60	0,8658	0,5005

1 жадвал даги маълумотлар (M.Usmanov FIZIKA QO`LLANMA, "NAVRO`Z" Toshkent 2016) нинг 256–257 бетидан олинган. Компьютер ҳисоблаган натижаларнинг қанчалик тўғри эканлигини кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади. Олдимизга қўйилган масалани ечиш учун жадвал тузилди. Жадвалнинг номини **Функция1** деб белгиласак, унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

функция1					
А	Б	В	Г	Д	Е
*					

Натижалар А, Б, В, Г майдонларга жойлаштирилади.

Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор запросов** тугмасининг устига сичқончани қўйиб тугмасы босилса, бирорта ном билан бўш экран, **Добавление таблицы** менюси ва **Тўлдириш шакли** чиқади:



Тўлдириш шакли:


Поле:		
Имя таблицы:		▼
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		

Добавление таблицы менюсида фойдаланувчи томонидан тузилган жадваллар рўйхати кўрсатилган. Рўйхатдан **Функция1** ни танлаб, **Добавить** тугмасы босилса, **Функция1** номли жадвал


Запрос2 даги бўш майдонга ўтади. Менюни **Закрывать** тугмаси ёрдамида ёпамиз. **Запрос2** бўш майдоннинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Функция1 жадвалидаги **А** майдонни **Тўлдириш шакли** га туширилади. Бунинг учун **А** майдонга сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, **Тўлдириш шакли** га тушади. **Тўлдириш шакли** қуйидаги кўринишга эга бўлади:




Сичқончани **Тўлдириш шакли** даги **Поле:** қаторидаги **А** майдон номининг ёнидаги **Поле:** тугмани устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, қуйидаги рўйхат чиқади: **Итоги, Имена таблиц, Выразать, Копировать, Вставить, Построитель выражений, Масштаб ва Свойство.** Рўйхатдан **Построитель выражений** банди танланганда шу ном билан меню чиқади:




Менюнинг бўш майдонидаги кўриниб турган **А Функция1** жадвалидаги майдоннинг номи. **Элементы выражений** бўлимидан **Функции** кўрсаткичини танлаб сичқончанинг тугмаси икки марта босилса, унинг тагида **Встроенные функции** чиқади:



Встроенные функции (ўрнатилган функция) сини танлаб, унинг устига сичқончани кўйиб тугмаси бир марта босилганда **Категорий выражений** бўлимида **Математические** (математик–математик функциялар) кўрсаткичи чиқади. Унинг устига сичқончани кўйиб, тугмаси босилса, **Значения выражений** бўлимида функциялар рўйхати чиқади. Рўйхатдан биринчи галда **Sin** функцияни топиб, белгилаб унинг устига сичқончани кўйиб тугмаси икки марта босилса, **Построитель выражений** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:




Построитель выражений менюсидаги формулани ўзгартирамиз, яъни ундаги <<**Выражение**>> сўзини олиб ташлаймиз, чунки у ортиқча. Унинг ўрнини босувчи **A** бор. **number** нинг ўрнига градус сонини ёзамиз. Формула қуйидаги кўринишда **A: Sin(30)** бўлади:



Компьютердаги функциялар Америка стандарти, яъни **Радиян** жадвали бўйича ҳисоблар экан. Шунинг учун формулани градусдан **Радиян** га ўтказиш керак бўлади:

$\text{Sin}(30) = \text{Sin}((\pi/180) * 30)$ $\pi = 3,14159$. Шунда формуланинг кўриниши қуйидагича

A: Sin((3,14159/180)*30) бўлади. Уни шу **A : Sin(30)** формуланинг ўрнига ёзамиз. Натижада **Построитель выражений** менюнинг кўриниши қуйидагича бўлади:



Менюдаги **ОК** тугмаси босилганда формула **Тўлдириш шакли** га ўтади:

Поле:	A : Sin(3,141599/180)*30
Имя таблицы:	
Сортировка:	
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:	
или:	

Тўлдириш шаклидаги $A: \sin((3,14159/180)*30)$ ёнидаги устунга $B: \sin((3,14159/180)*60)$ формула ёзилади. Тўлдириш шакли қуйидаги кўринишда бўлади:

Поле:	A: $\sin((3,141599/180)*$	B: $\sin((3,141599/180)*60)$
Имя таблицы:		
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		

Эслатма. $B: \sin((3,14159/180)*60)$ формула олдингисига ўхшаш бўлганлиги учун ўзимиз ёзиб қўя қолдик. Лекин мураккаб формулаларни ёзиш учун **Построитель выражений** менюсидан фойдаланган маъқул, чунки унда, формулада иштирок этадиган кўрсаткичлар аниқ кўрсатилган бўлади.

ПИ даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** белгили тугмани босилса, экранга қуйидаги натижа **Запрос2** да чиқади:

Запрос2	
A	B
0,50000091	0,866026461517535

Агар **Запрос2** даги **A** майдондаги чиққан натижани **Жадвал1.** даги синус 30 градусдаги сон билан солиштирадиган бўлсак, иккаласи бир хил, яъни 0,5 га тенг. **B** майдонидаги натижани **Жадвал1.**даги **0,8658** билан таққослайдиган бўлсак, яъни вергулдан кейин икки хона аниқликда олинса, фарқи умуман йўқ. Демак, компьютернинг ҳисоблаш усули тўғри экан.

Натижага **Функ-синус30ва60град** ном бериб хотирага сақлаб қўямиз. Бунинг учун **Запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланганда экранга **Сохранение** менюси чиқади:

Сохранение

Имя запроса:

Запрос2

OK Отмена

Менюдаги **Запрос2** номини **Функ-синус30ва60град** га ўзгартирилса, натижа қуйидаги кўринишда бўлади:

Функ-синус30ва60град	
A	B
0,500000916025131	0,866026461517535

Экранни бўшатиш, яъни ҳисоботни ёпиш учун натижанинг номи **Функ-синус30ва60град** сарлавҳанинг устига сичқончани қўйиб ўнг

тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** банди танланганда, ҳисоботимиз **Все объекты Access** бўлимидаги **Запросы** гуруҳидан жой эгаллайди. Экран эса бўш ҳолатга ўтади.

Бошқа функцияларни ҳам юқоридаги усул билан ҳисоблаш мумкин.

Формуладаги **Б** нинг ўрнига бошқа **В** ёки **Г** майдонларини ҳам олиш мумкин. Фақат **Функция1** жадвалидаги майдонларидан бўлиши шарт. Яна бошқа варианты **А** ёки **Б** нинг ўрнига **выражение:** ни ёзиш мумкин. Натижа чиққандан сўнг **выражение:** номининг ўрнига исталган ном бериб ўзгартириш мумкин.

Эслатма. Построитель выражений менюсидаги формулаларни қўлда ёзиш ҳам мумкин. Лекин функцияларнинг номи тўғри ёзилиши шарт. Ҳарфларни ёзишга ҳам аҳамият бериш керак. Лотин ҳарфларини ўзбек кириллицадаги ҳарфлар билан аралаштириб бўлмайди.

$\text{Cos}(30)$ ва $\text{Cos}(60)$ ларни ҳисоблаш усули **Тўлдириш шаклида** кўрсатилгандай бажарилади. Уни ҳисоблаш ўқувчига ҳавола қилинади.


3-§. Жадвалдаги маълумотлардан диаграмма тузиш

Диаграмма нима учун керак? Маълумотлар кўп бўлиб, ундан ҳисобот тузишда, яъни изоҳ беришда сўзлардан фойдаланиш мумкин. Лекин ҳар доим сўз билан ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлмайди, ани шунда тушунарли ва аниқ изоҳ беришда диаграмма қўл келиши мумкин. Диаграмма маълумотларни ўзгариш қонуниятларини чиройли, содда шаклда ифода қила олади. Бунинг учун **Все объекты Access** даги **Таблицы** гуруҳидан **Диаграмма1** номли жадвалнинг устига сичқончани қўйиб, тугмасини икки марта босиб экранга ўтказилади:

Хом ашё	фирма1	Фирма2
Темир	8	10
Кўмир	60	75
Нефть	30	32
Олтин	2	3
Газ	10	17
*	0	0


Бунинг ичида диаграмма тузиш учун майдонлар мавжуд. Улардан фойдаланиб қанақа диаграмма яшаш мумкин, шунни кўриб чиқамиз. Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор форм** тугмасининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда,

бирорта рақамли бўш **Form3** ва **Список полей** (майдон рўйхати) менюси чиқади:



Список полей ×

Нет полей, доступных для добавления в текущее представление.

 Показать все таблицы


Конструктор буйруғидан




белгили тугманинг устида




сичқонча тугмаси босилиб, бўш майдонга ўтказилганда белгининг устида “+” белги ҳосил бўлади, ана шунда сичқонча тугмаси босилса, қуйида **Создание диаграмм** (диаграмма тузиш) менюси экранда ҳосил бўлади:




Создание диаграмм менюсидаги **Таблицы** тугмани ёқиб кўямиз. Натижада жадваллар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Диаграмма1** номли жадвални топиб, устига сичқонча кўйиб **Далее>>** тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси экранга бошқа кўринишда чиқади:



Менюнинг **Доступные поля:** (кириш мумкин бўлган) бўлимида **Диаграмма1** номли жадвалнинг майдонлари чиқади. Улардан диаграммада иштирок этадиган майдонларни **Поля диаграммы:** (диаграмманинг майдони) бўлимига ўтказилади. Бунинг учун ">" ва ">>" белгили тугмалардан фойдаланамиз. Майдонни белгилаб ">" тугма босилса, ўша белгиланган битта майдон ўнг томонга ўтади. Майдонларни белгиламасдан ">>" белгили тугма босилса, майдонларнинг ҳаммаси ўнг томонга ўтади. Бизнинг мисолимизда, диаграммада ҳамма майдонлар иштирок этиши назарда тутилганлиги учун, уларнинг ҳаммасини ">>" белгили тугма ёрдамида бир томонга ўтказилади. Натижада менюнинг кўриниши қуйидагича бўлади:





Менюдан **Далее>>** (давом этинг) тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси бошқа кўринишда экранга чиқади:



Менюда диаграммалар мажмуаси кўрсатилган. Мажмуадан




кераклиги танланади. Биринчи галда  шу диаграммадан фойдаланамиз. Бунинг учун шу диаграмманинг устига сичқончани кўйиб, кейин **Далее>>** тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси бошқа кўринишда чиқади:




Меню майдон тугмасини **Образец** (намуна) бўлимига ўтказишни таклиф қилмоқда. Биринчи галда **Фирма1** ни **Образец** бўлимига ўтказамиз. Бунинг учун **Фирма1** нинг устига сичқонча тугмаси босилса, тугма сичқончага илинган бўлади, ана шу ҳолатда тугмани


Образец бўлимига қўйилади. Кейин **Образец** нинг устида тугма босилса, экранга **Фирма1** нинг диаграммаси чиқади:




Клавиатурадан **prt sc sysrq** номли тугмани босилса, курсор тагида **Выберите область** ёзуви чиқади. Курсор ёрдамида менюдан диаграмманинг керакли жойини белгилаб, **Ctrl+C** тугмалар ёрдамида нусхасини олиб, кейин **Закреть** тугмаси босилганда, меню экрандан ўчади. Экранда қолган олдинги менюни ҳам ундаги **Отмена** (ман қилиш) тугмаси ёрдамида экрандан ўчирилади. Кейин нусхани **Ctrl+V** тугмалар ёрдамида **Form3** нинг **Область данных** (маълумотлар майдони)га қўйилади. Натижада **Form3** нинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Навбатда иккинчи **Фирма2** нинг диаграммасини чиқарамиз.


Бунинг учун яна **Конструктор** буйруғидан  белгили тугма босилганда, экранга **Создание диаграмм** менюси чиқади:




Менюдаги **Таблицы** тугмасини ёқиб, жадваллар рўйхатидан **Диаграмма1** ни топиб, уни белгилаб, кейин **Далее>>** тугмаси босилганда, экранга **Создание диаграмм** менюси бошқа кўринишда чиқади:




Менюдаги майдонларни ўнг томонга ">>>" белги ёрдамида ўтказиб, **Далее>>** тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси бошқа кўринишда чиқади:




Менюдан белгили диаграммани танлаб, **Далее**>> тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси куйидаги кўринишда бўлади:



Навбатда менюдан **Фирма2** тугмани **Образец** бўлимига ўтказамиз. Бунинг учун **Фирма2** нинг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилган ҳолатда ушлаб туриб уни **Образец** бўлимига олиб бориб кўйиб, тугма босилса, шу меню диаграммали кўринишда экранга чиқади:




Экрандаги диаграмма **Фирма2** га тегишли. Иккита фирмани солиштириш учун **Form3** даги **Фирма1** нинг ёнига **Фирма2** нинг нусхасини кўчирамиз. Бунинг учун клавиатурадан **prt sc sysrq** номли тугмани босилса, курсор тагида **Выберите область** ёзуви чиқади. Курсор ёрдамида менюдан диаграмманинг керакли жойини белгилаб, **Ctrl+C** тугмалар ёрдамида нусхасини олиб, кейин **Закреть** тугмаси босилганда, меню экрандан ўчади. Экранда қолган олдинги меню ҳам ундаги **Отмена** (ман қилиш) тугмаси ёрдамида экрандан ўчирилади. Кейин нусхани **Ctrl+V** тугмалар ёрдамида **Form3** нинг **Область данных** (маълумотлар майдони) га қўйилади. **Фирма2** нинг диаграммаси **Фирма1** нинг устига тушиб қоладиган бўлса, уни ўнг томонга сурилади. Суриш йўли **Образец** ёзувининг устига сичқончанинг тугмаси қўйилса “+” белгиси ҳосил бўлади, ана шу пайтда **Фирма2** ўнг томонга сурилади. Натижада **Form3** нинг кўриниши қуйидагича бўлади:



Чикқан диаграммалар **Конструктор** ҳолатида бўлади. Ундаги **Фирма1** ва **Фирма2** номларни ёзиш қуйидаги тартибда бўлади. Бунинг учун **Конструктор** буйруғидан **Аа** белгилли тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, тугма сичқончага илинган


бўлади, шу ҳолда уни **Фирма1** номли диаграмманинг тагига кўямиз. Кўйилган жойда 1 га ўхшаш белги ҳосил бўлади. Шу белгининг устига сичқончани кўйиб, **Фирма1** номи ёзилади. **Фирма2** ҳам шу усулда ёзилади. Натижада диаграммаларнинг кўриниши қуйидагича экранга чиқади:



Иккала диаграммадан хулоса чиқарадиган бўлсак, газ билан кўмир қазиб чиқариш **Фирма2** да кўпроқ эканлиги кўриниб турибди.


Диаграммаларнинг бошқа турларини кўрамиз. Бунинг учун яна

Конструктор буйруғидан  белгили тугма босилганда, **Создание диаграмм** менюси чиқади:






Менюдаги **Таблицы** тугмасини ёқиб, жадваллар рўйхатидан **Диаграмма1** ни топиб, уни белгилаб, кейин **Далее>>** тугмаси


босилганда, **Создание диаграмм** менюси экранга бошқа кўринишда чиқади:




Менюдаги майдонларни ўнг томонга ”>>>” белги ёрдамида ўтказиб, **Далее>>** тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси экранга бошқа кўринишда чиқади:




Менюдан  белгили диаграммани танлаб, **Далее>>** тугмаси босилса, **Создание диаграмм** менюси куйидаги кўринишда экранга чиқади:




Менюдаги диаграммада жадвал **Диаграмма1** нинг **Фирма1** майдони жойлаштирилган. Диаграммага ўзгартириш киритамиз. Чап томондаги **Хом ашё** майдонини ўнг томондаги **Хом ашё** нинг устига қўямиз, яъни ўзининг жойига қайтарамиз. Бунинг учун чап томондаги **Хом ашё** майдонининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, шу майдон сичқончага илинган ҳолатда ўнг томондаги **Хом ашё** нинг устига қўйилади. Чап томондаги **Хом ашё** нинг ўрнида **Оси** кўрсаткичи чиқади. Унинг ўрнига **Фирма1** номли майдонни олиб келиб қўямиз. Бунинг учун ўнг томондаги **Фирма1** номли майдоннинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, майдон сичқончага илинган бўлади, шу ҳолатда сичқончани олиб келиб, **Оси** нинг ўрнига қўйилади. Натижада диаграмманинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Натижани кўриш учун **Образец** номли тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, экранга **Фирма1** номли майдоннинг диаграммаси чиқади:




Иккала майдонни бир бири билан солиштириш ва диаграммага иккинчи майдоннинг қийматларини жойлаштириш учун **Образец** менюсини ёпамиз. Бунинг учун сичқончани **Закреть** номли тугманинг устига қўйиб тугмаси босилса, меню олдинги ҳолатида экранга чиқади:



Диаграммага иккинчи, яъни **Фирма2** майдоннинг қийматларини жойлаштирамиз. Бунинг учун **Фирма2** майдонининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, у сичқончага илинган бўлади, шу ҳолатда олиб келиб, **Сумма-Фирма1** нинг устига қўйилади. Натижани кўриш учун **Образец** номли тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, экранга диаграмманинг кўриниши қуйидагича чиқади:



Диаграммада иккала фирманинг қийматлари жойлаштирилди. Натижадан хулоса чиқарадиган бўлсак, **Фирма2** нинг кўрсаткичи, **Фирма1** нинг кўрсаткичига нисбатан яхшироқ. Диаграмманинг бу турида олдинги доира турига нисбатан аниқроқ кўрсатар экан. Ушбу диаграммани **Ctrl+C** тугмалар ёрдамида нусхасини олиб, **Образец** менюсини ёпиб ва яна экранда қолган менюни ҳам ёпиб, **Form5** номли шаклнинг **Область данных** номли майдонида **Ctrl+V** тугмалар ёрдамида нусхаси қўйилади. Қўйилган нусха **Конструктор** ҳолатида. **Form5** нинг устига сичқочани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим формы (шакл холати)** банди танланса, диаграмма чиройли кўринишда чиқади:



Диаграмманинг бошқа турларидан фойдаланиш учун алоҳида жадвал тайёрлаш керак бўлади. Жадвалдаги маълумотлар вақт бўйича ўзгаришини ифода қилиши керак. Бу мисол ўқувчига ҳавола қилинади. **Form5** номли шакл ёпиб қўйилади.

6-боб. Майдонни калитли белгилаш ва боғлаш

1-§. Майдонни калитли белгилаш

Калит ўзи нима? Калит ёрдамида жадвалларни ўзаро боғлаш мумкин. Калитли майдон “уникальный–ягона” дейилади, яъни ўхшаши йўқ ва жадвалларни бир бирига боғлашда ишлатилади. Масалан, машиналар номери, паспорт номери, телефон рақами. Жадвалда иккита жойда бир хил ном билан машина номери ёки телефон рақамини киритиш мумкин эмас. Жадваллар бир нечта бўлса ҳам улардаги кўрсаткичлар бир бири билан боғланганда керакли қийматларни танлаб олиб, ҳисобот тузиш мумкин.


Мисол учун **Уй ва кўча** жадвалида кўрамиз. Жадвалда **Код** майдонига калитли белги қўйилади. Жадвал қуйидаги кўринишда бўлади:

Код кўча	Кўчанинг----номи	Тор кўча	Уйнинг---рақами	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй ва кўча бошлиғи	Телеф---	Моб---
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Кўмиш	2	3	4	40	Собиоров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Пулат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11
* (№)								

Жадвалнинг **Код** майдонига калитли белги қўйилади. Уни белгилаш учун **Уй ва кўча** жадвали **Конструктор** ҳолатига ўтказилади. Бунинг учун сичқончани **Уй ва кўча** жадвали устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади, ундан **Конструктор** бандини танлаймиз. Натижада **Уй ва кўча** номи билан қуйидаги шаклда маълумот экранга чиқади:

Имя поля	Тип данных
Код кўча	Счетчик
Кўчанинг----номи	Короткий текст
Тор кўча	Короткий текст
Уйнинг---рақами	Короткий текст
Йўлаклар сони	Числовой
Хоналар сони	Числовой
Уй ва кўча бошлиғи	Короткий текст
Телеф---	Короткий текст
Моб---	Короткий текст

Ключевой поле (калитли майдон) ни белгилаш учун сичқончани **Ключевой поле** ҳосил қилмоқчи бўлган, яъни **Код** номли



майдоннинг чап томонига қўямиз ва **ПИ** дан **Ключевое поле** тугмачасини босамиз. Натижада ўша белгиланган майдоннинг чап томонида, **Ключевой поле** сариқ рангда кўринади. Агар уни олиб

ташлаш учун яна бир марта **Ключевой поле** тугмачасини босамиз. Иккинчи варианты сичқончани калитли қилиб белгиламоқчи бўлган майдонга, яъни **Код** номли майдоннинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилади. Экранда қуйидаги рўйхат чиқади: **Ключевое поле, Выразать, Копировать, Вставить, Вставить строки, Удалить строки** (қаторни олиб ташлаш) ва **Свойства**. Руйхатдан **Ключевое поле** бандини танласак, **Код** майдони **Ключевое поле** бўлиб қолади. Жадвал қуйидаги кўринишда бўлади:

Имя поля		Тип данных
Код кўча		Счетчик
Кўчанинг----номи		Короткий текст
Тор кўча		Короткий текст
Уйнинг---рақами		Короткий текст
Йўлаклар сони		Числовой
Хоналар сони		Числовой
Уй ва кўча бошлиғи		Короткий текст
Телеф---		Короткий текст
Моб---		Короткий текст

Общие	Подстановка
Размер поля	Длинное целое
Новые значения	Последовательные
Формат поля	
Подпись	
Индексированное поле	Да (Совпадения не допускаются)
Смарт-теги	
Выравнивание текста	Общее

Навбатда **Аҳоли** жадвалидаги майдонни калитли қиламиз. Бунинг учун **Все объекты Access** бўлимидаги **Таблица** гуруҳидан **Аҳоли** номли жадвални топиб, сичқончани унинг устига қўйиб тугмаси икки марта босилса, у бўш экранга чиқади. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Код кўча	Кўчанинг-номи	Тор кўча	Уйнинг-рақами	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
1	Тилла	1	1	1	Арипов	Дониер	Зокир
2	Тилла	1	1	1	Зилева	Махмуда	Шомансүровна
3	Кўмиш		1		Азизов	Рўстамжон	Махкам
4	Кўмиш		1		Азизова	Ферўза	Зўхуровна
5	Пулат		2		Асроров	Даврон	Карим
6	Пулат		2		Асророва	Мафтўна	Мансүровна
7	Пулат		2		Асроров	Достонбек	Карим
8	Чўян	2	3	3	Асомов	Абдумавлон	Тоҳир
9	Чўян	2	3	3	Асомова	Саодат	Закировна
10	Чўян	2	3	3	Асомова	Машқура	Тоҳировна

Аҳоли					
Оилада-ким	Рўйх-Яши	Туғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл
Эр	я	27.01.1964	AA-0000001	Магазин	сотувчи
ка	я	18.11.1969	AA-0000002	001-боғчада	тарбиячи
эр	я	10.09.1972	AA-0000011	Ви	
ка	ря	13.11.1976	AA-0000222	Хусусий клиника	дефектолог
эр	ря	26.08.1996	AA-0003333	ТОШ.молия инс	студ1 боск
ка	ря	21.04.1999	AA-0000444	Ви	
уг	я	09.10.2016	1тн-000555	Сергелида300-мак	укувчи
эр	ря	20.09.1973	AA-0009999	таш.вилоят.депут	Тадбиркор
ка	ря	20.09.1978	AA-0101020	Уй бекаси	
кз	ря	29.09.1997	AA-5555555	Лицейда	Укувчи

Аҳоли					
Рўй=Яший	Туман	Кўча	Уйнинг--рақами	Тел	Мобил
р	Шайхонтохур	Заргар	52А	222-57-22	+99890-111-22-33
р	Шайхонтохур	Уткир тор	12/2	222-57-22	+99890-111-22
р	Чиланзор		4/77	255-92-44	+99890-126-08-01
				255-92-44	+99890-126-08-01
				355-92-52	+99894-222-33-44
				355-92-52	+99894-222-33-44
р	Чиланзор	А5	2	355-92-52	+99894-222-33-44
				241-21-11	+99880-155-00-00
ря				110-01-01	+99880-155-00-00
ря				111-11-11	+99880-155-00-00

Ключевой поле ни белгилаш учун **Аҳоли** жадвалидан **режим-Конструктор** ҳолатига ўтилади. Бунинг учун сичқончани **Аҳоли** жадвали устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади, рўйхатдан **Конструктор** бандини танлаймиз. Натижада **Аҳоли** номи билан қуйидаги шаклда маълумот чиқади:

Код кўча	Счетчик
Кўчанинг-номи	Короткий текст
Тор кўча	Короткий текст
Уйнинг-рақами	Короткий текст
Хонанинг рақами	Короткий текст
Фамилия	Короткий текст
исми	Короткий текст
Отас-исми	Короткий текст
Оилада-ким	Короткий текст
Рўйх-Яши	Короткий текст
Туғ-йили	Дата и время

<input type="checkbox"/>	Пасп-ёки Мет	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Иш-жойи	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Ким-бўл	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Рўй=Яший	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Тўман	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Кўча	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Уйнинг--рақами	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Тел	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Мобил	Короткий текст

Экранда бир устун кўринишда жадвалдаги майдонларнинг рўйхати чиқади. **Ключевой поле** ни белгилаш учун сичқончани **Ключевой поле** ҳосил қилмоқчи бўлган майдонни, яъни **Код кўча**



майдонининг устига кўямиз ва **ПИ** дан **Ключевое поле** тугмачаси босилади. Натижада ўша белгиланган майдоннинг чап томонида **Ключевой поле** сариқ рангда кўринади:

Аҳоли		
Имя поля	Тип данных	
Код кўча	Счетчик	
<input type="checkbox"/>	Кўчанинг-номи	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Тор кўча	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Уйнинг-рақами	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Хонанинг рақами	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Фамилия	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	исми	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Отас-исми	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Оилада-ким	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Рўйх-Яши	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Тўғ-йили	Дата и время
<input type="checkbox"/>	Пасп-ёки Мет	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Иш-жойи	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Ким-бўл	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Рўй=Яший	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Тўман	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Кўча	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Уйнинг--рақами	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Тел	Короткий текст
<input type="checkbox"/>	Мобил	Короткий текст

2-§. Иккита жадвални бир бири билан боғлаш

Боғликлик тўғрисида. Одам кун давомида ишхонада касбдошлари, уйда болалари ва оила аъзолари билан доимо мулоқатда бўлади. Албатта салом берасиз ва саломга алик оласиз. Шунга ўхшаш воқеалар ҳар куни содир бўлиб туради. Натижада қандайдир доимий боғликлик муносабати келиб чиқади. Шўнга

ўхшаш боғлиқлик иккита жадвалдаги майдоннинг қийматлари ўртасида ҳам содир бўлиши мумкин. Жадвалларда бир бирига тегишли боғлиқлик муносабати бўлса, уларни боғлаш мақсадга мувофиқ бўлади. **MS Access** да боғлаш натижасида иккита ёки бир нечта жадвалдан маълумотлар олиб ҳисобот тузиш мумкин. Боғлашдан мақсад бир хил маълумотни бир неча бор ёзишдан, маълумотнинг яхлитлигини таъминлашда, шакллар, сўровлар ва ҳисоботларни соддалаштиради.

Иккита ёки бир нечта жадвалларни боғлаш учун уларнинг ичидаги бирорта майдонни калитли қилиш керак бўлади. Калитли майдон орқали жадвалларни ўзаро боғлаш мумкин.

Иккита жадвални бир бири билан боғлашда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб қилинади:

- иккала жадвалдаги майдоннинг қийматлари бир бирига мос келиши керак;
- жадваллардаги майдонларнинг номлари бир хил бўлиши шарт эмас;
- қийматнинг тури бир хил бўлиши шарт;
- қийматнинг формати бир хил бўлиши шарт;
- калитли майдон қийматининг тури **счётчик** ёки **рақамли** бўлиши мумкин;
- калитли майдон қийматининг тури **счётчик** бўлганда, унга ажратиладиган хотирани тизим ўзи белгилайди;
- калитли майдон қийматининг тури **рақамли** бўлганда унга ажратиладиган хотиранинг тури “**Длинное целое (узун бутун)**” бўлиши керак.

Боғланиш икки хил бўлади:

1. Майдоннинг битта қиймати иккинчи майдоннинг битта қиймати билан боғланади;
2. Майдоннинг битта қиймати иккинчи майдоннинг бир нечта қиймати билан боғланади.

Биринчи вариантыни кўриб чақамиз

Биринчи жадвалдаги майдоннинг қиймат рақами 1 бўлса, иккинчи жадвалдаги майдоннинг қиймат рақами ҳам 1 бўлади ва майдоннинг биттаси калитли бўлади.

Жадвал тузилганда биринчи навбатда тизимнинг ўзи счётчик турига эга бўлган майдонни ҳосил қилади. Имконият борича ундан фойдаланган маъқул. Чунки счётчик ҳар бир жадвалда 1 дан бошлаб рақамни давом эттиради ва ҳеч қачон хато қилмайди. Агар иккинчи

жадвалда бирор сабаб билан биринчи жадвалдагига ўхшаш майдон бўлмаса, у ҳолда қўшимча майдон қўшиш керак бўлади.

Энди боғлаш йўлини кўриб чиқамиз: Бизнинг мисолимизда **Аҳоли** ҳамда **Уй ва кўча** жадвалини бир бири билан боғлашни кўриб чиқадиган бўлсак, иккала жадвалда ҳам бир хил майдон мавжуд ва бундан ташқари, **Уй ва кўча** жадвалида қўшимча майдонлар **Кўча бошлиғи**, **унинг телефони**, **мобил телефони** ҳам бор. Бу каби майдонларни киритишдан мақсад улардан кўпроқ фойдаланиб туришдир. Майдонларни **Аҳоли** жадвалига қўшиб қўйилса ҳам бўларди, лекин унда ортиқча ёзувлар ҳосил бўлади.


Шунга ўхшаш яна битта мисол келтирамиз. Ишловчилар билан уни оладиган маоши туғрисида, яъни айрим маълумотлар махфий бўлганда. Бу вариантда жадваллар шундай бўлиши мумкин. Ходимнинг фамилияси, исми, эгаллаб турган лавозими бир жадвалга жойлаштирилса, маош миқдори, телефони рақами ва яшаш манзили иккинчи жадвалга жойлаштирилиши мумкин. Ҳаётда бу каби мисоллар жуда кўп.

Энди **Аҳоли**, **Уй ва кўча** жадвалини боғлашни кўриб чиқамиз. Бунинг учун **ПИ** дан **Работа с базами данных** (МО билан ишлаш) буйруғининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда **Схема**




Схема :
данных

данных (маълумотлар схемаси) тугмаси ҳосил бўлади. Шу тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилади. Натижада экранда **Схема данных** номли бўш майдон ва **Добавление таблицы** менюси чиқади:




Менюдаги **Таблицы** кўрсаткичининг тагида биз тузган жадвалларнинг рўйхати чиқади. Рўйхатдаги **Аҳоли**, **Уй ва кўча**


жадвалларининг устига бирма бир сичқончани қўйиб, **Добавить** тугмаси босилганда, уларнинг экрандаги сарлавҳаси **Схема данных** сарлавҳаси ни очик майдонига ўтади.



Кейин **Закреть** тугмачаси босилса экрандан **Добавление таблицы** менюси ўчади. Навбатдаги ишмиз иккита жадвалдаги **ключевое поле** ни боғлашдан иборат. Бунинг учун **Аҳоли** жадвалидаги калит белгили **Код қўча** майдоннинг устига сичқончани қўйиб, **Уй ва қўча** жадвалининг калит белгили **Код қўча** майдонига боғлаймиз. Натижада қуйидаги **Изменение связей** – (схемани ўзгартириш) менюси ҳосил бўлади:



Менюда бир бири билан боғламоқчи бўлган майдонларнинг номи ва у қайси жадвалга тегишли бўлганлигини кўрсатади. **Обеспечение целостности данных** (маълумотларнинг бутунлигини таъминлаш) нинг олдидаги тўғри тўрт бурчакли тугмани ёқиб қўямиз, яъни сичқонча бир марта босилади ва кейин **Создать** тугмаси босилади. **Схема данных** менюси қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Шундай қилиб, **Аҳоли** ҳамда **Уй ва кўча** жадвали бир бири билан боғланди. Бизда иккала жадвалдан маълумотларни йиғиб ҳисобот тузиш имконияти бор. Жадвалдаги майдонлар бир бири билан боғлангандан сўнг, жадвалга қўшимча майдон киритиш ва олиб ташлаш мумкин эмас. Ўзгартириш зарур бўлса, у ҳолда боғланишни вақтинчалик узиб қўйиш мумкин. Керакли ўзгартиришлардан сўнг яна жадвалларни бир бири билан боғлаб қўйиш талаб қилинади.

3-§. Бир неча жадвални бир бири билан боғлаш

Боғланишнинг иккинчи варианты (Майдоннинг битта қийматини иккинчи майдоннинг бир нечта қиймати билан боғланиши) ни кўриб чиқамиз.

Дорихона фирмадан дорини қанчага сотиб олади ва қанчадан сотиши тўғрисидаги масала берилган бўлсин.

Ишлаб чиқарувчи жадвали билан олувчи, яъни **дорихона** жадвали ўртасидаги боғланишни кўриб чиқамиз. **Ишлаб чиқарувчи** бир неча хил дори ишлаб чиқаради. **Дорихона** ҳам улардан бир неча хил дори сотиб олиши мумкин. **MS Access** тизими жадвалларни бу каби боғланиш схемасида ишлай олмайди. Бундай шароитда **Ишлаб чиқарувчи** жадвали билан **Дорихона** жадвали ўртасида яна битта қўшимча жадвал бўлиши керак. Шу сабабли **Сотилди** жадвали қўшилди. **Сотилди** жадвалининг тузиш қоидаси қуйидагича бўлади. Ундаги майдонлар бошқа жадваллардан олинган бўлиши мумкин эмас. Лекин олинганда ҳам улар қалитли майдондан бўлиши мумкин.

Юқоридаги шартларни ҳисобга олиб қуйидаги учта жадвал тузилди: **Ишлаб чиқарувчи**, **Сотилди** ва **Дорихона** дир. Улар қуйидагича:

Ишлаб чиқарувчи							
	Фирма	Дорининг-номи	Дорининг-коди	Дорининг нархи	Туман	Куча	Тел
1	Фирма1	А	1	10000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
2	Фирма1	Б	2	5000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
3	Фирма1	В	3	2000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
4	Фирма2	А	1	3000	Уч тепа	6666	555-55-55
5	Фирма2	Б	2	1000	Уч тепа	6666	555-55-55
6	Фирма2	В	3	4000	Уч тепа	6666	555-55-55
7	Фирма2	Г	4	6000	Уч тепа	6666	555-55-55
8	Фирма1	В	3	1000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
9	Фирма1	Г	4	2000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
10	Фирма3	Б	2	4000	Олмазор	аааааа	666-66-66
11	Фирма3	Г	4	10000	Олмазор	аааааа	666-66-66

Сотилди					
Код	Сотилган-күни	Дорининг-коди	Дорининг сони	Поле4	Поле5
	20.12.2017	1	5		
2	20.12.2017	2	2		
3	20.12.2017	3	10		
4	22.12.2017	1	5		
5	22.12.2017	2	2		
6	22.12.2017	3	4		
7	22.12.2017	4	2		
8	23.12.2017	3	5		
9	23.12.2017	4	10		
10	20.12.2017	2	1		
11	20.12.2017	4	2		

Дорихона						
Код-дорихона	Дорихонанинг номи	Дорига сарф қилинган маблаг	Даромад фоизи	Сотилиш нархи	поле6	поле7
1	АСМ		120%			
2	АСМ		120%			
3	АСМ		120%			
4	АСМ		120%			
5	АСМ		120%			
6	АСМ		120%			
7	АСМ		120%			
8	АДД		120%			
9	АДД		120%			
10	ААА		120%			
11	ААА		120%			

Бу каби жадваллар дорихоналарни бошқаришда, яъни улар тўғрисида ҳисоботлар тузишда керак бўлади. Ҳисобот тузишда учала жадвалдан фойдаланилади. Бунинг учун уларни бир бири билан боғлаш керак. Жадвалларни боғлаш учун жадвалдаги майдонлардан бирига **Ключевое поле** белгини қўйиш зарур, чунки шу **Ключевое поле** орқали бошқа жадвалга уланиш мумкин.

Ишлаб чиқарувчи жадвалига **Код-ишлаб чиқарувчи**, **Сотилди** жадвалига **Код**, **Дорихона** жадвалига **Код-дорихона** майдонларини қўйиш орқали жадваллар бир бири билан боғланади. Боғлашдан

аввал жадвал майдонини калитли қилишни кўрамиз. Бунинг учун тузган жадвалимизни **Все объекты Access** даги **Таблицы** гуруҳидан топиб, унинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, у бўш экранга ўтади. Дастлаб **Ишлаб чиқарувчи** жадвалини экранга чиқарамиз.

Код-ишлаб	Фирма	Дорининг-номи	Дорининг-коди	Дорининг нархи	Туман	Кўча	Тел
1	Фирма1	А	1	10000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
2	Фирма1	Б	2	5000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
3	Фирма1	В	3	2000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
4	Фирма2	А	1	3000	Уч тепа	6666	555-55-55
5	Фирма2	Б	2	1000	Уч тепа	6666	555-55-55
6	Фирма2	В	3	4000	Уч тепа	6666	555-55-55
7	Фирма2	Г	4	6000	Уч тепа	6666	555-55-55
8	Фирма1	В	3	1000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
9	Фирма1	Г	4	2000	Шайхонтохур	Ойбек	444-44-44
10	Фирма3	Б	2	4000	Олмазор	аааааа	666-66-66
11	Фирма3	Г	4	10000	Олмазор	аааааа	666-66-66

Жадвалнинг номи **Ишлаб чиқарувчи** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди босилса, жадвалда қуйидаги маълумотлар ҳосил бўлади:

Имя поля	Тип данных
Код-ишлаб-чиқарувчи	Числовой
Фирма	Короткий текст
Дорининг-номи	Короткий текст
Дорининг-коди	Числовой
Дорининг нархи	Числовой
Туман	Короткий текст
Кўча	Короткий текст
Тел	Короткий текст
поле1	Короткий текст
поле2	Короткий текст

Общие	Подстановка
Размер поля	Длинное целое
Формат поля	
Число десятичных знаков	Авто
Маска ввода	
Подпись	
Значение по умолчанию	
Правило проверки	
Сообщение об ошибке	
Обязательное поле	Нет
Индексированное поле	Нет
Выравнивание текста	По центру

Жадвалдан **Ключевое поле** ни белгилаймиз. Бунинг учун **Код-ишлаб чиқарувчи** майдонининг чап томонига сичқончани қўйиб,

ШИ даги **Конструктор буйруғидан Ключевое поле** тугмаси босилса, калитли белги **Код-ишлаб чиқарувчи** майдонининг олдига тушади.

Ишлаб чиқарувчи	
Имя поля	Тип данных
Код-ишлаб-чиқарувчи	Числовой
Фирма	Короткий текст
Дорининг-номи	Короткий текст
Дорининг-коди	Числовой
Дорининг нархи	Числовой
Туман	Короткий текст
Куча	Короткий текст
Тел	Короткий текст
поле1	Короткий текст
поле2	Короткий текст

Бошқа жадвалга ўтишдан аввал жадвални **Сохранить** буйруғи ёрдамида хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Ишлаб чиқарувчи** ёзувининг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди босилганда жадвал хотирага ёзилади. Яна **Ишлаб чиқарувчи** ёзувининг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмасини босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закрывать** банди босилади. Натижада жадвал ўз жойига қайтади. Экран эса бўш ҳолатга ўтади.

Навбатда **Дорихона** жадвалидаги майдонни калитли қилишни кўриб чиқамиз.

Дорихона жадвалининг кўринишлари қуйидагича:

Дорихона							
	Дорихонанинг номи	Дорига сарф қилинган маблағ	Даромад фоизи	Сотилиш нархи	поле6	поле7	поле8
1	АСМ		120%				
2	АСМ		120%				
3	АСМ		120%				
4	АСМ		120%				
5	АСМ		120%				
6	АСМ		120%				
7	АСМ		120%				
8	АДД		120%				
9	АДД		120%				
10	ААА		120%				
11	ААА		120%				

Жадвалнинг номи **Дорихона** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмасини босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди босилса, жадвалда қуйидаги маълумотлар ҳосил бўлади:

Имя поля	Тип данны:
Код-дорихона	Числовой
Дорихонанинг номи	Короткий текст
Дорига сарф қилинган маблағ	Числовой
Даромад фоизи	Числовой
Сотилиш нархи	Числовой
поле6	Числовой
поле7	Числовой
поле8	Числовой


Жадвалдан **Ключевое поле** ни белгилаймиз. Бунинг учун **Код-дорихона** майдонининг чап томонига сичқончани қўйиб, **ПИ** дан **Ключевое поле** тугмаси босилса калитли белги **Код-дорихона** майдонининг олдига тушади.

Имя поля	Тип данных	Описание
Код-дорихона	Счетчик	
Дорихонанинг номи	Текстовый	
Дорига сарф қилинган маблағ	Числовой	
Даромад фоизи	Числовой	
Сотилиш нарх	Числовой	
поле6	Числовой	
поле7	Числовой	


Бу жадвални **Сохранить** буйруғи ёрдамида хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Дорихона** ёзувининг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмасини босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди босилганда жадвал хотирага ёзилади. Яна **Дорихона** ёзувининг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмасини босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** банди танланса, жадвал ўз жойига қайтади. Экран эса бўш ҳолатига ўтади.

Сотилди жадвалининг майдони калитли қилинмайди.


Жадвалларни ўзаро бир бири билан боғлашни кўриб чиқамиз. Бунинг учун **ПИ** даги **Работа с базами** данных буйруғининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилади. Ундан сўнг **Схема данных** тугмаси босилади. Кейин **Конструктор** буйруғидан **Отобразить таблицу** (жадвални акс эттирмак) тугмаси босилади. Натижада экранга қуйидаги **Добавление таблицы** менюси чиқади.




Агар мобил телефонга **Мастер** (мастер) ёрдамида қолип кўймоқчи бўлсак, у ҳолда юқоридаги **Кириштиш** номли жадвалнинг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди босилади. Унинг кўриниши куйидагича:




Сичқончани **Мобил** майдонига кўйилади. **Свойства поля** менюдаги **Маска ввода** қаторидаги эски қолип ўчирилади ва


тўғрисидаги  белги босилса, куйидаги **Создание масок ввода** жадвални сақлаб қўйиш таклифи билан менюси чиқади:




Менюдан **Да** тугмаси босилганда, **Создание масок ввода** менюси чиқади:




Менюдан **Список** тугмаси босилса, экранга **Настройка масок ввода** менюси чиқади:




Бу менюда олдинги қолипнинг маълумотлари бўлиши мумкин. Уларни ўчириб ташлаш учун **Тугма навигация** дан фойдаланиб катаклар бўш ҳолга келтирилади:






Настройка масок ввода менюсидаги кўрсаткичлар тўлдирилади. **Описание**, **Маска ввода** ва **Заполнитель** қаторларини клавиатурадан киритамиз. **Образцы данных** кўрсаткичининг катагига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, **Заполнитель** кўрсаткичида кўрсатилган белги билан қолип экранга чиқади:




Настройка масок ввода менюсидаги **Образцы данных** кўрсаткичи катакларига киритмоқчи бўлган мобил телефон рақами кетма-кет ёзилади, масалан 222222222 ва **Закреть** тугмаси босилса, қуйидаги **Создание масок ввода** менюси ҳосил бўлади:

Эслатма. Юқоридаги меню катаклари тўлдирилиши шарт. Агар катаклар тўлдирилмаса менюдаги **Закреть** тугмаси ишламайди, яъни катаклар тўлдирилсин деган хабар чиқади.




Создание масок ввода менюсидан


Мобил **+99(822)-222-22-22** ни топиб, кейин **Далее>** тугмачаси босилса, экранга яна шу меню бошқа кўрсаткичли бўлиб чиқади:




Юқоридаги **Создание масок ввода** менюсидан **Далее>** тугмачасини босилса, экранга яна шу меню бошқа кўрсаткичли бўлиб чиқади:




Создание масок ввода менюсидан иккинчи шарт, яъни **без знаков маски, например:** кўрсаткичини ёқиб қўямиз ва **Далее>** тугмаси босилганда, шу меню байроқ белгили бўлиб чиқади:



Юқоридаги менюдан **Готово** тугмасини босилса, қолип қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Қолип ишлари **Конструктор** ҳолатида бажарилди. Натижани кўриш учун ундан **Режим таблицы** ҳолатига ўтиш керак бўлади. Бунинг учун жадвалнинг номи **Киритиш** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранда қуйидаги **Microsoft Access** сақлаб қўйиш таклифи билан меню чиқади:



Менюдан **Да** тугмаси босилганда, **Киритиш** жадвали қуйидаги кўринишда чиқади:

Телефон	Мобил
6318452	+99(899)-888-88-88
6318816	

Қолипни ҳосил қилиш учун **Мобил** майдонининг бирорта бўш қиймати ўрнига сичқончани қўйиб босилса, қолипи чиқади. Ҳосил

бўлган қолипнинг кўриниши қуйидагича, яъни у иккинчи қаторда жойлашади:

Телефон	Мобил
6318452	+99(899)-888-88-88
6318816	+99(855)-555-55-55

Мобил телефоннинг коди ва рақами кетма-кет терилса, жадвалда улар ўз жойларини эгаллайди.

9-§. Осилиб тушувчи рўйхат

Жадвалдаги айрим кўрсаткичлар қийматларини тўлдириш учун қўлда киритмасдан **Выпадающий списка** (тушувчи рўйхат) дан фойдаланиш мумкин. Бунинг афзаллигини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин. Масалан, жадвалда туман, шаҳар, республика, вилоятлар, олий таълим мутахассислиги, ўрта таълим мутахассислиги ва ҳоказоларнинг номларидан фойдаланадиган бўлсак, уларнинг давлат стандарти даражасида аниқ номлари ва кодлари мавжуд. Буларнинг рўйхати жуда катта. Жадвалларни тўлдириш учун рўйхатдан кераклигини топиб тўлдириш кўп вақтни талаб қилади. Агар **Выпадающий списка** дан фойдаланадиган бўлсак, у ҳолда вақт тежалади ва иш тезлашади.

У қандай усул билан бажарилади? Бунинг учун **Выпадающий списка** га тегишли, яъни майдони бор жадвал **Рўйхат** ни **Все объекты Access** дан икки марта уриб бўш экранга ўтказамиз.

Код кўча	Кўчанинг-номи	Тор кўча	Уйнинг-рақами	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
1	Тилла	1	1	1	Арипов	Дониер	Зокир
2	Тилла	1	1	1	Зияева	Махмұда	Шомансўровна
3	Кўмиш		1		Азизов	Рўстамжон	Махкам
4	Кўмиш		1		Азизова	Ферўза	Зўхўровна
5	Пўлат		2		Асроров	Даврон	Карим
6	Пўлат		2		Асророва	Мафтўна	Мансўровна
7	Пўлат		2		Асроров	Достонбек	Карим
8	Чўян	2	3	3	Асомов	Абдўмавлон	Тохир
9	Чўян	2	3	3	Асомова	Саодат	Закировна
10	Чўян	2	3	3	Асомова	Машкўра	Тохировна


Оилада-ким	Рўйх-Яши	Тўғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл	Рўй-Яший	Туман	Кўча
Эр	я	27.01.1964	AA-0000001	Магазин	сотувчи	р	Шайхонтохўр	Заргар
ка	я	18.11.1969	AA-0000002	001-боғчада	тарбиячи	р	Шайхонтохўр	Уткир тор
эр	я	10.09.1972	AA-0000011	Ви		р	Чиланзор	
ка	ря	13.11.1976	AA-0000222	Хўсўсий клиника	дефектолог			
эр	ря	26.08.1996	AA-0003333	ТОШ.молия инс	студ1 боск			
ка	ря	21.04.1999	AA-0000444	Ви				
ўг	я	09.10.2016	1тн-000555	Сергелида300-мак	ўқувчи	р	Чиланзор	A5
эр	ря	20.09.1973	AA-0009999	таш.вилоят.депут	Тадбиркор			
ка	ря	20.09.1978	AA-0101020	Уй бекаси		ря		
кз	ря	29.09.1997	AA-5555555	Лицейда	Уқувчи	ря		

Бу жадвалнинг номи **Рўйхат** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди танланади, натижада жадвал қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Имя поля	Тип данных
Код кўча	Счетчик
Кўчанинг-номи	Короткий текст
Тор кўча	Короткий текст
Уйнинг-рақами	Короткий текст
Хонанинг рақами	Короткий текст
Фамилия	Короткий текст
исми	Короткий текст
Отас-исми	Короткий текст
Оилада-ким	Короткий текст
Рўйх-Яши	Короткий текст
Туг-йили	Дата и время

Свойства поля

Общие	Подстановка
Размер поля	Длинное целое
Новые значения	Последовательные
Формат поля	
Подпись	
Индексированное поле	Да (Совпадения не допускаются)
Выравнивание текста	Общее

Жадвалдаги кўрсаткичларни **Оилада ким** майдонини қиймат турининг қаршисидаги  тугмани очамиз. Тугмани очиш учун сичқончани юқоридаги кўрсатилган майдон қаторидаги **Короткий текст** сўзининг ёнига қўйиб тугмаси босилади. Натижада рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Мастер подстановок** (ўрин алмаштириш устаси) банди танланади. Экранда **Создание подстановки** сарлавҳали меню чиқади.

Создание подстановки

Мастер создает поле подстановки, в котором отображается список значений для выбора. Каким способом поле подстановки будет получать эти значения?


Объект "поле подстановки" получит значения из другой таблицы или другого запроса.

 Будет введен фиксированный набор значений.

Отмена
< Назад
Далее >
Готово


Менюда иккита шарт **Объект “поле подстановки” получит значения из другой таблицы или другого запроса** (объект қийматни бошқа жадвалдан ёки бошқа сўровдан олади), **Будет введён фиксированный набор значений** (белгиланган қийматлар

киритилади). Менюдаги вариантдан иккинчиси **Будет введён фиксированный набор значений** ни белгилаб ва **Далее** тугмачаси босилса, экранда меню бошқача кўринишда чиқади:




Менюдаги **Столбец1**ни тагига белгилаб кўйилган қийматлар ёзилади. Улар қисқартирилган сўзлар: **ка**–қайнона, **жи**–жиян, **уэ**–уй эгаси, **кз**–қиз, **нав**–навара, **наб**–набира, **эр**–эри.


Столбец1–устун1 нинг тагига **ка**, **жи**, **уэ**, **кз**, **нав**, **наб**, **эр** қисқартирилган сўзлар ёзилганда **Создание подстановки** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:




Эслатма. Агар қисқартирилган сўзлар **Столбец1** га сизмаса, **Столбец2** дан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун **Число столбцов:**

кўрсаткичининг тўғрисидаги  белгининг ичига, яъни 1 рақамнинг ўрнига 2 рақамини ёзиб, клавиатурадан **Enter** тугмаси босилади. Натижада **Столбец2** устуни ҳосил бўлади. Ёзишни шу устунда давом эттириш мумкин.

Менюдан **Далее** тугмаси босилса яна шу меню бошқа кўринишда экранга чиқади.




Менюда иккита **Ограничиться списком** (руйхатдаги билан чегараланиш) ва **Разрешить несколько значений** (бир нечта қийматни киритишга рухсат бериш) шарти чиқади. Шартдан **Ограничиться списком** ни белгилаб, **Готово** тугмачаси танланганда, **Рўйхат** номли жадвал яна **Конструктор** ҳолатида чиқади:

	Имя поля	Тип данных
	Код кўча	Счетчик
—	Кўчанинг-номи	Короткий текст
—	Тор кўча	Короткий текст
—	Уйнинг-рақами	Короткий текст
—	Хонанинг рақами	Короткий текст
—	Фамилия	Короткий текст
—	исми	Короткий текст
—	Отас-исми	Короткий текст
—	Оилада-ким	Короткий текст
—	Рўйх-Яши	Короткий текст
—	Тўғ-йили	Дата и время

Энди **Режим таблицы** (таблица ҳолати) га ўтамиз. Бунинг учун сарлавҳадаги **Рўйхат** номига сичқончани қўйиб ўнг тугмасини

босилганда экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим таблицы** ни танлаганимизда экранга **Microsoft Access** менюси чиқади:





Меню жадвални хотирага ёзиб қўйишни таклиф қилмоқда. Менюдан **Да** тугмаси босилса, жадвалнинг биринчи кўриниши яна экранга чиқади:

Код кўча	Кўчанинг-номи	Тор кўча	Уйнинг-рақами	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
1	Тилла	1	1	1	Арипов	Дониер	Зокир
2	Тилла	1	1	1	Зилева	Махмуда	Шомансүровна
3	Кўмиш		1		Азизов	Рустамжон	Махкам
4	Кўмиш		1		Азизова	Феруза	Зўхуровна
5	Пулат		2		Асроров	Даврон	Карим
6	Пулат		2		Асророва	Мафтуна	Мансүровна
7	Пулат		2		Асроров	Достонбек	Карим
8	Чўян	2	3	3	Асомов	Абдумавлон	Тоҳир
9	Чўян	2	3	3	Асомова	Саодат	Закировна
10	Чўян	2	3	3	Асомова	Машқура	Тоҳировна


Оилада-ким	Рўйх-Яши	Туғ-йили	Пасп-ёки М	Иш-жойи	Ким-бўл	Рўй=Яший
Эр	я	27.01.1964	AA-0000001	Магазин	сотувчи	р
ка	я	18.11.1969	AA-0000002	001-боғчада	тарбиячи	р
эр	я	10.09.1972	AA-0000011	Ви		р
ка	ря	13.11.1976	AA-0000222	Хўсўсий клиника	дефектолог	
эр	ря	26.08.1996	AA-0003333	ТОШ.молия инс	студ1 боск	
ка	ря	21.04.1999	AA-0000444	Ви		
ўг	я	09.10.2016	1тн-000555	Сергелида300-мак	ўқувчи	р
эр	ря	20.09.1973	AA-0009999	таш.вилоят.депут	Тадбиркор	
ка	ря	20.09.1978	AA-0101020	Уй бекаси		ря
ка	ря	29.09.1997	AA-5555555	Лицейда	Уқувчи	ря

Тўман	Кўча	Уйнинг--рақами	Тел	Мобил
Шайхонтохўр	Заргар	52А	222-57-22	+99890-111-22-33
Шайхонтохўр	Уткир тор	12/2	222-57-22	+99890-111-22
Чиланзор		4/77	255-92-44	+99890-126-08-01
			255-92-44	+99890-126-08-01
			355-92-52	+99894-222-33-44
			355-92-52	+99894-222-33-44
Чиланзор	А5	2	355-92-52	+99894-222-33-44
			241-21-11	+99880-155-00-00
			110-01-01	+99880-155-00-00
			111-11-11	+99880-155-00-00


Рўйхат даги **Оилада-ким** майдонидаги бирорта қийматнинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса  белгили тугма чиқади. Шу  тугма босилганда **уэ, ка** ва бошқа қийматлар рўйхати чиқади. Жадвалга қийматларни киритишда рўйхатдан танлаб ёзиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси 3286 ҳудуддан иборат бўлиб, 160 дан ортиқ туман, 1200 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғини эса 1900 дан ортиқдир. Уларнинг ҳар биттаси бўйича кодлари ҳам мавжуд бўлиб, ҳажми 70 бетдан иборат бир китобча бўлади. Энди бирорта **шаҳар ёки қишлоқ фуқаролар йиғининг** номини топиш учун 70 бетли китобни варроқлаб чиқиш кўп вақтни олади. Бу каби ишларни қисқа вақт давомида **Access** тизимида бажариш имконият мавжуд. Бунинг усули шундан иборат, яъни бирорта жадвалнинг майдонига **туманлар** рўйхатини, иккинчи майдонига **шаҳарлар** рўйхатини, учунчи майдонига **қишлоқ фуқаролар йиғинининг** рўйхатини, тўртинчи майдонига ҳаммасини, яъни 3286 объектни жойлаштириш мумкин. Тўртталаси алоҳида тугмалар ичига жойлаштирилади. Бу дегани тугма босилганда экранга рўйхатлар ўзи чиқади. Рўйхатдан кераклигини танлаб қийматнинг ўрнига қўйиш мумкин. Юқоридаги муаммоларни ечиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак бўлади. Ўзбекистон Республикасида 3286 объектдан иборат статистик таснифлаш **Давлат статистика қўмитаси** нинг сайтида жойлаштирилган. Уни биз қулай кўринишга келтириб, қўшимчалар киритиб компьютернинг **Рабочий стол** га **Статистик таснифлаш1** ном билан жойлаштирганмиз. Ундан фойдаланиш учун уни **Access** га ўтказиш керак бўлади.


Бунинг учун **Excel** тизимидаги **Статистик таснифлаш1** номли жадвални **Access** га импорт қиламиз. **ПИ** даги **Внешние данные** буйруғидаги **Импорт и связи** гуруҳидан **Импорт** номли тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, **Внешние данные-Электронная таблица Excel** номли меню экранга чиқади:




Менюдаги **Импортировать данные источника в новую таблицу в текущей базе данных** номли тугмачани ёқиб кейин **Обзор...** номли тугмани босилса экранга **Открытие файла** номли меню чиқади:




Менюдан **Статистик таснифлаш1** номли жадвални **Рабочий стол** менюсидан излаймиз чунки уни **Рабочий стол** га жойлаштирганмиз. Бунинг учун чап томондаги **Рабочий стол** номли ёзувнинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса у белгиланади. Натижада экраннинг ўнг томонида жадваллар ва бошқа файллар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Статистик таснифлаш1** номли жадвални излаймиз.




Менюдан **Статистик таснифлаш1** ни топиб белгилаймиз ва кейин **Открыть** номли тугмани босилса экранга **Внешние данные-Электронная таблица Excel** номли меню чиқади:




Менюнинг **Имя файла:** ёзувининг ёнидаги майдонда танлаган жадвалнинг номи чиқади. Энди **OK** номли тугмани босилганда **Импорт электронной таблицы** номли меню чиқади:



Менюдаги **листы** номли тугмани ёқиб **Далее**> номли тугмани босилса, **Импорт электронной таблицы** номли меню экранга бошқа кўринишда чиқади:



Менюдаги **Первая строка содержит заголовка столбцов** номли тугмани ёқиб, яна **Далее**> номли тугмани босилса, **Импорт электронной таблицы** номли меню экранга бошқа кўринишда чиқади:



Менюда импорт қилинадиган жадвалнинг биринчи қаторидаги майдонларнинг номи **Access** нинг майдон номларига тўғри келмайди, бу каби майдонларга тизим автоматик равишда ўзи ном беради деган фикр чиқади. Бу фикрни маъқуллаш учун менюдан **ОК** тугмаси босилганда куйидаги меню экранга чиқади:

Импорт электронной таблицы

Имеется возможность задать сведения о каждом поле импорта. Выберите поле в нижней части окна и измените сведения в области "Описание поля".

Описание поля

имя поля: тип данных:

индекс: не импортировать (пропустить) поле

	МХОБТ-коди	Поле2	Поле3
1	17	O'zbekiston Respublikasi	Ўзбекистон Республикаси
2	1703	Andijon viloyati	Андижон вилояти
3	1703200	Andijon viloyatining tumanlari	Андижон вилоятининг туманлари
4	1703202	Oltinko'l tumani	Олтинкўл тумани
5	1703202550	Oltinko'l tumanining shaharchalari	Олтинкўл туманининг шаҳарчала
6	1703202552	Bo'ston	Бўстон
7	1703202554	Dalvarzin	Далварзин
8	1703202556	Jalabek	Жалабек
9	1703202558	Ijtimoiyat	Ижтимоият
10	1703202562	Kumakay	Кумакай
11	1703202564	Qo'shtepa	Қўштепа
12	1703202566	Madaniy mehnat	Маданий меҳнат
13	1703202568	Markaz	Марказ
14	1703202572	Maslahat	Маслаҳат

Отмена < Назад Далее > Готово

Менюнинг **Описание поля** бўлимида импорт қилинаётган жадвалнинг майдонлари ҳақидаги маълумотларни бирма бир кўриб, текшириш керак бўлади. Агар тўғри бўлса менюдаги **Далее>** номли тугма босилса **Импорт электронной таблицы** номли меню бошқа кўринишда чиқади:

Импорт электронной таблицы

Рекомендуется задать ключевое поле в новой таблице. Ключ используется для однозначного определения каждой записи таблицы и позволяет ускорить обработку данных.

автоматически создать ключ


определить ключ:

не создавать ключ


	Код	Поле1	Поле2	Поле3
1	1	МХОБТ-коди	Ма-Худ-Об-номи-лот-ал	Ма-Худ-Об-номи-ўзб-т
2	2	17	O'zbekiston Respublikasi	Ўзбекистон Республикаси
3	3	1703	Andijon viloyati	Андижон вилояти
4	4	1703200	Andijon viloyatining tumanlari	Андижон вилоятининг тума
5	5	1703202	Oltinko'l tumani	Олтинкўл тумани
6	6	1703202550	Oltinko'l tumanining shaharchalari	Олтинкўл туманининг шаха
7	7	1703202552	Bo'ston	Бўстон
8	8	1703202554	Dalvarzin	Далварзин
9	9	1703202556	Jalabek	Жалабек
10	10	1703202558	Ijtimoiyat	Ижтимоият
11	11	1703202562	Kumakay	Кумакай
12	12	1703202564	Qo'shtepa	Қўштепа
13	13	1703202566	Madaniy mehnat	Маданий меҳнат
14	14	1703202568	Markaz	Марказ

Отмена < Назад Далее > Готово

Бу менюда бирорта майдонни калитли қилиб белгилаш таклифи чиқади. Бу масалани кейинроқ хал қилмоқчи бўлганлигимиз учун **Далее**> номли тугмани босилса, **Импорт электронной таблицы** менюси жадвалнинг **SOATO** номини ўзгартириш таклифи билан чиқади:



Биз импорт қилинаётган жадвалнинг номини ўзгартирмаганлигимиз учун менюдаги **Готово** номли тугмани босганимизда **Внешние данные-Электронной таблица Excel** менюси **Статистик таснифлаш1.xls** номли файл **SOATO** номли жадвалга мувофақиятли импорт қилинди деган жавоб билан чиқади:



Менюдан **Закреть** номли тугмани босилганда, **SOATO** номли жадвал **Все объекты Access** бўлимидаги **Таблицы** гуруҳидан жой эгаллайди. Уни яна кўриш учун **SOATO** номли жадвалнинг устига сичқончани кўйиб тугмаси икки марта босилса, у экранга чиқади:

Код	Поле2	Поле3	Қисқ-сўз	Поле5
1 17	O'zbekiston Respublikasi	Ўзбекистон Республикаси	Рес	Республика Узбекистан
2 1703	Andijon viloyati	Андижон вилояти	Вил	Андижанская область
3 1703200	Andijon viloyatining tumanlari	Андижон вилоятининг туманлари		Районы Андижанской области
4 1703202	Oltinko'l tumani	Олтинкўл тумани	Тум	Алтынкульский район
5 1703202550	Oltinko'l tumanining shaharchalari	Олтинкўл туманининг шаҳарчалари		Городские поселки Алтынкульского
6 1703202552	Bo'ston	Бўстон	Шаҳ	Бустон
7 1703202554	Dalvarzin	Далварзин	Шаҳ	Далварзин
8 1703202556	Jalabek	Жалабек	Шаҳ	Жалабек
9 1703202558	Ijtimoiyat	Ижтимоият	Шаҳ	Ижтимоият
10 1703202562	Kumakay	Кумакай	Шаҳ	Кумакай

Экранда кўришиб турган жадвалнинг бир бўлаги. Жадвалдаги **Поле2**, **Поле3** ва **Поле5** номларни тушинарли номга ўзгартирамиз. Бошқа ном бериш учун **SOATO** ни жадвал ҳолатидан **конструктор** ҳолатига ўтказиш керак бўлади. Бунинг учун **SOATO** нинг устига сичқончани кўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди танланганда **SOATO** қуйидаги кўринишда экранга чиқади:

Имя поля	Тип данных
Код	Счетчик
МҲОБТ-коди	Короткий текст
Поле2	Короткий текст
Поле3	Короткий текст
Қисқ-сўз	Короткий текст
Поле5	Короткий текст

Свойства поля

Общие	Подстановка
Размер поля	Длинное целое
Новые значения	Последовательные
Формат поля	
Подпись	
Индексированное поле	Да (Совпадения не допускаются)
Выравнивание текста	Общее

Навбатдаги иш **Поле2**, **Поле3** ва **Поле5** ларни бошқа номларга ўзгартириш. Бунинг учун **Поле2** нинг ўрнига **Ҳудуд-номи-лот-алиф** ни, **Поле3** нинг ўрнига **Ҳудуд-номи-ўзб-кир** ни, **Поле5** нинг ўрнига **Ҳудуд-номи-рус-тил** ни ёзамиз. Ҳар бир майдоннинг қийматига ажратиладиган жой 40 тадан иборат бўлади. Кейин **МҲОБТ-коди** майдонидаги қиймат турини, яъни **Короткий текст** нинг ўрнига **Числовой** турини ёзамиз. **Размер поля** қаторига тизим ўзи **Длинное целое** ни чиқаради. Натижада **SOATO** нинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Код	МҲОБТ-коди	Ҳудуд-номи-лот-алиф	Ҳудуд-номи-ўзб-кир	Қисқ-сўз	Ҳудуд-номи-рус-тил
1 17	O'zbekiston Respublikasi	Ўзбекистон Республикаси	Рес	Республика Узбекистан	
2 1703	Andijon viloyati	Андижон вилояти	Вил	Андижанская область	
3 1703200	Andijon viloyatining tumanlari	Андижон вилоятининг туманлари		Районы Андижанской области	
4 1703202	Oltinko'l tumani	Олтинкўл тумани	Тум	Алтынкульский район	
5 1703202550	Oltinko'l tumanining shaharchalari	Олтинкўл туманининг шаҳарчалари		Городские поселки Алтынкульского ра	
6 1703202552	Bo'ston	Бўстон	Шаҳ	Бустон	
7 1703202554	Dalvarzin	Далварзин	Шаҳ	Далварзин	

SOATO номли жадвалнинг рўйхатида 3286 ҳудуддан иборат бўлганлиги учун уни бир бўлагини экранга чиқардик. **SOATO** ни хотирага қайта ёзиб қўямиз. Бунинг учун **SOATO** нини устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланса, у хотирага қайта ёзилади. Экранни **Закреть** тугмаси ёрдамида бўш ҳолга ўтказамиз.

Навбатдаги ишимиз **SOATO** нинг айрим майдонини **Киритиш** номли жадвалга жойлаштириш. Мақсад шуки 3286 ҳудуддан бирорта ҳудуд (туман, шаҳар, қишлоқ фуқоролар йиғини) ни топиш керак бўлса, жойлаштирилган майдондан топиш мумкин бўлсин. Бунинг учун экранга **Киритиш** ни чиқарамиз. Унда **Туман** номли майдон бор. Ана шу майдон қийматларининг тугмасига ҳудудлар рўйхатини жойлаштирамиз. Натижада тугмани ичига кириб исталган ҳудудни топиш онсон бўлади. **Киритиш** номли жадвал экранда қуйидаги кўринишга эга:


Код	Фами.	Туғилг.	Вилоят	Туман	Телефон	Мобил	Поле1	Шаҳар	Вилоят2	Жинси
3		#####	Фарғона	в		+99(855)-555-55-55			Фарғона	Аёл
		#####	Қашқадарё			+99(899)-888-88-88		Елбаён	Тошкент	Эркак
4										


Киритиш номли жадвални **Конструктор** ҳолатига ўтказамиз.

Имя поля	Тип данных
Код	Счетчик
Фамилия	Короткий текст
Туғилган йили	Дата и время
Вилоят	Короткий текст
Туман	Короткий текст
Телефон	Короткий текст
Мобил	Короткий текст
Поле1	Короткий текст
Шаҳар	Числовой
Вилоят2	Короткий текст
Жинси	Короткий текст


Свойства поля

Общие	Подстановка
Размер поля	Длинное целое
Новые значения	Последовательные
Формат поля	
Подпись	
Индексированное поле	Да (Совпадения не допускаются)
Выравнивание текста	Общее


Сичқончани **Туман** номли майдоннинг ёнидаги **Короткий текст** номли ёзувнинг устига сичқончани қўйилса  белгили тугма чиқади. Шу тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Мастер подстановок...** банди танланса, қуйидаги **Создание подстановки** номли меню экранга чиқади:




Менюдан **Объект “поле подстановки”** получит значения из **другой таблицы или другого запроса** номли тугмани ёқиб, кейин **Далее>** номли тугмани босилса, **Создание подстановки** менюси бошка кўринишда чиқади:



Менюда фойдаланувчи томонидан тузилган жадваллар ва сўровларнинг рўйхати жойлаштирилган. Менюдаги **Таблицы** номли тугмани ёқиб, кейин рўйхатдан **SOATO** номли жадвални топиб **Далее**> номли тугма босилса, **Создание подстановки** менюси бошқа кўринишда экранга чиқади:



Менюнинг **Доступные поля:** номли бўлимда **SOATO** номли жадвалнинг майдонлар рўйхати жойлашган. Рўйхатдан **Выбранные поля:** га керакли, яъни **Худуд-номи-ўзб-кир** номли майдонни “>” белги ёрдамида ўтказамиз. Натижада **Создание подстановки** менюси қуйидаги кўринишда экранда хосил бўлади:



Менюдан **Далее**> номли тугмани босилса, **Создание подстановки** менюси бошқа кўринишда экранга чиқади:

Создание подстановки

Выберите порядок сортировки элементов списка.

Допускается сортировка записей по возрастанию или по убыванию, включающая до 4 полей.

1 [] по возрастанию

2 [] по возрастанию

3 [] по возрастанию

4 [] по возрастанию

Отмена < Назад **Далее >** Готово

Менюда майдонларни саралаш таклифи кўрсатилган. Майдон битта бўлганлиги учун саралашни хождати йўқ. Демак, **Далее**> номли тугмани босилса, **Создание подстановки** менюси худудлар рўйхатини кўрсатган ҳолда чиқади:

Создание подстановки

Задайте ширину столбцов, которые содержит поле подстановки.


Перетащите правую границу заголовка столбца на нужную ширину или дважды щелкните ее для автоматического подбора ширины.

Скрыть ключевой столбец (рекомендуется)


Худуд номи-ўзб-к					
Ўзбекистон Респу					
Андижон вилояти					
Андижон вилояти					
Олтинкўл тумани					
Олтинкўл тумани					
Бўстон					
Далварзин					

Отмена < Назад **Далее >** Готово


Менюдаги худудлар номини тўлиқ кўриш учун ёнидаги чизиқнинг устига сичқончани қўйилса ”+” белгиси чиқади. Шу ҳолатда чизиқни ўнгга сурилади. Натижада худудлар тўлиқ ҳолда экранда кўринади:




Менюдаги **Далее**> номли тугмани босилса, **Создание подстановки** менюси **Туман** номли майдон номини ўзгартириш таклифи билан чиқади:



Ўзгартиришни холати йўқлиги учун **Готово** номли тугмани босамиз. Натижада **Создание подстановки** менюси жадвални хотирага сақлаб қўйишни таклиф қилади:



Таклифга **Да** тугмасини босиб жавоб берганимизда **Microsoft Access** менюси чиқиши мумкин:



Менюни мазмуни: бир ёки бир нечта майдоннинг ўлчами камайган деган хабарни эслатмоқда. Шундай бўлса ҳам ишни давом


эттирсак бўладими деган савални бермоқда. Бу саволга **Да** деб жавоб берганимизда жадвал **Конструктор** ҳолатида экранга чиқади:

	Имя поля	Тип данных
🔑	Код	Счетчик
	Фамилия	Короткий текст
	Туғилган йили	Дата и время
	Вилоят	Короткий текст
	Туман	Числовой
	Телефон	Короткий текст
	Мобил	Короткий текст
	Поле1	Короткий текст
	Шаҳар	Числовой
	Вилоят2	Короткий текст
	Жинси	Короткий текст

Свойства поля

Общие		Подстановка
Размер поля		Длинное целое
Формат поля		
Число десятичных знаков	Авто	
Маска ввода		
Подпись		
Значение по умолчанию		
Правило проверки		
Сообщение об ошибке		
Обязательное поле	Нет	
Индексированное поле	Нет	
Выравнивание текста	Общее	


Энди **Туман** майдонинг қиймат тури, яъни **Числовой** ни **Короткий текст** га ўзгартирамиз, чунки унинг қиймат тури матндан иборат. Ўзгартириш жараёнида қуйидаги **Microsoft Access** менюси ўзгартириш мумкин эмас, чунки **Киритиш** номли жадвал бошқа жадвал билан боғлиқлиги бор деб чиқиши мумкин:



Бундай ҳолларда **ОК** тугмасини босиб, **Киритиш** жадвалини бошқа жадваллар билан боғлиқлигини узиш керак бўлади. Кейин майдон турларида ўзгартиришларни амалга ошириш мумкин. Натижада **Киритиш** номли жадвал **Конструктор** ҳолатида қуйидаги кўринишга эга бўлади:


Имя поля	Тип данных
Код	Счетчик
Фамилия	Короткий текст
Туғилган йили	Дата и время
Вилоят	Короткий текст
Туман	Короткий текст
Телефон	Короткий текст
Мобил	Короткий текст
Поле1	Короткий текст
Шаҳар	Нисловий
Вилоят2	Короткий текст
Жинси	Короткий текст

Киритиш номли жадвални **Конструктор** ҳолатидан **Жадвал** ҳолатига ўтказамиз. Бунинг учун **Киритиш** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмасини босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим таблицы** банди танланса **Microsoft Access** менюси жадвални хотирага сақлаб қўйишни сўрамоқда:



Жавоб тариқасида **Да** тугмасини босганимизда **Киритиш** жадвали қуйидаги кўринишда экранга чиқади:

Код	Фами.	Туғилг	Вилоят	Туман	Телефон	Мобил	Поле1	Шаҳар	Вилоят2	Жинси
3	#####	#####	Қашқадарё			+99(899)-888-88-88			Тошкент	Эркак
4	#####	#####	Фарғона	в		+99(855)-555-55-55		Елбаён	Фарғона	Аёл
*	(№)									

Жадвалдаги **Туман** номли майдонидаги бирорта қийматнинг устига сичқончани қўйганимизда  белгили тугма ҳосил бўлади. Унинг ичида **ҳудудлар** рўйхати жойлашган. Рўйхатдан керакли ҳудуд номини танлаб қиймат сифатида ёзиш мумкин.

Киритиш жадвалининг **Туман** майдонидаги ҳудудлар рўйхатидан вилоятга ва унинг туманларига, шаҳарларига ва қишлоқ фуқаролар йиғинига тегишли масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Масалан, Давлат статистика қўмитаси, вилоятларда филиаллари бор вазирликлар, бошқармалар ва қўмиталар.

8-боб. Жадвалдан ҳисобот тузиш ва чоп этиш

1-§. Жадвалдан ҳисобот тузиш

Ҳисобот тузишдан мақсад уни экранга чиқариш ва чоп қилишдан иборат. Ҳисобот жадвалдан сўров орқали тузилади. Жадваллар рўйхати **Все объекты Access** да. У **ПИ** нинг чап томонида жойлашган. Ундан керакли, яъни **Уй ва кўча бошлиғи** номли жадвалнинг устига сичқончани кўйиб тугмаси икки марта босилса, бўш экранга ўтади. У қуйидагича:


Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлақлар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Кўмиш	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Пўлат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

ПИ даги **Создание** буйруғининг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилади. Шундан кейин **Отчет** (ҳисобот) тугмаси босилса, тузган жадвалимиз **ҳисобот** шаклида экранга чиқади:

Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлақлар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Кўмиш	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Пўлат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

Ҳисоботнинг номи **Уй ва кўча бошлиғи4** бўлиб чиқди. Уни компьютернинг ўзи жадвалга қўшимча бирорта рақам билан чиқарди. Ҳисоботнинг ўнг томонида **Окно свойств** менюси жойлашади. Агар у чиқмаган бўлса, **Страница свойств** номли тугмани устига сичқончани кўйиб тугмаси босилади. Натижада **Окно свойств**

менюси ҳисоботнинг ўнг томонида ҳосил бўлади. Биз унинг бир бўлагини кўрсатдик.




Ҳисобот чиққанда майдонларга ажратилган жойлар каттароқ бўлиб чиқади. Улар қулай кўринишда тартибга солинади. Бунинг учун ёзилган қийматнинг устига сичқончани қўйилса, шу қийматнинг чегараси сариқ рангга бўялади. Чегаранинг ўнг ёки чап томонига сичқонча қўйилса, <----> белги ҳосил бўлади. Ана шу белгидан фойдаланиб қийматга ажратилган жойни кичик ҳолатга келтириш мумкин. Ҳисоботнинг ичидаги матнларни ёки қийматларни экраннинг ўнг томонида жойлашган **Окно свойств** (дарча хоссаси) менюсидан фойдаланиб, уларни безаш мумкин. Ҳисоботнинг сарлавҳасида жадвалнинг номи ва экранга чиқарилган санаси кўрсатилади (сана, ой, йил ва вақти). Ҳисоботни **Уй ва кўча бошлиғи4** ёки бошқа ном билан хотирага сақлаб қўйиш мумкин.

2-§. Майдондаги қийматлар йиғиндисини ҳисоблаш ҳисоботи

Юқорида тузган жадвалдан оддий **ҳисобот** тузган эдик. Ҳисоботда қўшимча арифметик амаллар ва статистик ҳисоб ишларини бажариш мумкин. Масалан, бирорта майдон бўйича оралик ёки умумий жаъми (итоги) чиқарилади. Бу каби масалаларни ечишда жадвалнинг майдон тури рақамли бўлиши шарт. Масалани ечиш учун **Уй бошлиғи** ҳисоботидан фойдаланамиз. Унинг кўриниши қуйидагича:


☰ Добавить группировку ⚡ Добавить сортировку

Менюдан **Добавить группировка** (гурухлашни кўшиш) кўрсаткичи танланса, экранга яна **Группировка, сортировка и итоги** менюси қўшимча кўрсаткичли бўлиб чиқади:



выражение

Менюдан рақамли майдон **Хоналар сони** танланади. Меню қуйидаги кўринишда бўлади, яъни **Группировка** нинг ёнига **Хоналар сони** тушиб яна иккита кўрсаткич чиқади:



Менюдан **Больше** кўрсаткичини танлаганимизда экранга юқоридаги менюнинг давоми чиқади.

, по всему значению ▼ , без итогов ▼ , с заголовком щелкните, чтобы добавить , с разделом заголовка ▼ ,
 без раздела примечания ▼ , не удерживать группу на одной странице ▼ , **Основные параметры** ◀
 ≡ Добавить группировку ⚡ Добавить сортировку


Менюдаги сўзларнинг луғавий маънолари. **Больше** (катта), **от минимального к максимальному** (қийматларни кичигидан бошлаб каттасигача саралайди ва аксинча), **по всему значению** (хамма қийматлари бўйича), **с итогами** (йиғиндилари билан), **с заголовком щёлкните, чтобы добавить** (сарлавҳа бўлимига сарлавҳани ёзиш менюсига кириш), **с разделом заголовка** (сарлавҳа бўлими билан, сарлавҳа бўлимисиз), **без раздела примечания** (илова бўлимисиз, илова бўлими билан), **не удерживать на одной странице** (битта бетда ушлаб қолмасин), **удерживать группу на одной странице** (гурӯҳни битта бетда сақлаб қолсин), **удерживать заголовок и первую запись на одной странице** (сарлавҳа ва биринчи ёзувни битта бетда сақлаб қолсин) **Основные параметры** (асосий кўрсаткичлари),

***Эслатма:** не удерживать группу на одной странице, удерживать группу на одной странице, удерживать заголовок и первую запись на одной странице менюларнинг роли унча билинмади, сабаби жадвалдаги маълумотлар кам бўлганлиги учун бўлса керак. Ҳурматли ўқувчи юқоридаги менюларни ўзингизнинг мисолингизда яна бир бор ишлатиб кўришни сизга хавола қиламиз.*

Юқоридаги рўйхатдан **Основные параметры** ◀ (асосий кўрсаткичлар) кўрсаткичи босилганда, рўйхат экрандан ўчади ва меню аввалги ҳолатига қайтади. Олдимизда турган масалани ечиш учун меню тайёр. Энди **Хоналар сони** майдон (устун) бўйича йиғиндиси чиқарилади. Агар бошқа майдонлар бўйича ҳам йиғиндисини чиқармоқчи бўлсак, у ҳолда **Хоналар сони** каби уларни ҳам жадвалдаги рўйхатдан тушираемиз.

Юқори менюдаги рўйхатдан **без итогов:** (йиғиндисисиз) кўрсаткичининг ёнидаги тугма босилганда, **ИТОГИ**–йиғинди номли меню куйидаги олтита тугма кўрсаткичли бўлиб чиқади:

Итоги
 без итогов
 Итог по полю [Сумма]
 Тип [Сумма]
 Показать общий итог
 Показать промежуточный итог по группе как % от общего итога
 Показать промежуточный итог в заголовке группы
 Показать промежуточный итог в примечании группы

ИТОГИ менюсидаги **Итог по полю**–(йиғинди майдон бўйича) кўрсаткичининг тўғрисида  белгили тугма бор, унинг ичида жадвалимизнинг майдонлари рўйхати жойлашган.

Менюдаги **Итог по полю** кўрсаткичининг ёнига **Хоналар сони** майдоннинг номи ўзи чиқади, чунки **группировка** менюсидан уни танлаганмиз. Агар чиқмаган бўлса, уни чиқариш керак.

Тип кўрсаткичи қаршисидаги  белгили тугма босилса, экранга қуйидаги статистик функциялар рўйхати чиқади: **Сумма** (йиғиндиси), **Среднее** (ўртачаси), **Количество записей** (ёзувларнинг сони), **Количество значений** (қийматларнинг сони), **Максимальное значение** (қийматларни каттаси), **Минимальное значение** (энг кам бўлган қиймат), **Дисперсия**, **Стандартное отклонение**, чет элдан кириб келган сўз бўлиб, уни **Статистика назарияси** фанида ўқитилади. *Шу иккала кўрсаткич тўғрисида маълумот бериб ўтамиз. Фараз қилайлик X номли кўрсаткич бор. У бир неча қийматдан иборат, яъни унинг динамикаси мавжуд. **Дисперсия** ни ҳисоблаш формуласи қуйидагича:*

$$\sigma^2 = (\sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2) / n;$$



бунда σ –*сигма* *малая* (кичкина), n –қийматларни сони, \bar{X} –қийматларнинг ўртачаси.


$\sigma^2 = (\sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2) / n$; Бу формулани квадрат илдизга олинса **Стандартное отклонение** ни топган бўламиз:

$$\sigma = \sqrt{\sigma^2}$$

Юқоридаги иккала кўрсаткичдан ўзгарувчиларни прогноз қилишдан аввал, яъни кўрсаткичнинг йиллар ёки вақт ўтиши даврида ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Мақсадга қараб улардан кераклиги танланади. Бизнинг мисолимизда **Сумма** танланади. Кейин **Показать общий итог** (умумий йиғиндини кўрсатиш) нинг олдидаги тугма ёқиб қўйилади. Бу кўрсаткич **Хоналар сони** майдонидаги **Қийматлар сони** устун бўйича йиғиндисини чиқаради. **ИТОГИ** менюсини тўлдирилган ҳоли қуйидагича бўлади:

· Итоги
· Итог по полю 
· Тип 

Ҳисобот  **Показать общий итог** нинг устига сичқончани қўйиб босилганда, у **Конструктор** ҳолатида чиқади:

Уй бошлиги

Область данных

Код	Кўчанинг но	Тор кўча	Уйнинг рақ	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
Примечание группы "Хоналар сони"								
Нижний колонтитул								
Примечание отчета								
=Sum([Хоналар])					Итого			
					Итого по полю: Хоналар сони			
					Тип: Сумма			
					<input checked="" type="checkbox"/> Показать общий итог			
					<input type="checkbox"/> Показать промежуточный итог по группе как % от общего итога			
					<input type="checkbox"/> Показать промежуточный итог в заголовке группы			
					<input type="checkbox"/> Показать промежуточный итог в примечании группы			
Группировка, сортировка и итоги								
с разделом заголовка, с разделом примечания, не удерживать группу на одной странице, Основные параметры								
с итогами: Хоналар сони								
Добавить группировку, Добавить сортировку								

Итого менюсининг чап томонида **Хоналар сони** майдонидаги

қийматларнинг йиғиндисини ҳисоблайдиган формула жойлашган.

=Sum([Хоналар сони])

Энди **Добавить группировки** менюсини ёпиш керак. Бунинг



учун белгили тугмалардан **X** белгилиси босилади. У **Группировка, сортировка и итоги** менюсининг ўнг томонида жойлашган.

Ҳисоботнинг номи **Уй бошлиғи** устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Представление отчёта** (ҳисоботни такдим қилиш) банди танланганда, натижа экранда қуйидаги кўринишда чиқади:

Уй бошлиғи

Уй ва куча бошлиғи 25 мая 2018 г.
23:24:20

Код	Кўчанинг но	Тор кўча	Уйнинг рақ	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Кумиш	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Пулат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

120

Ҳисоботдан кўриниб турибди, яъни **Хоналар сони** майдонидаги қийматларнинг йиғиндиси 120 га тенг экан. Шундан 80 Тилла кўчасига, 40 Кумиш кўчасига тегишли. Тилла кўчасида биринчи ва иккинчи уйларда хоналар сони 40 дан иборат. Кумиш кўчаси учинчи уйда эса битта 40 хонали уй бор экан.

Ҳисоботни хотирага ёзиш шарт эмас, чунки у аввалдан бор эди. Фақат ҳисоботни ёпиш керак. Сичқончани **Уй бошлиғи** нинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранда рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** банди босилса, ҳисобот **Уй бошлиғи** ҳисоботи ёпилади экран эса бўшайди.

3-§. Ҳисоботни Мастер отчётов ёрдамида тузиш

Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Мастер отчетов** (ҳисоботлар тузувчи мастер) тугмасини босилса экранга қуйидаги **Создание отчётов** (ҳисоботлар тузувчи) менюси чиқади:

Создание отчетов

Выберите поля для отчета.

Допускается выбор нескольких таблиц или запросов.

Таблицы и запросы

Таблица: Уй ва кўча бошлиғи

Доступные поля:

Код
Кўчанинг номи
Тор кўча
Уйнинг рақами
Йўлаклар сони
Хоналар сони
Уй кўча бош
Телеф

Выбранные поля:


Отмена < Назад Далее > Готово

Создание отчётов менюсининг чап томонида **Таблицы и запросы**, **Доступные поля:** (ўтказиш мумкин бўлган) майдон: ва **Выбранные поля:** (танланган майдон) менюлари чиқади. **Таблицы и запросы** (жадваллар ва сўровлар) менюсининг тагида биз тузган **Уй ва кўча бошлиғи**, **Аҳоли** ва бошқа жадвалнинг рўйхати жойлаштирилган.


Таблицы и запросы

Таблица: Уй ва кўча бошлиғи


Энди ҳисоботни қайси жадвалдан сўрашимизга қараб уни танлаймиз. Бунинг учун **Таблица:** кўрсаткичи тўғрисидаги белгининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, экранга жадваллар рўйхати чиқади. Танланган жадвалнинг майдонлари эса **Доступные поля:** менюси тагида чиқади. Улардан исталган майдонни бирма-бир танлаб ” > ” тугма босилса, улар ўнг томондаги **Выбранные поля** менюсининг тагидаги майдончага ўтади. Бу менюдаги “>>” белгининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, майдонларнинг ҳаммаси ўнг томонга ўтади. Масалан, **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини танлайдиган бўлсак, унинг майдонлари рўйхати чиқади. Рўйхатдаги майдонлардан **Уйнинг рақами** ва **Уй ва кўча бош** майдони танланади ва уларнинг ўнг томонига > тугмани босиб ўтказамиз. Кейин **Далее**> тугмаси босилса, қуйидаги **Создание отчётов** менюси экранга қуйидаги кўринишда чиқади:




Создание отчётов менюсида **Уровень** (даража), рўйхатда жойлашиши кўрсаткичи майдонлар рўйхатининг ўрни, яъни ҳисоботда қай даражада жойлашишини белгилайди. **Создание отчётов** менюсидан **Далее**> тугмачаси босилса, яна шу меню бошқача кўрсаткичли бўлиб экранга чиқади:



Создание отчётов менюсидан ҳисоботнинг майдондаги қийматларини саралаш зарур бўлса белгилаймиз бўлмаса яна **Далее>** тугмачаси босилса экранга қуйидаги меню ҳосил бўлади:



Создание отчётов менюсидаги **Макет** менюсидан **табличный** кўрсаткичи ва **Ориентация** менюсидан **книжная** кўрсаткичи танланади. Шундан сўнг **Далее>** тугмачаси босилса, экранга шу меню бошқа кўрсаткичли бўлиб чиқади:



Создание отчётов даги **Задайте имя отчета:** кўрсаткичининг тагида жадвалнинг номи чиққан. Унинг номини ўзгартирмадик. Ҳисоботни кўриш учун қуйидаги думалоқ **Просмотр отчет** тугмаси

ёқиб қўйилди. Менюдан **Готово** тугмаси босилса, экранга қуйидаги ҳисобот чиқади:

Уй ва кўча бошлиғи5	
Уйнинг рақами	Уй кўча бош
1	Азимов К.А
2	Очилов С.П.
3	Собиров А.А.
	Зияев К.Е.
	Носиров О.Л.

Ҳисобот тайёр бўлди, энди исталса хотирага сақлаб қўйилади ёки чоп этиш мумкин. Натижадан қуйидаги хулосалар чиқади: Азимов К. А, Очилов С. П, ва Собиров А. А лар кўп каватли 1, 2, 3 уйлар бошлиғи ҳамда Зияев К. Е, ва Носиров О. Л лар кўча бошлиғи экан. **Уй ва кўча бошлиғи5** ҳисоботи хотирага **Сохранить** тугмани босиш орқали сақлаб қўйилади. Хотирага сақлаб қўйиш усули олдинги машқларда кўрсатилганлиги учун такрорланмади. Ҳисобот **Все объекты Access** бўлимининг **Отчеты** гуруҳидан жой эгаллайди.

Ҳосил бўлган **Уй ва кўча бошлиғи5** номли ҳисоботда камчиликлар мавжуд бўлса, ҳисоботни **Конструктор** ҳолатига ўтказилади. Бунинг учун сичқончани ҳисоботнинг номи устига қўйиб турган ҳолда ўнг тугмасини бир марта босилса, қуйидаги рўйхат экранга чиқади: **Сохранить, Закрывать, Закрывать все** (ҳаммасини ёпиш), **Представление отчета** (ҳисоботни тақдим қилиш), **Режим макета** (макет ҳолати), **Конструктор, Предварительный просмотр**.

Рўйхатдан **Конструктор** бандини танланганда биз номлаган ҳисобот экранга чиқади:

The screenshot shows the design view of an Access report titled "Уй ва кўча бошлиғи5". The report is structured as follows:

Уй ва кўча бошлиғи5	
Уйнинг рақами	Уй кўча бош


Below the table, there are sections for "Верхний колонтитул" (Upper header) and "Нижний колонтитул" (Lower header). The lower header contains the text "=Now()" and a page number field "=Стр. " & [Page] & " из " & [Pages]".

Агар ўзгартиришлар сарлавхага тегишли бўлса, сичқончани **Заголовок отчета** (ҳисоботнинг сарловҳаси) ёзувининг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилганда чиқадиган қуйидаги менюлардан фойдаланиш мумкин: **Обработка событий...**, (воқеани ишламоқ), **Сортировка и группировка** (саралаш ва гуруҳлаш), **Переходы** (ўтиш), **Вставить** (қўйиш), **Цвет заливка фона** (фонни тўлдирилган ранги), **Линейка** (чизик), **Колонтитулы страницы** (бетнинг колонтитули), **Заголовок/примечание отчета** (ҳисобот иловасининг сарлавҳаси), **Свойства отчета** (ҳисоботнинг хоссаси), **Свойства** (хосса).

Уй ва кўчабошлиғи5 номли матннинг рангини ўзгартириш учун сичқончани унинг устига қўйиб тугмаси босилади. Натижада матннинг номи оч сариқ рангга ўзгаради. Кейин сичқончаниннг ўнг тугмачаси босилса, экранга **Обработка событий...** менюси чиқади: **Преобразовать элемент в** (элементни алмаштириш), **Переходы...** (ўтиш), **Выразать** (кесиб олиш), **Копировать** (нусха олиш), **Вставить** (қўйиш), **Макет** (макет), **Выровнять**(тўғрилаш), **Размер** (ўлчов), **Положение** (холат), **Удалить** (олиб ташлаш), **Цвет заливка фона** (фонни тўлдирилган ранги), **Цвет текста** (матннинг ранги), **Оформление** (безак бериш), **Свойства отчета**, **Свойства**.

Сўнгра **Область данных** (маълумот зонаси) бўлимидаги матнни, яъни **Уй рақами** устида амалларни бажариш учун сичқончаниннг ўнг тугмаси босилса, қуйидаги менюлар рўйхати экранга чиқади: **Преобразовать элемент в**, **Переходы...**, **Выразать**, **Копировать**, **Вставить**, **Макет**, **Группировка**, **Итог**, **Сортировка по возрастанию**, **Сортировка по убыванию**, **Выровнять**, **Размер**, **Положение**, **Удалить**, **Цвет заливка фона**, **Цвет текста**, **Оформление**, **Условное форматирование...** (шартли шаклга тушириш), **Свойства отчета**, **Свойства**.

Менюлар рўйхатидан **Свойства** менюси танланса, **Окно свойств** (хосса дарчаси) менюси экранга чиқади:




Окно свойств менюсидаги **Макет**, **Данные**, **События**, **Другие** менюларининг кўрсаткичлари бор. Кўрсаткичларнинг рўйхати кўп бўлганлиги сабабли, улар кўрсатилмади. Лекин уларни ишлаш жараёнида кўриш мумкин. Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг

ҳаммаси ҳисоботда қўлланилади. Ҳурматли ўқувчилар ҳисоботни безаш сизга ҳавола этилади.

4-§. Қўшимча майдон очиш

Қўшимча майдон жадвалнинг майдонларидан фойдаланиб, математик амални бажариб, натижани чиқаришда керак бўлади. Бунинг учун бирорта жадвал танланади, яъни унинг майдонларида математик амаллар бажариш мумкин бўлсин. Мисол сифатида **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини оламиз. Қўшимча майдон очиш учун **ПИ** дан **Создание** буйруғидаги **Конструктор отчетов** тугмасининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, бирорта рақамли **Отчет2** номли бўш катакдан иборат шакл чиқади. Кейин **Добавить поля** тугмаси босилганда **Список полей** (майдонлар рўйхати) менюси чиқади:




Список полей ×

Показать только поля в текущем источнике записей

Доступные поля в другой таблице:

- | | |
|--|------------------|
| <input type="checkbox"/> Switchboard Items | Изменить таблицу |
| SwitchboardID | |
| ItemNumber | |
| ItemText | |
| Command | |
| Argument | |
| <input type="checkbox"/> Аҳоли | Изменить таблицу |
| <input type="checkbox"/> АҲОЛИ1 | Изменить таблицу |
| <input type="checkbox"/> АҲОЛИ105 | Изменить таблицу |
| <input type="checkbox"/> АҲОЛИ2 | Изменить таблицу |

Список полей менюсида фойдаланувчи томонидан тузилган жадваллар руйхати чиқади. Жадвалдан **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини топиб, олдидаги” +” белгининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, экранда майдонлари кўринади:




Қуйидаги масала берилган бўлсин: **Кўчанинг номи** бўйича **Йўлаклар сони** ни **Хоналар сони** га қўшиб, қўшимча майдонда натижасини чиқарсин. Бунинг учун рўйхатдаги **Кўчанинг номи** майдонининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, майдоннинг ранги ўзгаради, шунда сичқончага илинтириб **Отчет2** номли бўш катакдаги **Область данных** кўрсаткичининг тагига қўйилади. Кейин шу каби **Йўлаклар сони** ва **Хоналар сони** майдонлари ҳам ўтказилади. Шунда ўтказилган майдонларнинг кўриниши қуйидагича бўлади:



*Эслатма. Жадвал майдонларини **Область данных** га ўтказишнинг иккинчи усули ҳам бор, яъни майдоннинг устига сичқочани қўйиб тугмаси икки марта босилса, майдон **Область данных** га ўтади. Фақат майдонлар бир устун бўлиб жойлашади. Уларни юқоридаги шакл кўринишида жойлаштириш шарт. Жойлаштириш усули қуйидагича. Майдоннинг устига сичқонча қўйилса, сариқ ранга киради. Сариқ рангнинг чап томонида тўрт бурчакли белги бор. Ана шу белгининг устига сичқонча қўйилса “+” белги ҳосил бўлади. Шу белгини сичқончага илинтириб майдоннинг керакли жойига қўйилади. **Область данных** кўрсаткичининг тагидаги майдонлар икки марта ёзилган. Биринчисида майдоннинг номи иккинчисида эса шу майдоннинг қиймати кўрсатилади.*

Навбатдаги иш натижани жойлаштириш учун қўшимча майдон очилади. Бунинг учун **ПИ** даги **Конструктор** буйруғининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, тугмалар мажмуаси чиқади.




Мажмуадан  белгили тугманинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилганда тугманинг ранги ўзгаради. Шунда сичқончани тугманинг устига қўйиб, тугмасини босиб, кейин қўйиладиган жойни мўлжаллаб тугмаси босилса, найзали белги кўринади, шу ҳолатда сичқончанинг тугмаси яна босилади. Натижада олдинги чиқарилган





майдонлар каторида иккита майдон ҳосил бўлади.

Эслатма: Биринчиси **Полеб** да майдоннинг номи иккинчиси **Свободный** (бўш) да эса шу майдоннинг қиймати кўрсатилади. **Полеб** ни тизим ўзи чиқарган. Ундаги рақам бошқа масалада бошқача бўлиб чиқиши мумкин. **Свободный** майдони бу қўшимча майдон бўлиб, унга юқорида эслатиб ўтилган иккита майдоннинг йигиндисини жойлаштирилади.

Свободный майдонининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, экранда менюлар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Свойства** менюси танланганда **Окно свойств** менюси чиқади:




Свободный майдонига иккита майдонни қўшиш формуласини ёзиш керак бўлади. Бунинг учун **Окно свойств** менюсидаги **Макет** кўрсаткичининг тагидаги **Данные** кўрсаткичининг тўғрисидаги  белгили тугманинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, **Построитель выражений** (сўз ясовчи) менюси чиқади:




Менюнинг бўш майдонига иккита сонли майдонни қўшиш формуласи ёзилади, яъни қуйидагича бўлади:
$$=[\text{Иўлақлар сони}] + [\text{Хоналар сони}]$$

Ушбу формулани ёзиш учун биринчи “=” белгини клавиатурадан териб, кейин **Категории выражений** менюсидаги **Иўлақлар сони** майдонига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилади, клавиатурадан “+” белги терилади, **Хоналар сони** майдонига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилса, **Построитель выражений** менюси қуйидагича бўлади:



Эслатма. Агар **Категории выражений** менюсидан майдонларни чиқаришида қўшимча белгилар ёки **выражений** сўзлари чиқса, уларни олиб ташлаш керак бўлади, чунки улар ортиқча. Кейин **ОК** тугмаси босилса меню **Построитель выражений** йўқ бўлади.

Натижада **Отчет2** нинг **Область данных** бўлимидаги **Свободный** майдоннинг ўрнида ва **Окно свойств** менюсининг **Данные** кўрсаткичининг қаторида ёзилган формула кўринади:



Кейин эса **Верхний колонтитул** (юқори колонтитул) майдонида чиқадиган натижанинг кўрсаткичларини жойлаштирамиз. Бунинг учун **Верхний колонтитул** ёзувининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, ранги қора бўлади. Кейин **Область данных** даги иккита бир хил майдоннинг чап томонидаги майдон номининг нусхаси **Ctrl+C** тугмалар ёрдамида кўчирилиб, **Ctrl+V** тугмалар ёрдамида эса **Верхний колонтитул** га қўйилади. Кўчирилган майдоннинг номи **Область данных** да қиймати чиқадиган майдоннинг устига қўйилади. Лекин майдон кўчирилганда **Верхний колонтитул** даги биз қўймоқчи бўлган жойга эмас балки, ҳар гал **Верхний колонтитул** нинг чап томонига жойлашади. Кўчиришни ўнг томондаги майдондан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи **Область данных** даги **Полеб** нинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса майдон сариқ рангга киради, кейин **Ctrl+C** тугмалари ёрдамида нусхаси кўчирилиб, **Ctrl+V** тугмалари ёрдамида эса **Верхний колонтитул** га қўйилади. Майдонни ўз жойига суриш учун сичқончани шу майдоннинг чап томонидаги тўғри тўрт бурчакли белгининг устига қўйиб, тугмаси босилганда “+” белги кўринади. Ана шу ҳолатда сичқонча майдонни ўзига илинтирган бўлади, кейин керакли жойига суриш мумкин.

Иккинчи **Область данных** даги иккита **Хоналар сони** майдонларининг чап томонидагисининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса майдон сариқ рангга киради, кейин **Ctrl+C** тугмалари ёрдамида нусхаси кўчирилиб, **Ctrl+V** тугмалари ёрдамида эса **Верхний колонтитул** га қўйилади. Майдонни ўз жойига суриш учун сичқончани шу майдоннинг чап томонидаги тўғри тўрт

бурчакли белгининг устига кўйиб, тугмаси босилганда “+” белги кўринади. Ана шу ҳолатда сичқонча майдонни ўзига илинтирган бўлади, кейин керакли жойига суриш мумкин.

Учинчи **Область данных** даги иккита **Йўлаклар сони** майдонларининг чап томонидагисининг устига сичқончани кўйиб, тугмаси босилса майдон сариқ рангга киради, кейин **Ctrl+C** тугмалари ёрдамида нусхаси кўчирилиб, **Ctrl+V** тугмалари ёрдамида эса **Верхний колонтитул** га кўйилади. Майдонни ўз жойига суриш учун сичқончани шу майдоннинг чап томонидаги тўғри тўрт бурчакли белгининг устига кўйиб, тугмаси босилганда “+” белги кўринади. Ана шу ҳолатда сичқонча майдонни ўзига илинтирган бўлади, кейин керакли жойига суриш мумкин.

Тўртинчи **Область данных** даги иккита **Кўчанинг номи** майдонларининг чап томонидагисининг устига сичқончани кўйиб, тугмаси босилса майдон сариқ рангга киради, кейин **Ctrl+C** тугмалари ёрдамида нусхаси кўчирилиб, **Ctrl+V** тугмалари ёрдамида эса **Верхний колонтитул** га кўйилади. Майдонни ўз жойига суриш учун сичқончани шу майдоннинг чап томонидаги тўғри тўрт бурчакли белгининг устига кўйиб, тугмаси босилганда “+” белги кўринади. Ана шу ҳолатда сичқонча майдонни ўзига илинтирган бўлади, кейин керакли жойига суриш мумкин. Натижада **Отчёт2** номли жадвалнинг **Конструктор** ҳолатидаги кўриниши экранда қуйидагича бўлади:

Отчет2												
Верхний колонтитул												
	Кўчанинг номи		Йўлаклар сони								Полеб	
1												
2												
Область данных												
	Кўчанинг номи		Йўлаклар сони			Хоналар сони					=[Йўлаклар сони]+[Хоналар сони]	
1												

Отчёт2 даги **Область данных** кўрсаткичининг тагидаги нусхаси кўчирилган майдонлар ўчирилади. Бунинг учун ўчириладиган майдоннинг устига сичқончани кўйиб ўнг тугмаси босилса, экранга менюлар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Удалить** банди танланганда майдон экрандан ўчади. Шу жараён 4 марта такрорланади.

Натижани кўриш учун **Отчёт2** нинг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Представление отчёта** банди танланса, натижа экранда ҳосил

бўлади, лекин кўриниши қониқарсиз, яъни қаторлар ва устунлар орасидаги масофа катта бўлиб чиқиши мумкин. **Отчёт2** нинг шу ҳолати **Режим таблицы** да:

Натижа чиройли бўлиб чиқиши учун, **Режим таблицы** ҳолатидан яна **Конструктор** ҳолатига ўтказилади. Бунинг учун **Отчёт2** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди танланганда **Отчёт2** нинг кўриниши аввалги ҳолатида чиқади:

Энди **биринчи** **Верхний колонтитул** билан майдон кўрсаткичлари орасидаги, **иккинчи** **Область данных** билан майдон қийматлари орасидаги, **учинчи** **Нижный колонтитул** (қуйи колонтитул) билан майдон қийматлари орасидаги, **тўртинчи** **Верхний колонтитул** билан **Область данных** орасида жойлашган майдон кўрсаткичларнинг орасидаги, **бешинчи** **Область данных** билан **Нижный колонтитул** орасида жойлашган майдон қийматлари орасидаги масофаларни қисқартириш керак бўлади. Бунинг учун **Область данных** нинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, у қора рангга киради. Кейин тугмани қора рангнинг устида босилса “+” белги ҳосил бўлади, шу жараёнда уни юқорига суриш мумкин. **Нижный колонтитул** ҳам шу усул билан юқорига сурилади. Иккита майдон кўрсаткичи ва яна иккита майдон қийматлари орасидаги масофаларни ўзгартириш учун майдоннинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, “+” белги ҳосил бўлади, шу жараёнда майдонни исталган жойга суриш мумкин. Кейин **Отчёт2** ҳисоботининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади.

Рўйхатдан **Представление отчета** банди танланганда экранга ҳисобот **Отчет2** чиқади:

Кўчанинг номи	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Полеб
Тилла	4	40	44
Тилла	4	40	44
Кўмиш	4	40	44
Пўлат			
Темир			

Навбатдаги ишимиз ҳисоботдаги **Полеб** номини тушунарли номга ўзгартиришдан иборат. Бунинг учун **Отчёт2** ҳисоботининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди босилади ва ундаги **Полеб** нинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, унинг ранги сарик бўлади. Сичқончанинг уни устига қўямиз ва **Полеб** ни **Йўлаклар** ва **Хоналар** йиғиндиси номига ўзгартирамиз. Кейин яна **Отчёт2** ҳисоботининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Представление отчета** банди танланганда ҳисоботдаги **Полеб** нинг ўрнида **Йўлаклар** ва **Хоналар** йиғиндиси номли бўлиб чиқади:

Кўчанинг номи	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Йўлаклар ва Хоналар йиғиндиси
Тилла	4	40	44
Тилла	4	40	44
Кўмиш	4	40	44
Пўлат			
Темир			


Отчёт2 номли ҳисоботнинг номини **Қўшимча майдон** номига ўзгартирилади. Бунинг учун **Отчет2** номининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга **Сохранение** менюси чиқади. Лекин чиқмаслиги ҳам мумкин, чунки иш давомида **Отчет2** номи билан хотирага сақланган бўлиши мумкин. Агар шундай қилинган бўлса, у ҳолда яна бир марта **Отчет2** номининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** тугмаси босилади. Натижада ҳисобот **Все объекты Access** бўлимидан жой эгаллайди. **Все объекты Access** бўлимидан **Отчет2** номини

топиб, унинг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилса, унинг ранги қизил рангга киради. Кейин қизил рангнинг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Переименовать** (номини ўзгартириш) банди танланганда **Отчет2** нинг рангда бошқача бўлади. **Отчет2** нинг устига сичқончани кўйиб номини **Қўшимча майдон** номига ўзгартириб, клавиатурадан **Enter** тугмаси босилади. Натижада ҳисобот шу ном билан хотирада сақланади. Агар ҳисоботни кўрмоқчи бўлсак, **Қўшимча майдон** нинг устига сичқончани кўйиб икки марта босилса, экранга шу ҳисобот чиқади.


Эслатма. Юқорида биз **Отчет2** ни хотирага сақлашда **Сохранение** менюси чиқмаслиги ҳам мумкин деган фикрни келтирган эдик. Шу жойга изоҳ. Биринчидан, **Отчет2** хотирага аввал ёзилган бўлса, **Сохранение** менюси чиқмайди. Иккинчидан, **Сохранение** менюси чиққанда ҳам **Отчет2** нинг номини **Қўшимча майдон** номига ўзгартирган бўлар эдик. Учунчидан **Отчет2** нинг номи ўзгартирилганда, унда ҳисобот сақланмайди, яъни у бўш ҳолатида бўлади. Ундан компьютер яна фойдаланиши мумкин.

5-§. Ҳисоботни Конструктор отчетов менюси ёрдамида тузиш

Мақсад бир нечта жадвалнинг майдонларидан фойдаланиб ҳисобот тузиш. Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор отчетов** (ҳисобот тузувчи) менюси танланганда, қуйидаги экранда компьютер бирорта рақам (2) билан **Отчёт** номли бўш жадвал чиқади:





Отчёт2 нинг ўнг томонига **Список полей** менюсини чиқариш керак. Бунинг учун **ПИ** даги **Конструктор** буйруғидаги **Сервис** гуруҳидан **Добавить поля** номли тугмани устига сичқочани қўйиб тугмаси босилса, **Список полей** менюси қуйидаги кўринишда экранга чиқади:




Отчёт2 номни тизим ўзи белгилаган. Демак, **Отчёт1** банд экан. Жадвалда **Верхний колонтитуль**, **Область данных**, **Нижний колонтитуль** бўлимлари мавжуд.

Список полей номли менюда фойдаланувчи томонидан тузилган жадвалларнинг номи кўрсатилган. Биз **+Аҳоли** ва **+Уй ва кўча бошлиғи** жадвалларнинг майдонларидан фойдаланиб ҳисобот тузмоқчимиз. Бунинг учун **+Аҳоли** ва **+Уй ва кўча бошлиғи** олдидаги “+” белгининг устига сичқончани қўйиб тугмаси бирин кетин босилса, қуйида улар ичидаги майдонлар рўйхати чиқади:








Тузиладиган ҳисоботда **Аҳоли** жадвалидан **Кўчанинг номи**, **Тор кўча**, **Уйнинг рақами**, **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалидан **Йўлақлар сони** ва **Хоналар сони** майдонларини **Отчёт2** нинг **Область данных** бўлимига ўтказилади. Бунинг учун рўйхатдаги ўтказиладиган майдоннинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, майдоннинг ранги ўзгаради. Шунда сичқончанинг ўнг тугмаси босилса, у сичқончага илинади. Майдонни ўтказиш жараёни **Отчёт2** нинг **Область данных** бўлимига ўтганда, сичқончанинг кўриниши найза ва “+” белгили бўлади. Сичқончани керакли жойга қўйиб, тугмаси босилади. Ўтказиш жараёни 5 марта бажарилади, чунки майдонлар сони 5 та. **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалидан майдонларни ўтказишда **Определение связи** (боғлиқликни аниқлаш) менюси чиқиши мумкин, агар бу жадвал **Аҳоли** жадвали билан ўзаро боғланмаган бўлса, иккита жадвалнинг майдонларидан фойдаланиб ҳисобот тузишда уларни бир бири билан боғлаб қўйиш шарт. Жадваллар боғланмаганлиги учун **Определение связи** менюси қуйидаги кўринишда чикди:



Менюдаги тўртта бўш катакдан иккитаси **Это поле** (бу майдон) **“Уй ва кўча бошлиғи”**... га тегишли, яна иккитаси эса **Связано с данным полем в** (берилган майдонга боғланган) **“Аҳоли”**... тегишли.

Иккала жадвални боғлаш учун чап томонда жойлашган катакнинг биринчисидаги

 белгили тугмани босилса, **Уй ва кўча бошлиғи** номли жадвалнинг майдонлар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Код** майдони танланади. Ўнг томондаги иккита катакнинг биринчисидаги  белгили тугма босилса, **Аҳоли** жадвалининг майдон рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Код кўча** майдони танланади. Натижада **Определение связи** менюси куйидаги кўринишда бўлади:



Менюдан **ОК** тугмаси босилса, шу меню ўчади. Натижада **Уй ва кўча бошлиғи** жадвали **Аҳоли** жадвали билан боғланади. Энди **Уй ва кўча бошлиғи** майдонларини **Отчёт2** нинг **Область данных** бўлимига ўтказишни давом эттириш мумкин. Бунинг учун яна **Список полей** менюсидан **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини топиб, ундан **Йўлаклар сони** ва **Хоналар сони** майдонларини **Отчёт2** нинг **Область данных** бўлимига ўтказилади. Ўтказиш усули такрорланмади чунки у сизга маълум. **Область данных** га 5 та майдонларнинг ҳаммаси ўтказилди:

Отчет2

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Верхний колонтитул

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Область данных

1	Кўчанинг-номи	Кўчанинг-номи										
2	Тор кўча	Тор кўча										
3	Уйнинг-рақами	Уйнинг-рақами										
4	Йўлақлар сони	Йўлақлар сони										
5	Хоналар сони	Хоналар сони										

Ҳисоботни кўриш учун **Отчёт2** нинг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Представление отчета** банди танланганда ҳисобот экранда қуйидаги кўринишда чиқади:

Отчет2

Кўчанинг-номи	Тилла
Тор кўча	1
Уйнинг-рақами	1
Йўлақлар сони	4
Хоналар сони	40
Кўчанинг-номи	Тилла
Тор кўча	1
Уйнинг-рақами	1
Йўлақлар сони	4
Хоналар сони	40
Кўчанинг-номи	Кўмиш
Тор кўча	
Уйнинг-рақами	1
Йўлақлар сони	4
Хоналар сони	40

Кўчанинг-номи

Тор кўча

Уйнинг-рақами

Йўлаклар сони

Хоналар сони

Кўчанинг-номи

Тор кўча

Уйнинг-рақами

Йўлаклар сони

Хоналар сони

Ҳисобот хотирага сақлаб қўйилмайди, чунки олдин уни хотирага сақланган эди. Фақат уни ёпиб қўямиз. Бунинг учун **Отчет2** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Закреть** банди танланганда ҳисобот **Все объекты Access** бўлимидаги **Отчёты** гуруҳидан жой эгаллайди. Унинг номини **Янги ҳисобот** га ўзгартирамиз. Бунинг учун **Все объекты Access** даги **Отчёты** бўлимидан **Отчет2** ни топиб, устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Переименовать** (номини ўзгартириш) банди танланганда сичқонча **Отчет2** нинг устида турган бўлади. Ана шу ҳолатда унинг номини **Янги ҳисобот** га ўзгартирилади.

6-§. Ҳисоботни чоп этиш

Бизда **Уй** номли жадвал бор. Унинг кўриниши қуйидагича:


Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Ген. Узоқов	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13
2	Ген. Узоқов	1	2	4	40	Очиллов С.П.	010-01-00	+99898-22-22
3	Ген. Узоқов	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01
4	Шўманай					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99
5	Шўманай					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11

Уй номли жадвални чоп этмоқчимиз. Чоп этиш учун, аввал жадвални ҳисобот шаклига ўтказилади, унга қўшимча кўрсаткичлар киритиб, чиройли кўринишга келтирилади. **Уй** номли жадвални ҳисобот шаклига ўтказиш учун **ПИ** даги **Создание** буйруғи устига сичқончани қўйиб босилганда, тугмалар мажмуаси ҳосил бўлади. Ундан **Отчёт** тугмасини босилганда, **Уй** жадвали қуйидаги ҳисобот кўринишда бўлади:

Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Ген. Узоқов	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Ген. Узоқов	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Ген. Узоқов	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Шўманай					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Шўманай					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

5


Ҳисоботни хотирага ёзиб қўямиз. Бунинг учун **Уй** номининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланганда, **Сохранение** менюси ҳисоботни хотирага ёзиб қўйиш таклифи билан чиқади:



Менюдаги **Уй** номини **Уй-1** номга ўзгартирамиз. Натижада ҳисоботнинг кўриниши қуйидагича бўлади:


Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Ген. Узоқов	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Ген. Узоқов	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Ген. Узоқов	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Шўманай					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99

Уй номли ҳисобот Уй-1 га ўзгарди. Бу ҳисоботга кўшимча матнлар киритиб, кўринишларини ўзгартириб, чоп этиш ҳолига келтирилади. Бу каби ишларни бажариш учун **ҳисобот** ни **Конструктор** ҳолатига ўтказиш керак. Бунинг учун **Уй-1** ҳисоботнинг устига сичқончани кўйиб ўнг тугмаси босилганда, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди босилади. Натижада **Уй-1** номли ҳисобот ва **Окно свойств** менюси чиқади:



Эслатма. Окно свойств менюсидаги кўрсаткичларнинг бир бўлаги кўрсатилган.

Окно свойств менюсидаги кўрсаткичлардан фойдаланиб, ҳисоботнинг матнларини, кўрсаткичларнинг шакли ва рангларини ўзгартириш мумкин. Керак бўлса кўшимча матнлар кўйиш мумкин. Бу каби имкониятдан фойдаланиб қуйидаги ҳисобот тузилди:



=С.О									
"Зафаробод" Маҳалла фуқоролар йиғинининг раиси					Ташхонов Ш.Қ.				

Уй-1 номли ҳисоботнинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Представление отчета** (ҳисоботни тақдим қилиш) бандининг устига сичқончани қўйиб босилганда ҳисоботнинг кўриниши қуйидагича чиқади:

Уй-1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ
ЗАФАРОБОД МАҲАЛЛАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ
ЗАФАРОБОД МАҲАЛЛАСИ

Манзил: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Зафаробод кўчаси -50 ўй. Тел: 249-90-24
х/р 20212000004002675001 А.Т Халқ банки Шайхонтоҳур ф-ли МФО: 00821,ИНН: 202915634

Код	Кўчанинг номи	Тар кўча	Уйнинг рақами	Йўлақлар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Ген. Узоқов	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
2	Ген. Узоқов	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
3	Ген. Узоқов	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
4	Шуманай					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
5	Шуманай					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

5

"Зафаробод" Маҳалла фуқоролар йиғинининг раиси Ташхонов Ш.Қ.

Навбатдаги иш чоп этиш. Бунинг учун **ПИ** дан **Режим** тугмасининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдаги **Предварительный просмотр** (олдиндан кўриш) банди танланганда тугмалар мажмуаси ҳосил бўлади. Мажмуадан **Параметры страницы** (бет кўрсаткичи) тугмаси босилганда, экранга қуйида шу ном билан меню чиқади:

Параметры страницы

Параметры печати Страница Колонны

Поля (мм)

верхнее: 6,35

нижнее: 6,35

левое: 6,35

правое: 6,35

Образец

Печатать только данные


Разделение формы

Печатать только форму


Печатать только таблицу

ОК Отмена

Параметры страницы менюси ҳисоботнинг атрофидан **верхнее:** (юқори), **нижнее:** (пастдан), **левое:** (чапдан), **правое:** (ўнгдан) қолдириладиган жойни белгилашда хизмат қилади. **Параметры страницы** менюсидаги **Страница** кўрсаткичининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда, шу меню бошқа кўрсаткичли бўлиб чиқади:




Бу менюда ҳисоботнинг шакли **Книжная** (китоб кўринишида) ёки **Альбомная** (альбом кўринишида) бўлишини, чоп этувчи асбоб ва қоғоз шаклининг танлаш менюлари мавжуд. **Параметры страницы** менюсидан **Колонны** (устун) тугмаси устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда, шу меню экранга бошқа кўрсаткичли бўлиб чиқади:



Параметры страницы менюсидаги кўрсаткичлар, ҳисоботни Колонны ларига ўзгартириш киритишда керак бўлади. Менюдаги ОК тугмаси устига сичқончани кўйиб тугмаси босилганда, экранда чоп этиладиган ҳисобот ҳосил бўлади:

Уй-1

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
SHAYXONTOHUR TUMANI
ZAFAROBOD MAHALLASI



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ
ЗАФАРОБОД МАҲАЛЛАСИ

Манзил: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Зафаробод кўчаси-50уй. Тел:249-90-24
х/р 20212000004002675001 А.Т Халқ банки Шайхонтоҳур ф-ли МФО:00821,ИНН:202915634

Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлақлар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
Ген. Узоқов	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13-14
Ген. Узоқов	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22-22
Ген. Узоқов	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01-00
Шуманай					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99-99
Шуманай					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11-11

"Зафаробод" Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Ташхонов Ш.Қ.

Ҳисобот тайёр уни чоп қилинади. Бунинг учун



Печать

Печать

Предварительный просмотр буйруғидаги тугмаси босилганда, экранга Печать (чоп этиш) менюси чиқади:

Печать

Принтер

имя: Samsung SCX-3400 Series Свойства

состояние: Готов

тип: Samsung SCX-3400 Series

место: USB001

заметки: печать в файл

Печатать

все

страницы с: по:

выделенные записи

Копии

число копий:

разобрать по копиям

11 22 33

Настройка... ОК Отмена

Печать менюсида чоп қиладиган асбобнинг номи, ҳисоботни бетлари ва нусхаси тўғрисида ўзгартиришлар киритиш учун катаклар ажратилган. Ҳисоботни файлга чоп этиш учун **печать в файл** (файлга чоп этиш) тугмасидан фойдаланилади. **ОК** тугмаси босилганда ҳисобот қоғозга чоп этила бошланади. Ҳисобот хотирага сақлаб кўйилади. Бу вазифани такрорлаш шарт эмас.


9-боб. Сортировка (саралаш) ва фильтрни қўллаш

1-§. Числовой фильтрни қўллаш

Бунинг учун **Аҳоли5** номли жадвалдан фойдаланамиз. Уни **Все объекты Access** бўлимидаги **Таблицы** гуруҳидан топиб, устига сичқончани қўйиб, икки марта тугмаси босилса экранда ҳосил бўлади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Лаолифова	Мўштари	53 аёл		1
Юнусов	Иброхим	12 эр		2
Рахимов	Ботир	39 эр		3
Ризаев	Нодир	0 эр		4
Ризаева	Наргиза	34 аёл		5
Мирзабоева	Мўслима	13 аёл		6
Мирзабоева	Нафиса	12 аёл		7
Мирзабоев	Абдулбори	7 эр		8
Абдурахимова	Мўбор	90 аёл		9
Адилова	Мохинисо	70 аёл		10
Адилова	Саида	70 аёл		11

Агар **Аҳоли5** да аввал қўлланилган фильтр бўлса, уни олиб ташлаш керак бўлади. Бунинг учун **ПИ** дан **Дополнительно** (қўшимча) тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Удалить все фильтры** банди танланади. Натижада жадвал ўз ҳолига келади. Кейин рақамли майдонининг бирорта қийматини устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади, ундан **Числовые фильтры** бандининг устида сичқончанинг тугмаси қўйилса, яна рўйхат чиқади: **Равно...**, **Не равно...**, **Меньши...** (кам), **Больше...** (кўп), **Между...** (орасида). Бу рўйхатдан **Больше** банди босилганда, экранга **Настраиваемый фильтр** менюси чиқади:



Настраиваемый фильтр менюсидаги **ёши больше или равно** кўрсаткичининг ёнидаги катакка 13 рақами ёзилиб **ОК** тугмасини босилса, натижа қуйидагича бўлади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Шарифова	Муштари	53	аёл	1
Ризаева	Наргиза	34	аёл	5
Рахимов	Ботир	39	эр	3
Мирзабоева	Муслима	13	аёл	6
Адилова	Саида	70	аёл	11
Адилова	Мохинисо	70	аёл	10
Абдурахимова	Мўбор	90	аёл	9

Натижада **13** ёшда ва ундан катта ёшда бўлган одамлар сони 7 та эканлиги кўриниб турибди. Агар ёши 13дан катта бўлганларни чиқариш учун **Настриваемый фильтр** менюсидаги **ёши больше или равно** кўрсаткичининг ёнидаги катакка 14 рақами ёзилиши керак бўлади. Жадвални яна асли ҳолига келтириш учун **Фильтр** тугмаси босилса кифоя.

Фильтрни олиб ташлаш учун **ПИ** дан **Дополнительно** тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Удалить все фильтры** бандининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса жадвал ўз ҳолига келади.

2-§. Иккита рақам оралиғидаги қийматларни чиқариш фильтри

Бунинг учун **Аҳоли5** жадвалини рақамли майдонининг бирорта қийматининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади, ундан **Числовые фильтры** бандининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, яна рўйхат чиқади: **Равно...**, **Не равно...**, **Меньше...**, **Больше...**, **Между...**. Бу рўйхатдан **Между...** банди босилганда, **Диапазон чисел** (сонлар оралиғида) менюси чиқади:

Унинг катакларига 12 ва 39 рақамлари ёзилади:

Диапазон Чисел менюсидаги шартда 12 ёшдан 39 ёш оралиғидаги ёшларни чиқариш масаласи қўйилди. Менюдаги **ОК**

тугмасини босилганда натижа куйидагича бўлади:



ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Юнусов	Иброхим	32	эр	2
Ризаева	Наргиза	34	аёл	5
Рахимов	Ботир	39	эр	3
Мирзабоева	Нафиса	12	аёл	7
Мирзабоева	Мўслима	13	аёл	6

Натижадан маълумки, улар 5 кишидан иборат экан.


3-§. Бир нечта майдонларга шартлар қўйиш усули

Қуйидаги масала берилган бўлсин: Аҳоли5 жадвалидан 34 ёшли, фамилияси Ризаева бўлган аёлларни **Фильтр** буйруғи ёрдамида топиб, экранга чиқарсин. Бунинг учун сичқончани **ёши** майдонига қўйиб, кейин **ПИ** дан **Дополнительно** тугмасини босилганда экранда рўйхат ҳосил бўлади, Рўйхатдан **Фильтр по форме** бандини босилганда, **Аҳоли5:фильтр** менюси чиқади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код

Аҳоли5:фильтр менюсидаги **ёши** майдонидаги  белгили тугманинг устига сичқончани қўйиб босилса, ёшни белгиловчи рақамлар рўйхати чиқади. Рўйхатдан 34 рақамининг устига сичқончани қўйиб босилса, **ёши** майдонига 34 рақами чиқади. Кейин **Фамилия** майдонига сичқончани қўйиб босилса,  белгили тугма чиқади. Шу тугманинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, экранда фамилиялар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Ризаева** ни танланганда, у **фамилия** майдонида ҳосил бўлади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Ризаева		34		

ПИ дан **Фильтр**  тугмасини босилганда натижа қуйидаги кўринишда чиқади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Ризаева	Наргиза	34 аёл		5


Натижадан маълумки, шартимиз буйича, яъни фамилияси **Ризаева**, ёши **34** га тенг бўлган одам жадвалда битта бўлиб, унинг исми **Наргиза** экан.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, битта майдондаги қийматни кўрсатиб, қолган майдонлардаги қийматларни топиш мумкин. **Аҳоли5** жадвали ўз ҳолига келиши учун **ПИ** дан **Дополнительно** тугмасини босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Удалить все фильтры** кўрсаткичининг устига сичқончани кўйиб, тугмаси босилганда **Аҳоли5** жадвали ўз ҳолига келади.

ПИ даги **Дополнительно** тугмасининг ичидаги **Расширенный фильтр** менюсининг ишлашини кўриб чиқамиз.

Унинг моҳияти шундаки, биргаликда бир неча майдонга шартлар қўйиш ва **Саралаш** буйруғини ҳам қўллаш мумкин. Бунинг учун экранда турган **Аҳоли5** жадвалидан фойдаланамиз.


ПИ дан **Дополнительно** тугмаси босилганда рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Расширенный фильтр** менюсини танланади. Натижада **Аҳоли5фильтр1** менюси ва **Тўлдириш шакли** экранга чиқади:



Тўлдириш шакли:




Тўлдириш шакли ни бўш ҳолга келтирамиз. Бунинг учун **ПИ** дан **Дополнительно** тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Очистить бланк** банди танланганда, **Тўлдириш шакли** бўш ҳолга ўтади.



Тўлдириш шакли га майдонлар туширилади. Бунинг учун **Фамилия**, **ёши**, **ИСМ** ва **Жинси** майдон номларининг устига сичқончани кўйиб, тугмаси икки марта босилса, майдонлар бирин кетин **Тўлдириш шакли** га жойлашади:

Тўлдириш шакли:

Поле:	ФАМИЛИЯ	ёши	ИСМ	Жинси
Сортировка:				
Условие отбора:				
или:				


Саралашда шартларини кўрсатиш учун **Ёши** майдонининг тагига сичқончани қўйсақ  белгили тугма чиқади. Унинг ичида рўйхат бор, Рўйхатдан **по убыванию** банди танланади. **Жинси** майдони ва **Условия отбора** кўрсаткичи каторининг кесишган жойига **Эр** ёки “**Эр**” кўринишда ўзимиз ёзамиз. Натижада **Тўлдириш шакли** қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Поле:	ФАМИЛИЯ	ёши	ИСМ	Жинси
Сортировка:		по убыванию		
Условие отбора:				Эр
или:				

Фи дан **Фильтр**  белгили тугма босилганда экранга натижа чиқади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Рахимов	Ботир	39 эр		3
Юнусов	Иброхим	12 эр		2
Мирзобоев	Абдулбори	7 эр		8
Ризаев	Нодир	0 эр		4
*				

Натижадан хулоса чиқарадиган бўлсак, шартимиз бўйича фақат жинси майдонидаги **Эр** ларни ва **Ёши** майдонидаги қийматларни каттадан кичикка_саралаб чиқарди. Яна қўшимча **Фамилия** ва **исм** майдонидаги қийматларни ҳам чиқарди, улар 4 кишидан иборат экан. Яна битта мисол. **Аҳоли5Фильтр1** номли ҳисоботни олдинги ҳолатига келтирилади. Бунинг учун **Аҳоли5Фильтр1** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланса **Сохранение в виде запроса** (сўров кўринишида сақлаш) менюси чиқади:



Менюдаги **Запрос2** номини **Аҳоли5Фильтр1** га ўзгартириб **ОК** тугмаси босилади. Натижада Тўлдириш шакли қуйидаги кўринишда чиқади:

Поле:	ёши	Жинси		
Сортировка:	по убыванию			
Условие отбора:		"Эр"		
или:				

ПИ дан **Дополнительно** тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Очистить бланк** (тўлдириш шаклини тозалаш) банди танланса, **Тўлдириш шакли** бўш ҳолга ўтади:

Поле:	
Сортировка:	
Условие отбора:	
или:	

Тўлдириш шаклида **Или:** (ёки) кўрсаткичи иштирок этади. Унинг вазифаси қуйидагича бўлади: биринчиси топилмаса, иккинчиси топилсин деган маънони билдиради. Агар **Исм** майдонига шарт қўйиладиган бўлса, масалан **Аҳоли5** жадвалидан **Ботир** ни ёки **Нодир** ни топиб бер деб. **Ботирни Условия отбора** (танлаш шарти) қатори билан **Исм** майдонининг кесишган катакда, **Нодир** ни эса **или:** қаторининг тагида ёзилади. Компьютер олдин **Ботир** ни қидиради агар топилмаса, у ҳолда **Нодир** ни излашга тушади. **Тўлдириш шакли** экранда қуйидаги кўринишда ҳосил бўлади:

Поле:	ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	жинси
Сортировка:				
Условие отбора:		"Ботир"		
или:		"Нодир"		

ПИ дан **Фильтр** белгили тугма босилганда натижа қуйидаги кўринишда экранга чиқади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Рахимов	Ботир	39 эр		3
Ризаев	Нодир	0 эр		4

Натижадан маълумки, яъни **Аҳоли5** жадвалида **Ботир** ва **Нодир** исмли иккита одам бор экан. Натижани хотирага сақлаб қўйилади.

10-боб. SQL тили

1-§. Сўровни ташкил қилувчи SQL тили

SQL (Structurid Quere Language) ёрдамида маълумотлар омборига кириб ҳар хил сўровларни бажариши мумкин.

SQL СУБД (маълумотлар омборини бошқариш тизими **МОБТ**) лар **MS Access, Oracle, MySQL Server, Sybase, DB2** ва **Informix** лар билан ишлаши мумкин. **SQL** ёрдамида мураккаб сўровларни амалга ошириш мумкин.

SQL куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Маълумотлар омбори (**МО**) ни чақиришни таъминлайди.
2. У компьютер тили бўлиб **ANSI** (Америка миллий стандартлар институти) стандартига асосланган.
3. **МО** га сўровни юбориши мумкин.
4. **МО** дан маълумотларни чиқариши мумкин.
5. **МО** га янги маълумотларни киритиши мумкин.
6. **МО** даги маълумотларни олиб ташлаши мумкин.
7. **МО** даги маълумотларни янгиллаши мумкин.

SQL нинг кўп қўлланиладиган буйруғлари **SELECT, FROM** ва **WHERE** лардан иборат.

SELECT нинг вазифаси сўровни амалга оширади. **SELECT** да сўралмоқчи бўлган майдонларнинг рўйхати кўрсатилади.

FROM нинг вазифаси: У **SELECT** дан кейин ёзилади ва **SELECT** даги майдонларнинг манбаъсини, яъни жадвал ва сўровлар рўйхатини кўрсатади.

FROM даги жадваллар сони биттадан кам бўлмаслиги шарт.

SELECT ва **FROM** да майдонларнинг номини ёзишда пробеллар (бўш жой) ёки ҳар хил белгилар бор бўлса, майдонни тўғри бурчакли қавсга олиш керак бўлади.

UNION нинг вазифаси: у иккита **SELECT** нинг натижаларини бир-бирига қўшади, яъни **UNION** дан олдинги **SELECT** нинг натижаси ундан кейинги **SELECT** нинг натижасига қўшилади.

WHERE нинг вазифаси сўровни амалга ошираётганда шартларни кўрсатиш учун.

Калитли сўз **ALL** нинг вазифаси куйидагилардан иборат:

1. Сўровларни қўшиш вақтида майдонда бир хил сонлар учраса, натижадан олиб ташланмайди.
2. Сўровни тезлаштиради, чунки бўш ёки такрорланаётган қаторларнинг борлигини текширмайди.


SQL ёрдамида сўровларнинг бажарилишини кўриб

чиқамиз

Аҳоли1 жадвалидан бирорта майдондаги қийматларни чиқаришни кўриб чиқайлик. Жадвалнинг кўриниши экранда қуйидагича бўлади:


ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Шарифова	Муштари	53	аёл	1
Юнусов	Иброхим	12	эр	2
Рахимов	Ботир	39	эр	3
Ризаев	Нодир	0	эр	4
Ризаева	Наргиза	34	аёл	5
Мирзабоева	Муслима	13	аёл	6
Мирзабоева	Нафиса	12	аёл	7
Мирзабоев	Абдулбори	7	эр	8
				9

Қуйидаги масала берилган бўлсин. Жадвалдан **фамилия** ва **ёши** майдонини танлаб, уни экранга чиқарсин. Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор запросов** танланса, бирорта номли билан бўш экран, **Тўлдириш шакли** ва **Добавление таблицы** менюси чиқади:




*Эслатма. **Добавление таблицы** менюсида файллар рўйхати кўп бўлганлиги учун унинг қисқартирилган варианты кўрсатилди.*

Менюдан **Аҳоли1** жадвалининг устига сичқончани қўйиб, икки марта босилса, у майдонлари билан бўш экранга ўтади. Унинг кўриниши қуйидагича:




Добавить таблицы менюси Закрывать тугмаси ёрдамида ёпилади ва Аҳоли1 жадвалидаги Фамилия ва Ёши майдонларнинг Тўлдириш шакли га ўтказилади. Бунинг учун ўтказиланган майдонларнинг устига сичқончани қўйиб, бирин кетин икки марта босилса, улар Тўлдириш шакли га ўтади. Унинг кўриниши экранда қуйидагича бўлади:

Тўлдириш шакли:



Шаклдаги сўров дастурини SQL ҳолатида кўриш учун сичқончани Запрос2 нинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Ундан Режим SQL ни танлаганда Запрос2ни кўриниши қуйидагича чиқади:



Создание буйруғидаги Конструктор буйруғидан Выполнить тугмаси босилса, натижа экранга қуйидагича чиқади:

ФАМИЛИЯ	ёши
Шарифова	53
Юнусов	12
Рахимов	39
Ризаев	0
Ризаева	34
Мирзобоева	13
Мирзобоева	12
Мирзобоев	7

Натижадан маълумки, биз қўйган шарт бажарилди. Навбатдаги мисолимизда WHERE буйруғининг қўлланилишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун Запрос2 нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси

босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим SQL** танланади. Тузилган дастурга **WHERE** қўшилади ва унинг ёнига ёши>12 шарти ёзилади. **Запрос2** нинг кўриниши қуйидагича:

```
Запрос2
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши
FROM АҲОЛИ1
WHERE ёши>12;
```

Дастурдаги **FROM Аҳоли1** дан кейин қўйилган” ;” белгини **WHERE** ёши>12 нинг ёнига қўчирилади, чунки **SQL** ҳолатида ҳар бир дастур ” ;” белги билан тугатилади.

ПИ дан **Конструктор** буйруғидаги **Выполнить** тугмаси устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса натижа қуйидагича чиқади:

ФАМИЛИЯ	ёши
Шарифова	53
Рахимов	39
Ризаева	34
Мирзобоева	13
*	

Натижадан маълумки, **Ёши** майдонининг қийматлари 12 ёшдан катта бўлганларини чиқарди. Шу каби қўйилаётган мақсадга қараб ҳар хил шартларни исталган майдонга қўйиш мумкин.

Аҳоли1 жадвалидаги жинси майдони бўйича қийматларнинг умумий йиғиндисини ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

Бунинг учун **Запрос2** ни **Режим таблицы** ҳолатидан **SQL** ҳолатига ўтказиш керак. **Запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим SQL** банди босилса, олдинги тузилган дастур экранга чиқади:

```
Запрос2
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши
FROM АҲОЛИ1
WHERE ёши>12;
```


Дастурни ўчириб, ўрнига қуйидагилар ёзилади:

```
SELECT COUNT([жинси])
FROM Аҳоли1;
```

Запрос2 да дастурнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

```
Запрос2
SELECT COUNT([жинси])
FROM АҲОЛИ1;
```


ПИ даги **Конструктор** буйруғидаги **Выполнить** тугмасининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилганда, натижа экранга қуйидаги кўринишда чиқади:



Демак, **Аҳоли1** жадвалидаги **жинси** майдонида 8 қиймат бор экан. Дастурдаги **COUNT** статистик функция бўлиб, у кўрсатилган майдон бўйича умумий йиғиндисини ҳисоблайди. Шунга ўхшаш бошқа статистик функциялар ҳам бор: **SUM**, **AVG**, **MIN**, **MAX**, **FIRST**, **LAST** ва бошқалар.

Натижани олишда **Статистик функция** дан фойдаланадиган ва натижани олишда бирорта шарт кўядиган бўлсак, у ҳолда **WHERE** буйруғидан фойдаланиб бўлмайди. Унинг ўрнига **HAVING** буйруғини қўллаш мумкин.


Бунинг учун **Запрос2** ни **Режим таблицы** ҳолатидан **SQL** ҳолатига ўтказиш керак бўлади. Бунинг учун **Запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим SQL** банди босилса, олдинги тузилган дастур экранга чиқади:



Дастурни ўчириб, ўрнига қуйидагилар ёзилади:

```
SELECT COUNT([ёши])
FROM Аҳоли1
HAVING ([ёши])>1;
```

Дастурнинг кўриниши экранда қуйидагича бўлади:




ПИ дан **Коструктор** буйруғидаги **Выполнить** тугмаси устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, натижа экранга қуйидагича чиқади:



Агар **Аҳоли1** жадвалидаги **ёши** майдонини кўрадиган бўлсак, ундаги қийматлар сони 7.

Дастурнинг иккинчи варианти қуйидагича бўлиши мумкин:




Запрос2 номли ҳисоботдаги **Expr1000** нинг ўрнига **йиғиндиси** сўзи чиқади:




Сўровнинг Ёши майдонида шарт қўйилган ҳолда ташкил қилишни кўриб чиқамиз

Шарт 7 ёшдан катта бўлсин ва бир хил қийматлиларни гуруҳласин.


Бунинг учун сичқончани ҳисоботнинг номи **Запрос2** нинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **SQL** банди босилса, олдинги дастур **SQL** ҳолатида чиқади:



Юқорида қўйилган масалани ечиш учун **Запрос2** даги олдинги дастурни ўчириб, қуйидаги кўринишга келтирилади:



ПИ дан **Коструктор** буйруғидаги **Выполнить** тугмаси босилса, натижа қуйидагича чиқади:



ёши
12
13
34
39
53

Натижа шуни кўрсатадики, **Аҳоли1** даги **Ёши** майдонидаги 7 ёш тушиб қолди ва 12 ёшлилар иккита эди. Уни гуруҳлади, яъни уни бир марта кўрсатди. Агар жадвалда 8, 9, 10, 11 ёшлилар бўлганда улар ҳам чиқарди.

Аҳоли1 жадвалидаги ёши майдонида қуйидаги шартлар бўйича сўров амалга оширилсин


Шартлари: ёши 7 ёшдан катта бўлсин, гуруҳласин ва гуруҳ бўйича суммасини йиғсин. Дастури қуйидагича. Бунинг учун сичқончани ҳисоботнинг номи **Запрос2** нинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **SQL** банди босилса, дастур олдинги ҳолатида чиқади:

```
Запрос2
SELECT ([ёши])
FROM АҲОЛИ1
WHERE ([ёши])>7
Group By ([ёши]);
```

Юқорида кўйилган масалани ечиш учун **Запрос2** даги дастурни қуйидаги кўринишга келтирилади:

```
Запрос2
SELECT Sum ([ёши])
FROM АҲОЛИ1
WHERE ([ёши])>7
Group By ([ёши]);
```

ПИ даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** тугмаси босилса, натижаси қуйидагича чиқади:



Expr1000
24
13
34
39
53

Аҳоли1 номли жадвалда 12 ёшли иккита эди. Уни гуруҳга ажратди ва йиғиндисини ҳисоблади (24), 7 ёш эса шартимиз бўйича тушиб қолди. Жадвалда 8, 9, 10, 11 ёшлилар бўлганда, улар ҳам чиқар эди. Жадвалда 13, 34, 39, 53 ёшлилар биттадан иборат бўлганлиги учун, уларни гуруҳламади. Бу дастурда **WHERE** буйруғининг ўрнига **HAVING** буйруғини қўлланилди, чунки дастурда, **SELECT** да **SUM** статистик функцияси бор эди.

Эслатма. **HAVING** буйруғи **WHERE** буйруғига ўхшаб ишлайди, лекин у статистик маълумотлар учун ишлайди.


2-§. Танлов сўровларини кўшиш

2 хил манбадаги бир жуфт ёзувнинг якка ёзув бўлиши учун **Объединение** (кўшиш) буйруғидан фойдаланиш мумкин.


Иккита сўровни кўшишни кўрамиз. **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор запросов** тугмаси босилади. Натижада бирорта ном билан бўш экран, **Тўлдириш шакли** ва **Добавление таблицы** менюси чиқади:

```
Запрос3
```


Тўлдириш шакли:



Добавление таблицы менюсида жадваллар рўйхати жойлаштирилган. Биз қайси жадвалдан фойдаланадиган бўлсак, ўшани олиб экранга ташланади. Ташлаш учун **Аҳоли1** жадвални танлаб сичқонча тугмаси икки марта босилса, жадвалдаги майдонларнинг рўйхати бўш майдонга ўтади. Шундан сўнг **Добавление таблицы** менюси **Закреть** тугмаси ёрдамида ёпилади:




Жадвалдан керакли майдонларни танлаб, яъни **Фамилия** ва **ёши** майдоннинг устига сичқончани қўйиб, бирин кетин икки марта босилса, майдонлар (жадвали ва майдоннинг номи) **Тўлдириш шакли** га жойлашади. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Навбатдаги ишимиз **SQL** ҳолатига ўтиш. Бунинг учун **Запрос3** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмасини босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **SQL** бандини танланса, **Запрос3** ни кўриниши қуйидагича бўлади:

```
Запрос3
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши
FROM АҲОЛИ1;
```



Запрос3 ни **Ctrl+C** ёрдамида сақланади. **Конструктор** буйруғидан **Объединение** тугмаси босилади. Экранимиз бўш ҳолга ўтади ва **Ctrl+V** ёрдамида сақлаганимизни яна қўямиз. **Запрос3** ни хотирага сақлаб қўямиз. Бунинг учун **Запрос3** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланса, **Сохранение** менюси хотирага ёзиб қўйиш таклифи билан чиқади:



Менюдан **OK** тугмаси босилади. Навбатда **Аҳоли4** номли жадвал чиқарилади. Бунинг учун **ПИ** даги **Создание** буйруғидан **Конструктор запросов** тугмасини босилса, бирорта ном билан бўш экран, **Тўлдириш шакли** ва **Добавление таблицы** менюси чиқади:




Тулдириш шакли:




Добавление таблицы менюсида жадваллар рўйхати жойлаштирилган. Биз қайси жадвалдан фойдаланадиган бўлсак, ўшани олиб экранга ташланади. Ташлаш учун **Аҳоли4** жадвалнинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилса, жадвалдаги

майдонларнинг рўйхати бўш майдонга ўтади. Шундан сўнг **Добавление таблицы** менюсини **Закреть** тугмаси ёрдамида ёпилади. **Запрос5** нинг кўриниши экранга қуйидагича чиқади:




Жадвалдан керакли майдонларни танлаб, яъни **Фамилия** ва **Ёши** майдоннинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси бирин кетин икки марта босилса, майдонлар (жадвали ва майдоннинг номи) **Тўлдириш шакли** га жойлашади. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади:


Тўлдириш шакли:



Навбатдаги ишимиз **SQL** ҳолатига ўтиш. Бунинг учун **Запрос5** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмасини босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **SQL** банди танланса, **Запрос5** нинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Запрос5 номли жадвал хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Запрос5** нинг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди танланса, **Сохранение** менюси хотирага ёзиб қўйиш таклифи билан чиқади:



Менюдан **OK** тугмаси босилади.


FROM АҲОЛИ4; ёзувининг охиридаги; (точка вергул) белгисини ўчирамиз ва **Enter** тугмаси босилса, сичқонча бир пағона

пастга тушади. Янги қаторга **UNION ALL** буйруғи қўшиб қўйилади. **Запрос5** нинг кўриниши қуйидагича бўлади:




```
SELECT АҲОЛИ4.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ4.ёши
FROM АҲОЛИ4
UNION ALL
```

Навбатдаги ишимиз **Запрос3** даги дастурни **Запрос5** дастурга қўшишдан иборат. Бунинг учун **Запрос3** нинг устига сичқончани қўйиб босилса, дастур шу ном билан экранга чиқади:




```
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши
FROM АҲОЛИ1;
```

Уни аввал сичқонча тугмаси ёрдамида белгиланганда, қорага бўялади. Кейин клавиатурадан **CTRL+C** тугмаларни босиб, сақлаб қўйилади. **Запрос5** дастурининг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, шу номи билан экранга чиқади:



```
SELECT АҲОЛИ4.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ4.ёши
FROM АҲОЛИ4
UNION ALL
```

Энди сақлаб қўйган **Запрос3** номли дастурни, **Запрос5** дастурини давомига **CTRL+V** тугмалари ёрдамида ёзиб қўйилади. **Запрос5** дастурининг кўриниши қуйидагича бўлади:



```
SELECT АҲОЛИ4.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ4.ёши
FROM АҲОЛИ4
UNION ALL
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши
FROM АҲОЛИ1;
```

ПИ даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** тугмасини босилганди экранда натижа чиқади:



ФАМИЛИЯ	ёши
Шарифова	53
Юнусов	12
Рахимов	39
Ризаев	0
Ризаева	34
Мирзабоева	13
Мирзабоева	12
Мирзабоев	7
Абдурахимов	90
Адилова	70
Адилова	70
Шарифова	53
Юнусов	12
Рахимов	39
Ризаев	0
Ризаева	34
Мирзабоева	13
Мирзабоева	12
Мирзабоев	7

Запрос5 нинг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, **Режим SQL (SQL ҳолати)** да дастур чиқади:

```

Запрос3  Запрос5
SELECT АҲОЛИ4.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ4.ёши
FROM АҲОЛИ4
UNION ALL
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши
FROM АҲОЛИ1;

```

Агар натижадаги қийматлар қайси жадвалдан олинганлигини кўрмоқчи бўлсак, **Запрос5** дастуридаги биринчи **SELECT** буйруғининг давомига **“Аҳоли4” AS tupe**, иккинчи **SELECT** буйруғининг давомига **“Аҳоли1” AS tupe** ёзилганда дастурнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

```

Запрос3  Запрос5
SELECT АҲОЛИ4.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ4.ёши, "АҲОЛИ4" AS tupe
FROM АҲОЛИ4
UNION ALL
SELECT АҲОЛИ1.ФАМИЛИЯ, АҲОЛИ1.ёши, "АҲОЛИ1" AS tupe
FROM АҲОЛИ1;

```

ПИ даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** тугмасини босилганда экранга натижа чиқади:

ФАМИЛИЯ	ёши	tupe
Шарифова	53	АҲОЛИ4
Юнусов	12	АҲОЛИ4
Рахимов	39	АҲОЛИ4
Ризаев	0	АҲОЛИ4
Ризаева	34	АҲОЛИ4
Мирзабоева	13	АҲОЛИ4
Мирзабоева	12	АҲОЛИ4
Мирзабоев	7	АҲОЛИ4
Абдурахимов	90	АҲОЛИ4
Адилова	70	АҲОЛИ4
Адилова	70	АҲОЛИ4
Шарифова	53	АҲОЛИ1
Юнусов	12	АҲОЛИ1
Рахимов	39	АҲОЛИ1
Ризаев	0	АҲОЛИ1
Ризаева	34	АҲОЛИ1
Мирзабоева	13	АҲОЛИ1
Мирзабоева	12	АҲОЛИ1
Мирзабоев	7	АҲОЛИ1
		АҲОЛИ1

Юқоридаги дастурдан бир нечта жадвалдаги маълумотларни бир бутун қилишда, яъни битта жадвалга жамлашда фойдаланиш мумкин. **Запрос3** ва **Запрос5** лар хотирага ёзиб кўйилган, фақат уларни ёпиб кўямиз. Бунинг учун **Запрос5** нинг устига сичқончани кўйиб, ўнг

тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть все** банди танланса, **Запрос3** ва **Запрос5** лар **Все объекты Access** бўлимидан жой эгаллайди. Экран эса бўш ҳолга ўтади. **Запрос3** ва **Запрос5** лардан яна фойдаланиш учун иккаласини бўш ҳолга келтирамиз. Бунинг учун **Запрос3** нинг номини **Объединение Запрос3** га, **Запрос5** ни эса **Объединение Запрос5** га ўзгартирамиз. Ўзгартириш услубини биз кўрсатмадик, чунки уни сиз биласиз.

11-боб. Файлларни экспорт ва импорт қилиш

1-§. Access дан файлни Excel га экспорт қилиш

Access файлларини, яъни **Жадвал, Сўров, Ҳисобот** ва **Шакл** ларни экспорт қилиш қоидаси қуйидагича бўлади. Масалан, экспорт қилинадиган файл **Аҳоли5** жадвални қуйидаги экранга чиқарилади:

ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
Шарифова	Муштари	53	аёл	1
Юнусов	Иброхим	12	эр	2
Рахимов	Ботир	39	эр	3
Ризаев	Нодир	0	эр	4
Ризаева	Наргиза	34	аёл	5
Мирзобоева	Муслима	13	аёл	6
Мирзобоева	Нафиса	12	аёл	7
Мирзобоев	Абдулбори	7	эр	8
Абдурахимова	Мўбор	90	аёл	9
Адилова	Мохинисо	70	аёл	10
Адилова	Саида	70	аёл	11



ПИ дан **Внешние данные** буйруғидаги **Экспорт** гуруҳидан **Excel** тугмасининг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилади. Натижада экранга **Экспорт-Электронная таблица** (электрон жадвал) **Excel** менюси чиқади:

Экспорт - Электронная таблица Excel

Выберите место назначения для экспортируемых данных

Укажите имя и формат целевого файла.

Имя файла: C:\Users\SEVEN\Documents\АХОЛИ5.xlsx Обзор...

Формат файла: Книга Excel (*.xlsx)

Укажите параметры экспорта.


Экспортировать данные с макетом и форматированием.
Выберите этот параметр для сохранения сведений о форматировании и макете при экспорте таблицы, запроса, формы или отчета.

Открыть целевой файл после завершения операции экспорта.
Выберите этот параметр для просмотра результатов операции экспорта. Параметр доступен только при экспорте форматированных данных.


Экспортировать только выбранные записи.
Выберите этот параметр для экспорта только выбранных записей. Параметр доступен только при экспорте форматированных данных и наличии выбранных записей.


ОК Отмена



Экспорт-Электронная таблица Excel менюсидаги **Имя файла:** номли катакда экспорт қиланадиган файл кўрсатилган. **Укажите параметры экспорта** (экспорт кўрсаткичларини кўрсатинг) кўрсаткичининг тагидаги **Экспортировать данные с макетом и форматированием** (маълумотни макети ва формати билан экспорт қилиш) кўрсаткичининг олдидаги белги ёқиб қўйилади ва **Обзор...**(кўриб чиқиш) тугмаси босилса, куйидаги **Сохранение файла** менюси ҳосил бўлади:



Сохранение файла (файлни сақлаш) менюсида, яъни **Имя файла:** кўрсаткичининг катагида экспорт қилинадиган файлнинг **Ахоли5** номи кўрсатилган. **Сохранить** тугмаси босилса, **Экспорт-Электронная таблица Excel** менюси ҳосил бўлади:




Экспорт-Электронная таблица Excel менюсидаги **Открыть целевой файл** после завершения операции экспорта (экспорт амалидан сўнг мақсадли файли очиш) кўрсаткичи олдидаги тугмани ёқиб қўйилади ва **Ок** тугмачаси босилганда натижа **Excel** тизими кўринишида бўлиб, қуйидаги менюдаги  белгили тугманинг ичига жойлашади.



	А	В	С	Д	Е
1	ФАМИЛИЯ	ИСМ	ёши	Жинси	Код
2	Шарифова	Муштари	53	аёл	1
3	Юнусов	Иброхим	12	эр	2
4	Рахимов	Ботир	39	эр	3
5	Ризаев	Нодир	0	эр	4
6	Ризаева	Наргиза	34	аёл	5
7	Мирзабоева	Муслима	13	аёл	6
8	Мирзабоева	Нафиса	12	аёл	7
9	Мирзабоев	Абдулбори	7	эр	8
10	Абдурахимова	Мўбор	90	аёл	9
11	Адилова	Мохинисо	70	аёл	10
12	Адилова	Саида	70	аёл	11


Жойлашиш жараёнида **Экспорт-Электронная таблица Excel** менюси экранда ҳосил бўлади:




Юқоридаги менюда экспорт қилинган маълумот, яъни **успешно завершен** (тўғри бажарилди) ёзуви чиқади. **Экспорт-Электронная таблица Excel** менюсидаги **Сохранить шаги экспорта** (экспорт қилиш йўлини сақлаш) кўрсаткичининг олдидаги тугма ёқиб қуйилади ва **Закрыть** тугмасини босилади.

2-§. Excel дан файлни Access га импорт қилиш


Excel да экспорт қилинган жадвали бор. Уни энди импорт, яъни унинг нусхаси **Access** га ўтказилади. Бунинг учун **ПИ** даги **Внешние данные** (ташқи манбаъадаги маълумот) буйруғидан **Excel** белгили тугма босилса, натижада экранга **Внешние данные-Электронная таблица Excel** менюси чиқади:




Excel даги электрон жадвал Access нинг MO да йўқ деб фараз қиламиз. Менюдан **Импортировать данные источника в новую таблицу в текущей базе данных** (маълумотлар манбаасини янги жорий MO га жойлаштириш) ёзувининг олдидаги тугмани ёқиб қўямиз ва **Обзор...** тугмаси босилса, экранда куйидаги меню ҳосил бўлади:




Открытие файлы (очик файллар) менюсидан **Ахоли5** файлини танлаб **Открыть** тугмаси босилса, **Внешние данные-Электронная таблица Excel** менюси чиқади:




Менюдан **ОК** тугмачаси босилганда **Импорт электронной таблицы** (электрон жадвални импорт қилиш) менюси чиқади:




Менюдаги жадвалнинг биринчи қаторидаги **Фамилия, Исм, Ёши** ва **Жинси** ёзувлари сарлавҳа ҳисобланади. **Импорт электронной таблицы** менюсидан **Далее>** тугмаси босилса, экранга қуйидаги меню чиқади:




Электрон жадвал даги кўрсаткичларни бирма-бир кўриб чиқамиз. Бунинг учун сичқончани кўрсаткичлар тагидаги қийматларнинг устига қўйиб бажарилади. Биринчи кўрсаткични компьютернинг ўзи танлайди. Биз эса уни давом эттирамиз. Менюдан **Далее>** тугмаси босилганда **Импорт электронной таблицы** номли меню чиқади:



Менюдан **Автоматически создать ключ** (калитни автоматик равишда яратиш) тугмаси ёқилмаган бўлса, унинг олдидаги тугмани ёқиб кўямиз. Менюдан **Далее>** тугмачаси босилса, **Импорт электронной таблицы** менюси ҳосил бўлади:




Бу экранда биз импорт қиладиган **Аҳоли5** номли жадвал кўрсатилган лекин бу номли жадвал **Access** да бор. Шунинг учун унинг номини **Аҳолиб-импорт** га ўзгартирамиз ва **Готово** тугмаси босилса, **Внешние данные-Электронная таблица Excel** номли меню чиқади.




Внешние данные-Электронная таблица Excel менюсида электрон жадвали тўлиқ импорт қилинганлиги тўғрисида хабар (“Аҳолиб-импорт” завершён) ёзилди. Менюдаги **Закрыть** тугмаси босилганда **Аҳолиб-импорт** номли жадвал **Все объекты Access** бўлимидаги **Таблицы** гуруҳидан жой эгаллайди.

3-§. Access файлини электрон почта орқали экспорт қилиш


Маълумотларни EXCEL, TXT-блокнот файл, XML файл, HTML, PDF ёки XPS форматларда ва яна МО дан МО га (ACCESS дан-ACCESS га), WORD, SHARE POINT, SQL SERVER ва бошқа жойларга экспорт қилиш имкони мавжуд. Маълумотларни **Электрон почта** орқали экспорт қилиш учун **Access** форматидаги жадвални ёки сўровни ёки бошқаларни **Excel** га экспорт қилиб, кейин **Электрон почта** орқали жўнатилади. Ишни бошлашдан аввал жўнатиладиган файлни **Все объекты Access** бўлимидан топиб устига сичқончани кўйиб тугмаси босилади. Кейин **ПИ** даги **Внешние данные** буйруғидаги экспорт гуруҳидан **Excel** тугмасини босилганда **Экспорт- Экспорт-Электронная таблица Excel** менюси чиқади:




Экспорт-Электронная таблица Excel менюси чиқади:




Менюдаги **Имя файла:** га электрон почта орқали жўнатиладиган файлинг номини ёзамиз, **Формат файла:** га форматини ёзамиз ва **Экспортировать данные с макетом и форматированием** ни олдидаги тугмачани ёқиб **OK** тугмасини босилса, экранга **Экспорт-Электронная таблица Excel** менюси чиқади:





Менюдаги **Экспортировать данные с макетом** ва **Открыть целевой файл** после завершения операции экспорта номли тугмаларни ёқиб **ОК** номли тугма босилганда **Microsoft Access** номли меню чиқади:



Менюда **Аҳоли1.xlsx** номли файл **Excel** тизимида мавжуд, шу сабабли уни борлигини тасдиқлаш таклифи чиқади. Менюдаги **Да** тугмаси босилганда **Аҳоли1** номли файл **Excel** тизимида ҳосил бўлади:




Экраннинг қуйи қисмида жойлашган  номли тугмани босилса, **Экспорт-Электронная таблица Excel** номли меню чиқади:



Менюда экспорт таблицы: жараёни тўғри бажарилди деган маълумот чиқади, агар жараёнда ҳатолик бўлмаса.

Менюдаги **Закреть** тугмаси босилганда экран бўш ҳолга ўтади.

Экраннинг қуйи қисмидаги  номли тугмани босилганда, Excel тизимида **Аҳоли1** номли файл (жадвал) чиқади:



	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N	O
1	ФАМИЛИЯ	ИСМ	Ёши	Жинси	Код										
2	Шарифова	Муштар	53	аёл	1										
3	Юнусов	Иброхим	12	эр	2										
4	Рахимов	Ботир	39	эр	3										
5	Ризаев	Нодир	0	эр	4										
6	Ризаева	Наргиза	34	аёл	5										
7	Миразбоева	Муслима	13	аёл	6										
8	Миразбоева	Нафиса	12	аёл	7										
9	Миразбоев	Абдулбори	7	эр	8										
10					9										

Энди Excel файлини электрон почта орқали жўнатиш мумкин. Бунинг учун **Интернет браузер** тизимига кириб ундан масалан **Google Chrome** орқали почтага кирамиз. Почтага кириш учун **Интернет** тизими ёқилган бўлиши шарт. **Google Chrome** нинг кўриниши экранда қуйидагича:



Масалан Gmail: <https://accounts.google.com>

<https://accounts.google.com/ServiceLogin/identifier?elo=1&flowName=GlifWebSignIn&flowEntry=Ad>

Google

Вход

Используйте аккаунт Google

Телефон или адрес эл. почты

Забыли адрес эл. почты?

Работаете на чужом компьютере? Включите гостевой режим. Подробнее...


Создать аккаунт

Далее


Менюдаги **Телефон или адрес эл. почты** номли ёзувнинг тагига **Электрон почта** номини ёки **телефон рақамини** ёзиб **Далее** тугмаси босилганда, **Google** номли меню чиқади:




Менюдаги **Введите пароль** номли ёзувнинг тагига **электрон почта** нинг **пароли** ни ёзиб, **Далее** номли тугмани босилганда, экранга **MGmail. Входящие** номли меню чиқади:



Менюдан **Написать** сўзини топиб, **сичқончанинг** тугмаси босилганда **MGmail. Написать письмо** номли меню чиқади:




Менюдаги **Кому:** номли ёзувнинг давомига почтани қабул қиладиган шахснинг почта номини ёзинг. **Тема:** номли ёзувнинг давомига жўнатиладиган ҳужжатнинг қисқача мазмуни ёзилади. Кейин менюдаги **Выберите файл** номли ёзувни топиб, устига сичқончани кўйиб тугмаси босилганда **Открыть** номли меню чиқади:



Менюда маълумотлар (**ҳужжатлар, жадваллар ва бошқа файллар**) рўйхати чиқиши мумкин. Электрон почта орқали жўнатиладиган маълумотни топиб, яъни **Аҳоли1** номли жадвалнинг

устига сичқончани қўйиб, **Открыть** номли тугмани босилганда яна олдинги меню чиқади:




Менюдан **Отправить** тугмасини топиб сичқончани тугмаси босилганда, **жўнатилган маълумот** қабул қилувчи шахсинг электрон почта сида ҳосил бўлади.

12-боб. Жадвалга расмлар жойлаштириш, макрос ва тугмали шакл тузиш


1-§. Жадвалга расмлар жойлаштириш

Экран бўш ҳолга келтирилади.



ПИ даги **Создание** буйруғидан **Таблица** тугмаси босилса, бирорта ном билан қуйидаги бўш жадвал ҳосил бўлади:



ПИ даги **Режим** тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Конструктор** банди танланганда **Сохранение** менюсида жадвал бирорта рақамли **Таблица1** бўлиб чиқади:




Сохранение менюси **Таблица1** номини ўзгартириб, хотирага сақлаб қўйиш таклифи билан чиқади. Менюдаги **Таблица1** номини **Расмли жадвал** номига ўзгартириб **ОК** тугмаси босилганда, **Расмли жадвал** номи жадвал чиқади:




Расмли жадвал номи жадвалдаги **Код** кўрсаткичининг ўрнига, яъни **Имя поле** устунининг биринчи қаторига **Расм** номи майдон ва иккинчи қаторига **Хужжатлар** номи майдон ёзилади. Чунки жадвалнинг майдонларига расм ва хужжатлар жойлаштирилади. **Счетчик** кўрсаткичининг ўрнига, яъни **Тип данных** устунининг **Расм** қаторига **Поле объекта ОЛЕ** кўрсаткичи ва **Хужжатлар** қаторига **Вложение** кўрсаткичи, белгили тугманинг ичидаги рўйхатдан сичқонча тугмаси босиб чиқарилади. Жадвал **Расмли жадвал** қуйидаги кўринишда чиқади:

Имя поля	Тип данных
Расм	Поле объекта OLE
Хужжатлар	Вложение


Тўлдирилган жадвал **Конструктор** ҳолатида эди. Энди уни **Таблица** ҳолатига ўтказилади. Бунинг учун **ПИ** даги **Режим** тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Режим таблицы** банди танланганда, **Microsoft Access** менюси жадвални хотирага ёзиб қўйиш таклифи билан экранга чиқади:



Microsoft Access менюдан **Да** тугмача босилса, жадвалнинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Сичқончани **Расмлар** сўзининг тагидаги кататка қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Вставить объект...** банди босилганда **Microsoft Access** менюси бошқа кўрсаткичли бўлиб чиқади:




Менюнинг шарти қуйидагича: агар жадалнинг майдонида қўйилган расмлар янги чизилган бўлса, **Создать новый** (янги тузиш) тугмаси ёқилади. Агар расмлар тайёр бўлса, **Создать из файла** тугмаси ёқиб қўйилади. Расмлар чизилган ва улар **расм** номига файлга жойлаштирилган. **Файл** эса компьютернинг **Библиотека "Документы"** менюсида расмлар бор бўлганлиги учун **Создать из**


файла тугмаси ёқилганда, **Microsoft Access** менюси бошқа кўрсаткичи бўлиб чиқади:




Microsoft Access менюдаги **Обзор...** кўрсаткичи танланганда **Обзор** номли меню чиқади:





Обзор менюсидаги **Библиотека “Документы”** бўлимининг тагидаги рўйхатдан **gasm** номли файлниги устига сичқончани кўйиб тугмаси босилса, **Открыть** тугмасининг ўрнида бошқача **Открыть** тугмаси ҳосил бўлади:





Менюдан **Открыть** тугмаси босилганда, **Обзор** номли меню бошка кўрсаткичли бўлиб чиқади:





Менюдаги **rasm** номли файлда, чизилган расмларнинг номи кўрсатилган. Улар иккита: **Penquins, Tulips**. **Обзор** номли менюни ёпамиз. Бунинг учун менюдаги  белгили тугманинг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилганда, экранга **Microsoft Access** менюси чиқади:




Бу менюни ҳам  белгили тугма ёрдамида ёпилганда, экранга **Расм**ли жадвал номли жадвал чиқади:




Жадвалдаги  белгининг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса рўйхат чиқади, ундан **Управление вложениями...** (кўшиладиган маълумотларни бошқариш) банди танланганда **Вложения** (кўшиш) менюси чиқади:




Вложения менюсидан **Добавить...** тугмаси босилса, экранга **Выберите файл** (файлни танланг) номли меню чиқади:




Менюдан **Penguins** номли расмнинг устига сичқончани кўйиб **Открыть** тугмаси босилганда, яна олдинги, яъни **Вложение** номли меню чиқади. Менюда **rasm** номли файлдан танланган биринчи расмнинг номи кўрсатилган. Унинг кўриниши экранда қуйидагича:



Вложение менюсидан яна **Добавить...** тугмаси босилса, экранга **Выберите файл** менюси қайта чиқади:



Менюдан иккинчи **Tulips** номли расмнинг устига сичқончани қўйиб **Открыть** тугмаси босилса, яна **Вложения** менюси чиқади:




Менюда иккинчи расмнинг номи чиққанлиги кўрсатилди. Менюдан **ОК** тугмаси босилса, **Расми жадвал** менюси чиқади:



Менюдаги **(2)** белгининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Ундан **Управление вложениями...**

кўрсаткичи танланса, экранга **Вложения** менюси қуйидаги кўринишда ҳосил бўлади:




Вложения менюсидан биринчи файлнинг устига сичқончани қўйиб, белгилаб **Открыть** тугмаси босилса, экранда қуйидаги расм чиқади:



Расмнинг тагида қуйидаги бир нечта тугмалар мавжуд:




Улардан фойдаланиб расмнинг ҳар хил ҳолатда бўлишини кўриши мумкин. Бошқа расмларни кўриш учун менюдаги, яъни расмнинг чап томонида **Файл** менюси бор. Унинг устига сичқончани қўйиб босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Выход** тугмаси босилганда **Вложения** менюси чиқади:



Иккинчи расмни кўриш учун **Вложения** менюсидан иккинчи расмнинг устига сичқончани кўйиб, тугмаси босилади. Кейин **Открыть** тугмаси босилганда иккинчи расм чиқади:



Расмнинг чап томонидаги **Файл** кўрсаткичининг устига сичқончани кўйиб тугмаси босилса, Яна **Вложения** менюси расмлар рўйхати билан чиқади:



Вложения менюсини ёпиш учун **ОК** тугмаси босилганда **Расмли жадвал** чиқади:



Жадвал хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Расмли жадвал** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закрьть** тугмаси босилади. Натижада **Расмли жадвал** номли жадвал **Все объекты Access** бўлимидаги **Таблицы** гуруҳидан жой эгаллайди.


Эслатма: бу мавзуда жадвалнинг майдонига расмдан бошқа ҳужжатлар жойлаштириш ҳам назарда тутилган эди. Жадвал майдонига ҳужжатлар қўйиш ҳам, расмни қўйиш каби бажарилади. Шунинг учун ҳужжатни жадвал майдонига қўйишни ўқувчиларга ҳовала қилинамиз. Ҳужжатни қўйишда ҳисоботлар назарда тутилган.



2-§. Макрос тузиш


Макрос деганда бир неча вазифаларни автоматик равишда бажариш тушунилади. Биз **Уй ва кўча бошлиғи** номли жадвалнинг очиш макросини кўриб чиқамиз. **Макрос** тузиш учун **ПИ** даги




Создание буйруғидан **Макрос** нинг устига сичқончани қўйиб тугмаси босилса, **Макрос1** ва **Каталог макрокоманд** (катта буйруғлар каталоги) менюлари экранга чиқади:





Макрос1 менюнинг тагида  белгили шакл чиқади. Шаклда **Добавить новую макрокоманду** (янги катта буйруғларни қўшиш) кўрсаткичи чиқиши ёки чиқмаслиги ҳам мумкин. **Макрос1** менюсидаги **Добавить новую макрокоманду** кўрсаткичининг ёнидаги  белгили тугма босилганда, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Открыть Таблицу** (жадвални очиш) бандининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, **Макрос1** менюсининг кўриниши қуйидагича бўлади:




Масала шундан иборат, яъни **Уй ва кўча бошлиғи** номли жадвал бўлсин, у жадвал (**Таблица**) ҳолатида ва унинг қийматларини ўзгартириш (**Изменение**) имконияти бўлсин.

Макрос1 менюсидаги **Имя таблицы** кўрсаткичининг тўғрисидаги  белгили тугманинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилганда жадваллар рўйхати чиқади. Рўйхатдан **Уй ва кўча бошлиғи** номли жадвал танланади.


Режим кўрсаткичининг тўғрисидаги  белгили тугманинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Таблица** банди танланади.

Режим данных (маълумотлар ҳолати) кўрсаткичининг тўғрисидаги  белгили тугманинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Изменение** банди танланди. Натижада **Макрос1** менюсининг экрандаги кўриниши қуйидагича бўлади:




Макрос1 хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Макрос1** менюсининг устига сичқончани қўйиб, ўнг тугмаси босилса, рўйхат

чиқади. Рўйхатдан **Сохранить** банди босилганда экранга **Сохранение** менюси чиқади:



Сохранение менюсидаги **Макрос1** номнинг ўрнига **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** номи ёзилади ва **ОК** тугма босилади. Натижада **Макрос1** менюсининг номи **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** бўлди:



Уй ва кўча бошлиғи-макроси номли макросни ёпамиз. Бунинг учун сичқончани **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** нинг устига қўйиб, ўнг тугмаси босилса рўйхат чиқади, ундан **Закрывать** тугмачаси босилса, экран бўш ҳолга ўтади. **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** номли макрос **Все объекты Access** бўлимидаги **Макрос** гуруҳидан жой олади. Агар **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** номли макросни кўрадиган бўлсак, уни **Все объекты Access** бўлимидаги **Макросы** гуруҳидан **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** топилади ва устига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилса, бўш экранга ўтади. Унинг номи ўзининг аввалги **Уй ва кўча бошлиғи** номи билан чиқади:

Код	Кўчанинг номи	Тор кўча	Уйнинг рақами	Йўлаклар сони	Хоналар сони	Уй кўча бош	Телеф	Моб
1	Тилла	1	1	4	40	Азимов К.А	012-56-56	+99890-12-13
2	Тилла	1	2	4	40	Очилов С.П.	010-01-00	+99898-22-22
3	Кўмиш	2	3	4	40	Собиров А.А.	123-45-00	+99894-01-01
4	Пулат					Зияев К.Е.	333-44-55	+99894-99-99
5	Темир					Носиров О.Л.	444-55-66	+99890-11-11
*	(№)							

Бажарилган ишлардан хулоса шуки, **Уй ва кўча бошлиғи** жадвалини очиш макроси тузилди. **Диспетчер кнопочной формы** (тугмали шаклнинг диспетчери) менюсини тузишда, яъни жадвалларни очишда юқоридаги макросдан фойдаланиш мумкин.

3-§. МО да Кнопочная форма (тугмали шакл)

Топширик берувчи томонидан қўйилган масалаларнинг ҳаммаси бажарувчи томонидан ечиб бўлингандан сўнг, тузилган ҳисоботларни автоматик равишда кўриш учун **Тугмали шакл** дан иборат **Бош**

меню тузилади. **Бош меню** ёрдамида **Жадваллар, Ҳисоботлар, Сўровлар** ва **Шаклларнинг** ҳар биттасининг кўриш имконияти мавжуд. Бунинг учун уларнинг ҳаммасини тугмали қилиш керак бўлади.

Тугмали шакл нинг тузилиши қуйидаги **Бош меню, Жадваллар, Ҳисоботлар, Сўровлар** ва **Шакллар** мажмуасидан иборат. Уларнинг жойлашиши қуйидаги 1-схемада кўрсатилган:

Бош меню		
		Жадвал 1
<i>Жадвал</i>		Жадвал 2
	Чиқиш-Назад	Жадвал--N
		Ҳисобот 1
<i>Ҳисобот</i>		Ҳисобот 2
	Чиқиш-Назад	Ҳисобот--N
		Сўров--1
<i>Сўров</i>		Сўров 2
	Чиқиш-Назад	Сўров--N
		Шакл--1
<i>Шакл</i>		Шакл--2
Чиқиш--Выход	Чиқиш-Назад	Шакл N

1=схема.

1-схемада **Бош меню, Жадвал, Ҳисобот, Сўров** ва **Шакл** рўйхати жойлашган. **Бош меню** нинг ишлаши қуйидагича. **Бош меню** даги **Жадвал** номли тугма босилса, экранга жадваллар рўйхати чиқади. Рўйхатдагидан бирортаси босилса, тузилган жадвалнинг ўзи кўринади, яъни экранга чиқади. Шу услубда **Ҳисобот, Сўров** ва **Шакл** нинг ичидагиларни кўриш мумкин. **Жадвал** лар мажмуасининг тагида **Чиқиш-Назад** тугмаси қўйилган. Ундан фойдаланиб, **Бош меню** га чиқиш мумкин. **Бош меню** дан умуман чиқиш учун унинг қуйи қисмидаги **Чиқиш-Выход** тугмаси босилади.

Фараз қилайлик, **Бош меню, жадвал, ҳисобот, сўров** ва **шакл** мажмуаси алоҳида бетларда жойлашган бўлсин. **Бош меню** биринчи бетда, **Жадваллар** иккинчи бетда, **Ҳисоботлар** учунчи бетда, **Сўровлар** тўртинчи бетда ва **Шакллар** бешинчи бетда чиқади.

Бош меню

Жадвал	
	Жадвал 1
	Жадвал 2
Чиқиш-Назад	Жадвал--N
Ҳисобот	
	Ҳисобот 1
	Ҳисобот 2
Чиқиш-Назад	Ҳисобот--N
Сўров	
	Сўров--1
	Сўров 2
Чиқиш-Назад	Сўров--N
Шакл	
	Шакл--1
	Шакл--2
Чиқиш-Назад	Шакл N

Биринчи бет.

	Жадвал 1
	Жадвал 2
Чиқиш-Назад	Жадвал--N

Иккинчи бет.

	Ҳисобот 1
	Ҳисобот 2
Чиқиш-Назад	Ҳисобот--N


Учунчи бет.


	Сўров--1
	Сўров 2
Чиқиш-Назад	Сўров--N

Тўртинчи бет.


	Шакл--1
	Шакл--2
Чиқиш-Назад	Шакл N

Бешинчи бет

Энди юқорида кўрсатилган ишларни қандай ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун **ПИ** дан  белгили **Диспетчер кнопочный форма** менюси изланади. *Агар бор бўлса*, уни устига сичқончани кўйиб тугмаси босилганда **Диспетчер кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдаги **Главная кнопочная форма (По умолчанию)** ёзувининг тагида **Запросы, Отчёты, Таблицы, Формы** ва бошқа ёзувлар бўлиши мумкин. Улар бирорта фойдаланувчи томонидан тузилган бўлиши мумкин. Уларни менюдан олиб ташлаш керак бўлади. Бунинг учун **Запросы, Отчёты, Таблицы, Формы** ва бошқа ёзувларнинг устига сичқончани кўйиб, **Удалить** тугмаси босилса улар менюдан кетади. Натижада **Диспетчер кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишга эга бўлади:





Энди ишни кейинги шу менюга ўхшаган, яъни “@@” белгили жойдан бошлаймиз.

Агар йўқ бўлса, уни **ПИ** га чиқариш керак бўлади. Уни чиқариш учун **ПИ** дан **Файл** буйруғи устига сичқончани кўйиб тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Параметры** (кўрсаткич) банди танланса **Параметры Access** менюси экранга чиқади:






Параметры Access менюсидан **Панель быстрого доступа** (тезлик билан кириш панели) кўрсаткичининг устига сичқончани қўйиб, тугмаси босилса, экранга **Настройка панели быстрого доступа** (тезлик билан кириш панелини созлаш) менюси чиқади:




Менюда ҳар хил менюлар рўйхати жойлашган. Рўйхатдан **Диспетчер кнопочной формы** менюси қидирилади. Агар бор бўлса, уни белгилаб **Добавить>>** тугмаси босилса, ўнг томондаги шаклга ўтади. Агар йўқ бўлса, **Настройка панели быстрого доступа** менюсидаги **Часто используемые команды** (гоҳида фойдаланадиган буйруғ) ёзувининг ёнидаги  белгили тугмани босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Все команды** банди танланса, узун рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Диспетчер кнопочной формы** менюси қидирилади. Топилгандан сўнг, уни белгилаб **Добавить>>** тугмаси босилса, ўнг томондаги шаклга ўтади:


Диспетчер кнопочной формы менюсининг ўнг томонга ўтгандаги кўриниши куйидагича бўлади:




Менюнинг тагидаги **OK** тугмачаси босилади, натижада **ПИ** нинг чап томонининг юқорисида **Диспетчер кнопочной форма** нинг белгиси  жойлашади. **ПИ** даги  белги босилганда шу ном билан меню чиқади: Менюда бу **МО** да **Тугмали шакл** топилмади мазмунда хабар ва **Тугмали шаклни тузиш керакми** деб совол чиқади:




Менюдан **Да** тугмаси босилганда куйидаги **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:



“@@”. Биз **Главная кнопочная форма** (Бош тугмали шакл) бетини туздик. Навбатда **Таблицы, Отчеты, Запросы** ва **Формы** бетларини тузамиз. Бунинг учун **Диспетчер кнопочных форм** мениюдан **Создать..**ни танланганда **Создание** менюси чиқади:




Менюдаги **Новая страница кнопочной формы** (Тугмали шаклнинг янги бети) ёзувини ўчириб, ўрнига **Таблицы** сўзини ёзиб, **ОК** тугмаси босилганда **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:




Бу менюда биринчи **Таблицы** бети тузилди.


Диспетчер кнопочных форм менюсидан **Создать...** тугмаси устида сичқонча тугмаси босилса, **Создание** менюси чиқади:




Менюдаги **Новая страница кнопочной формы** (Тугмали шаклнинг янги бети) ёзувини ўчириб, ўрнига **Отчёты** сўзини ёзиб, **ОК** тугмаси босилганда **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:




Бу менюда иккинчи **Отчёты** бети тузилди. Менюдан **Создать...** тугмаси танланганда **Создание** менюси чиқади:




Бу галгисида **Новая страница кнопочной формы** ёзувини ўчириб ўрнига **Запросы** сўзини ёзиб **ОК** ни танлаганимизда **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:




Бу менюда учунчи **Запросы** бети тузилди. **Диспетчер кнопочных форм** менюсидан **Создать...** тугмачаси босилса, **Создание** менюси чиқади:




Бу гал менюдаги **Новая страница кнопочной формы** ёзувини ўчириб, ўрнига **Формы** сўзи ёзиб **ОК** тугмачаси босилганда **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:




Бу менюда тўртинчи **Формы** бети тузилди. Навбатдаги ишимиз **Таблицы** бетида уларни ташкил қилувчи, яъни жадваллар рўйхатини жойлаштирамиз. Бунинг учун менюдан **Таблицы** устига сичқончани қўйиб, тугмачаси икки марта босилса, **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:





Менюдан **Создать...** тугмаси танланганда **Изменение элемента кнопочной формы** (Тугмали шаклнинг элементини ўзгартириш) менюси чиқади:




Бу менюни тўлдириш қуйидагича бўлади. **Команда:** ёзувининг тўғрисидаги  тугманинг ичига қирилганда қуйидаги рўйхат чиқади: **Перейти к кнопочной форме** (тугмали шаклга ўтиш), **Открыть форму для добавления** (қўшиш учун шаклни очиш), **Открыть форму для изменения** (ўзгартириш учун шаклни очиш), **Открыть отчет** (ҳисоботни очиш), **Конструктор приложения** (илова конструктори), **Выйти из приложения** (иловадан чиқиш), **Выполнить макрос** (макросни бажариш). **Выполнить программу** (дастурни ишга тушириш).

Рўйхатдан **Выполнить макрос** буйруғини танлаймиз, чунки **Открыть таблицы** (жадвални очиш) буйруғи рўйхатда йўқ. Жадвални очиш макроси алоҳида бобда кўрсатилган.


Навбатда **Макрос:** ёзувининг тўғрисидаги  тугмани очганимизда рўйхат чиқади: Рўйхатдан **Аҳоли-макроси** ни чиқариб, **Текст:** ёзувининг тўғрисида **Аҳоли-макроси** сўзи ёзилганда, **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:




Менюдан **OK** тугмаси босилганда **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Бу менюда **Таблицы** бетининг ташкил этувчи биринчи **Аҳоли-макроси** жадвали жойлаштирилди. Менюдан **Создать** тугмаси босилганда экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдаги **Команда:** ёзувининг тўғрисидаги тугманинг ичига кирилганда экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Выполнить макрос** банди танланади, шунда **Кнопочная форма:** ёзуви **Макрос:** га ўзгаради. **Макрос:** ёзувининг тўғрисида тугма босилганда, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** банди танланади, **Текст:** ёзувининг тўғрисида **Уй ва кўча бошлиғи-макроси** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидаги кўринишга эга бўлади:




Менюдан **OK** тугмаси босилганда **Изменение страницы кнопочной формы** менюси куйидаги кўринишга эга бўлади:




Бу менюда **Таблицы** бетининг ташкил этувчи иккинчи **Уй ва кўча бошлиғи-макриси** жадвали жойлаштирилди. Менюдан **Создать** тугмаси босилганда, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:



Менюдаги **Команда:** ёзувининг тўғрисидаги тугманинг ичига кирилганда экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Выполнить макрос** банди танланади, шунда **Кнопочная форма:** ёзуви **Макрос:** га ўзгаради. **Макрос:** ёзувининг тўғрисидаги тугмани босилганда рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Матем-макриси** банди танланади, **Текст:** ёзувининг тўғрисидаги **Матем-макриси** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Менюдан **OK** тугмаси босилганда **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:



Бу менюда **Таблицы** бетининг ташкил этувчи учунчи **Матем-макриси** жадвали жойлаштирилди. Менюдан **Создать** тугмаси босилганда, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:

Менюдаги **Команда:** ёзувининг тўғрисидаги тугманинг ичига кирилганда экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Выполнить макрос** банди танланади, шунда **Кнопочная форма:** ёзуви **Макрос:** га ўзгаради. **Макрос:** ёзувининг тўғрисидаги тугма босилганда рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Аҳоли4-макриси** банди танланади, **Текст:** ёзувининг тўғрисидаги **Аҳоли4-макриси** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Менюдан **OK** тугмаси босилганда **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:


Бу менюда **Таблицы** бетининг ташкил этувчи тўртинчи **Аҳоли4-макриси** жадвали жойлаштирилди. Менюдан яна **Создать...** ни танланганда, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:

Менюдаги тугмалардан фойдаланган ҳолда **Кнопочная форма :** нинг тўғрисидаги **Главная кнопочная форма:** чиқарилади. **Команда:** сўзининг тўғрисидаги ёзув ўзи қолади, **Текст:** нинг тўғрисидаги **Назад**

ёзувини ёзамиз. Натижада **Изменение элемента кнопочной формы менюси** куйидаги кўринишда бўлади:

Менюдан **OK** тугмаси босилганда, экранда **Изменение страницы кнопочной формы** менюси ҳосил бўлади:


Менюдаги **Таблицы** ни бетига жадваллар жойлаштириш ишлари




тугади.


Изменение страницы кнопочной формы менюсидан **Закреть** тугмаси босилганда **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:


Навбатда **Отчёты** (Ҳисобот) бетининг ташкил этувчиларини тузамиз. Бунинг учун **Диспетчер кнопочных форм** менюсидан **Отчёты** устига сичқончани кўйиб тугмаси икки марта босилса, **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси устига сичкончани кўйиб тугмаси босилганда, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюни куйидагича тўлдирамиз. **Команда:** нинг тўғрисиغا  тугма ёрдамида **Открыть отчет** ёзувини чиқарамиз. Шунда **Кнопочная форма:** ёзуви **Отчёт:** га ўзгаради. **Отчёт:** нинг тўғрисиغا **Уй ва кўча бошлиғи1** чиқарилади. **Текст:** нинг тўғрисиغا **Уй ва кўча бошлиғи1** сўзини ёзамиз. Шунда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидагича бўлади:



Изменение элемента кнопочной формы менюсидан **ОК** тугмаси босилганда, **Изменение страницы кнопочной формы** менюси куйидаги кўринишда бўлади:




Бу менюда **Отчёты** бетига биринчи **Уй ва кўча бошлиғи1** ҳисоботи жойлаштирилди. Кейинги ҳисоботни киритиш учун менюдан **Создать...** тугмаси босилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:

Менюни куйидагича тўлдирамиз. **Команда:** нинг тўғрисиغا  тугма ёрдамида **Открыть отчет** ёзуви чиқарилганда **Кнопочная форма:** ёзуви **Отчёт:** га ўзгаради. **Отчёт:** нинг тўғрисиغا **Уй ва кўча бошлиғи4** чиқарилади. **Текст:** нинг тўғрисиغا эса **Уй ва кўча бошлиғи4** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидагича бўлади:

Менюдан **OK** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:

Бу менюда **Отчёты** бетига иккинчи ташкил этувчи **Уйи ва кўча бошлиғи4** ҳисоботи жойлаштирилди. Менюдан **Создать** тугмаси босилса, яна **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:

Менюни куйидагича тўлдирамиз: **Кнопочная форма:** нинг тўғрисиغا  тугма ёрдамида **Главная кнопочная форма** ёзуви чиқарилса **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисиغا **Назад** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидагича бўлади:


Менюдан **OK** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:

Бу менюда **Отчёты** бетига ҳисоботлар жойлаштириш ишлари тугади:


	Ҳисобот 1
	Ҳисобот 2
Чиқиш-Назад	Ҳисобот--N

Изменение страницы кнопочной формы менюсидан **Закреть** тугмаси босилганда экранга **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:


Навбатдаги ишимиз **Запросы** (Сўров) бетига ташкил этувчи **Сўровлар** жойлаштиришдан иборат. **Запросы**, яъни сўровларни очиш менюси бўлмаганлиги сабабли тайёр тузилган макросдан фойдаланамиз. Бунинг учун **Диспетчер кнопочных форм** менюсидан **Запросы** ни танлаб икки марта босилса, **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси босилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюни яна ўзгартирамиз. Тугмалардан фойдаланган ҳолда **Команда:** сўзининг тўғрисиغا **Выполнить макрос** ни, **Макрос:** нинг тўғрисиغا **Туғ-йили-Макроси** чиқарилади, **Текст:** нинг тўғрисиغا **Туғ-йили-Макроси** ёзилади. Натижада **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:




Менюдан **ОК** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Бу менюда **Запросы** бетига ташкил этувчи биринчи **Туғ-йили-Макроси** сўрови жойлаштирилди. Менюдан **Создать...** тугмаси босилганда экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Тугмалардан фойдаланган холда **Команда:** сўзининг тўғрисиغا **Выполнить макрос** чиқарилганда **Кнопочная форма** Макрос га ўзгаради. **Макрос:** нинг тўғрисиغا **Перекрёст Запр5-Макроси** чиқарилади, **Текст:** нинг тўғрисиغا **Перекрёст Запр5-Макроси** ёзилади. Натижада **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:





Менюдан **OK** тугмаси босилганда, экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси менюси чиқади:




Бу менюда **Запросы** бетига ташкил этувчи иккинчи **Перекрёст Запр5-Макроси** сўрови жойлаштирилди. Менюдан **Создать...** тугмаси босилса, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюни қуйидагича тўлдирамиз. **Кнопочная форма:** нинг тўғрисиغا **Главная кнопочная форма** ёзувини  тугма ёрдамида чиқарамиз. **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисиغا **Назад** (орқага) сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидагича бўлади:




Менюдан **ОК** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Бу менюда **Запросы** бетига тегишли иш тугади.




Навбатдаги иш **Формы** бетига тегишли ташкил этувчилар шаклларни жойлаштириш. Бунинг учун менюдан **Закрыть...** тугмаси босилса, экранга **Диспетчер кнопочной формы** менюси чиқади:





Менюдаги **Формы** нинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси босилганда экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюни куйидагича тўлдирамиз. **Команда:** нинг тўғрисида  тугма ёрдамида **Открыть форму для изменения** ёзуви чиқарилганда **Кнопочная форма:** ёзуви **Форма:** га ўзгаради. **Форма:** нинг тўғрисида **Аҳоли2-фор** ни чиқарилади. **Текст:** нинг тўғрисида **Аҳоли2-фор** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидагича бўлади:




Менюдан **OK** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:



Бу менюда **Формы** бетига тегишли битта ташкил этувчи форма (шакл) **Аҳоли-фор** жойлаштирилди. Менюдан **Создать...** устига сичқончани кўйиб тугмаси босилганда экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюни куйидагича тўлдирамиз. **Кнопочная форма:** нинг тўғрисида  тугма ёрдамида **Главная кнопочная форма** ёзувини

чиқарамиз. **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисида **Назад** сўзи ёзилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидагича бўлади:


Менюдан **OK** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** чиқади:

Бу менюда **Формы** бетига тегишли жойлаштириш ишлари тугади:




Навбатдаги иш **Главная кнопочная форма** бетига тегишли ташкил этувчиларни жойлаштириш. Бунинг учун менюдан **Закрыть** тугмаси босилса, **Диспетчер кнопочных форм** менюси экранга чиқади:


Менюдаги **Главная кнопочная форма** нинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси босилса, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдаги **Кнопочная форма:** нинг тўғрисиға тугмадан фойдаланиб **Таблицы** чиқарилади. **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисиға **Таблицы** ни ёзамиз. Менюдаги **ОК** тугмаси босилганда экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидаги кўринишда бўлади:




Менюдан **ОК** тугмаси босилганда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси босилса, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдаги **Кнопочная форма:** нинг тўғрисиға тугмадан фойдаланиб **Отчёты** чиқарилади. **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисиға **Отчёты** ни ёзамиз. Менюдаги **ОК** тугмаси босилганда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидаги кўринишда бўлади:




Менюдан **ОК** тугмаси босилганда, экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси босилса, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдаги **Кнопочная форма:** нинг тўғрисиға тугмадан фойдаланиб, **Запросы** чиқарилади. **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисиға **Запросы** ни ёзамиз. Менюдаги **ОК** тугмаси босилганда экранда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси куйидаги кўринишда бўлади:




Менюдан **ОК** тугмаси босилганда, экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюдан **Создать...** тугмаси босилса, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:



Менюдаги **Кнопочная форма:** нинг тўғрисиға тугмадан фойдаланиб **Формы** чиқарилади. **Команда:** нинг тўғрисидаги сўз ўзи қолади. **Текст:** нинг тўғрисиға **Формы** ни ёзамиз. Менюдаги **ОК** тугмаси босилганда, экранга **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:




Менюдаги **ОК** тугмаси босилганда, экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:




Менюда **Главная кнопочная форма** нинг ташкил этувчилари тузилди. Кейинги иш **Главная кнопочная форма** дан чиқишни


ташкил қилишдан иборат. Бунинг учун менюдаги **Создать...** тугмаси босилса, **Изменение элемента кнопочной формы** менюси чиқади:



Менюдаги **Команда:** нинг тўғрисиға тугмадан фойдаланиб **Выйти из приложения** ни чиқарилганда **Кнопочная форма:** ёзуви экрандан ўчади. **Текст:** нинг тўғрисиға **Выход** (чиқиш) сўзини ёзилганда экранда **Изменение элемента кнопочной формы** менюси қуйидаги кўринишда бўлади:



Менюдан **ОК** танлаганмизда экранга **Изменение страницы кнопочной формы** менюси чиқади:



Бу менюда **Главная кнопочная форма** менюсининг ташкил этувчиларининг ҳаммаси тузилди.

Бош меню

Жадвал


Ҳисобот

Сўров


Шакл

Чиқиш--Выход

Менюдан **Закреть** тугмаси босилганда экранга **Диспетчер кнопочных форм** менюси чиқади:



Менюдан яна **Закреть** тугмаси босилганда экран бўш холга келади. Юқорида бажарилган ишлар ҳаммаси **Кнопочная форма** менюсида мужассам бўлди. Унинг кўриш учун **Все объекты Access** ёзувининг тагидаги **Формы** гуруҳидан **Кнопочная форма** ёзувини топиб, унинг устига сичқончани кўйиб, икки марта босилса у экранга чиқади:



Бу менюдан истасак **Таблицы** ёзуви устига сичқончани кўйиб, тузилган жадвалларни бошқасига кўйиб, ҳисобот ва сўровларни ёки шаклларни кўришимиз мумкин. **Таблицы** жадвали устига сичқончани кўйиб, тугмаси босилса, жадваллар рўйхати чиқади. Рўйхатдан керакли жадвал танланганда, шу жадвал экранга чиқади. Ҳар бир жадвалдаги ишлар тугагандан сўнг, яна **Главная кнопочная форма** га қайтиб келиш учун жадвални **Закреть** тугмаси ёрдамида ёпилади. Ёпишни сиз биласиз. Қолган **Отчёты**, **Запросы** ва **Формы** лар ҳам юқордаги усулда бажарилади.


Главная кнопочная форма ни тузишда **Все объекты Access** бўлимидаги **Таблицы** гуруҳининг биринчи қаторида **Switchboard Items** ёзуви жойлашган, унга тегиш мумкин эмас. Агар уни ўчириб юборилса, **Главная кнопочная форма** менюси ишламайди.

II. Бўлим. Microsoft Access 2016 тизими асосида “Маҳалла Электрон ҳокимият” ни ташкил қилиш

1-боб. Microsoft Access 2016 тизими асосида “Маҳалла жисмоний шахслари тўғрисида маълумотлар омборини шакллантириш”.

Инсон дунёга келгандан сўнг, ўсиб улғайиб бошланғич билим олиш даврида ўз олдига бир қатор мақсадлар қўйиб унга эришиб, мазмунли ҳаёт кечиришни истайди. Бунинг учун ҳар бир одам маҳалла ва туман ҳокимларининг диққат марказида бўлиши лозим.

1-Расмда маҳалла ва республика миқёсида жисмоний шахслар тўғрисида маълумотлар омборини шакллантириш схемаси кўрсатилган.



1–расм. Маҳалла ва республика миқёсида жисмоний шахслар тўғрисида маълумотлар омборини шакллантириш схемаси.

Схемадан **МОБТ Access** тизими юртимизда бошқарув тизимида энг қуйи бўлган маҳалладан бошланиб, то республика даражасидаги органларда ўрнатилиши таклиф қилинганлиги кўриниб турибди.

Маҳаллада тузилган **МОБТ** ёрдамида тузилган **МО** дан экспорт қилинган маълумотларни туман даражасида ўрнатилган **МОБТ** да умумлаштирилиб, **МО** ни ва ҳар хил ҳисоботлар тузиш мумкин. Шу йўл билан туман органларидан экспорт қилинган маълумотларни вилоят ва республика даражасида ҳам амалга ошириш мумкин.

Республика даражасидаги органлардан вилоят даражасидаги органларга, вилоят даражасидаги органлардан туман даражасидаги органларга ва улардан маҳаллага маълумотлар импорт қилиниши мумкин.

Республика, вилоят ва туман даражадаги органлар маҳалла даражасидаги **МО** даги маълумотлардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Шу соҳада амалий ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнингча, қуйида тузилган масалаларни ечишда иштирок этувчи кўрсаткичлар тўғрисида маҳалла миқёсида **МО** ташкил қилиш жамиятимизни бошқаришда муҳим рол ўйнайди.

Юртимизда юқоридаги муаммоларни ечиш учун барча имкониятлар яратилган. Улардан бири компьютерлар бўлса, иккинчиси **МО** ни ташкил қилувчи ва уни бошқарувчи тизим, учинчиси телекоммуникация технологияларнинг мавжудлигидир. Навбатдаги вазифамиз улардан оптимал даражада фойдаланишдан иборат. Юқорида қайд этилган муаммоларни ечиш учун қуйидаги масалалар тўплами тузилди ва улар бўйича кўрсаткичлар аниқланди.

1-§. Маҳалладаги масалалар тўплами

1. Аҳолининг туғилган йили бўйича ҳисоботи.
2. Аҳолининг исталган ёши бўйича ҳисоботи.
3. Аҳолининг кўчалар бўйича ҳисоботи.
4. Аҳолининг уйлари бўйича ҳисоботи.
5. Аҳолининг кўп қаватли уйлари бўйича ҳисоботи.
6. Аҳолининг тор кўча бўйича ҳисоботи.
7. Кўча, уй, тор кўча миқёсида аҳолининг:
 - а) жинси бўйича ҳисоботи;
 - б) рўйхатда турганлари бўйича ҳисоботи;
 - в) рўйхатда турмаганлари бўйича ҳисоботи;
 - г) вақтинча ишсизлар сони тўғрисида ҳисоботи;

- д) метеркалари бўйича ҳисоботи;
- е) паспортлари бўйича ҳисоботи;
- ж) вафот этганлари бўйича ҳисоботи;
- з) янги туғилганлари бўйича ҳисоботи;
- к) миграцияси (кўчиб келганлар) бўйича ҳисоботи;
- л) миграцияси (кўчиб кетганлар) бўйича ҳисоботи;
- м) корхона ва ташкилотларда иш билан банд бўлганлар тўғрисида ҳисоботи;
- н) чет элларда иш билан банд бўлганлар тўғрисида ҳисоботи;
- о) кўча бошлиқлари тўғрисида ҳисоботи;
- п) фамилия, исми ва отасининг исми бўйича ҳисоботи;
- р) телефон, мобил телефон бўйича ҳисоботи;
- с) олий ўқув юртлари талабалари тўғрисида ҳисоботи;
- т) ўрта махсус таълим юртлари ўқувчилари тўғрисида ҳисоботи;
- у) мактаб ўқувчилари тўғрисида ҳисоботи;
- ф) мактабгача бўлган, яъни боғча болалари тўғрисида ҳисоботи.

8. Маҳаллада электрон китоблар фондини ташкил қилиш.

9. Корхона ва ташкилотларда бўш ўринлар тўғрисида электрон маълумотларни ташкил қилиш.

10. Маҳалладаги комиссия аъзолари тўғрисида ҳисоботи.

11. Маҳалладан маълумотларни экспорт қилиш.

12. Маҳаллага маълумотларни импорт қилиш.

13. Маҳалладаги компьютерларни бир бирига боғлаш.

14. Маҳалла Веб сайтини очиш ва электрон почтасини ташкил қилиш.

15. Маҳалладан интернет тизимига боғланишни ташкил қилиш.

16. Маҳалла паспорти тўғрисида маълумотлар ҳисоботи.

Юқорида келтирилган рўйхатдаги 1 дан 8 гача бўлган масалаларни ечиш учун кўрсаткичлар тўплами қуйидагилардан иборат: кўчанинг рақами, тор кўча, уйнинг рақами, йўлаклар сони, хоналар сони, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, паспорт рақами, метерка рақами, рўйхатда туриши ва яшаш жойи, телефон рақами, мобил телефон рақами, қаерда ким бўлиб ишлаши,

яшаш жойи (туман ва кўча), кўча бошлиғи, миграция кўрсаткичлари ва ҳоказо.

2-§. Аҳолининг туғилган йили, хонасининг рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми буйича ҳисоботини тузиш

Масалаларни ечиш учун Аҳоли номли жадвалдан фойдаланамиз. Унинг кўриниши қуйидагича:

Код кўча	Кўчанинг-ном	Тор кўча	Уйнинг-рақам	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
1	Тилла	1	1	1	Арипов	Дониер	Зокир
2	Тилла	1	1	1	Зияева	Махмуда	Шомансуровна
3	Кумиш		1		Азизов	Рустамжон	Махкам
4	Кумиш		1		Азизова	Феруза	Зухуровна
5	Пулат		2		Асроров	Даврон	Карим
6	Пулат		2		Асророва	Мафтуна	Мансуровна
7	Пулат		2		Асроров	Достонбек	Карим
8	Чуян	2	3	3	Асомов	Абдумавлон	Тохир
9	Чуян	2	3	3	Асомова	Саодат	Закировна
10	Чуян	2	3	3	Асомова	Машкура	Тохировна

Оилада-ким	Рўйх-Яши	Туғ-йили	Пасп-ёки П	Иш-жойи	Ким-бўл	Рўй-Яший
Эр	я	27.01.1964	AA-0000001	Магазин	сотувчи	р
ка	я	18.11.1969	AA-0000002	001-боғчада	тарбиячи	р
эр	я	10.09.1972	AA-0000011	Ви		р
ка	ря	13.11.1976	AA-0000222	Хусусий клиника	дефектолог	
эр	ря	26.08.1996	AA-0003333	ТОШ.молия инс	студ боск	
ка	ря	21.04.1999	AA-0000444	Ви		
уг	я	09.10.2016	1тн-000555	Сергелида300-мак	укувчи	р
эр	ря	20.09.1973	AA-0009999	таш.вилоят.депут	Тадбиркор	
ка	ря	20.09.1978	AA-0101020	Уй бекаси		ря
кз	ря	29.09.1997	AA-5555555	Лицейда	Укувчи	ря

Туман	Кўча	Уйнинг-рақам	Тел	Мобил
Шайхонтохў	Заргар	52А	222-57-22	+99890-111-22-33
Шайхонтохў	Утқир тор	12/2	222-57-22	+99890-111-22
Чиланзор		4/77	255-92-44	+99890-126-08-01
			255-92-44	+99890-126-08-01
			355-92-52	+99894-222-33-44
			355-92-52	+99894-222-33-44
Чиланзор	А5	2	355-92-52	+99894-222-33-44
			241-21-11	+99880-155-00-00
			110-01-01	+99880-155-00-00
			111-11-11	+99880-155-00-00


*

Юқоридаги жадвалдан фойдаланиб, қуйидаги ҳисоботларни тузишни кўриб чиқамиз.

Бунинг учун қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. **ПИ** даги **Создание** буйруғи босилади.

2. **Конструктор запросов** тугмаси босилганда экранга куйидаги бирорта ном билан бўш экран, **Добавление таблицы** менюси ва **Тўлдириш шакли** чиқади:




Тўлдириш шакли:

Поле:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Имя таблицы:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Сортировка:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Вывод на экран:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
или:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Добавление таблицы менюсида жадваллар рўйхати чиқади.

3. **Аҳоли** номли жадвалнинг устига сичқончани қўйиб, тугмаси икки марта босилса, у бўш майдонга ўтади. Экранда танлаган **Аҳоли** номли жадвалнинг кўриниши куйидагича бўлади:



Добавление таблицы менюсини ёпиш учун менюдаги **Закреть** тугмаси босилади.

4. Жадвалдан ҳисоботни тузиш учун керакли майдонларни танлаб куйидаги **Тўлдириш шакли** га туширамиз. Бунинг учун **Тугилган йили**, **Хонанинг рақами**, **Фамилияси**, **Исми**, **Отасининг исми** майдонларининг устига галма галдан сичқончани қўйиб,

тугмаси икки марта босилса, улар қуйидаги **Тўлдириш шакли** га тушади. Агар тўлдириш шаклидаги **Вывод на экран** (экранга чиқариш:) қаторидаги тугмалар ёқилмаган бўлса, уларни ёқиб қўйиш керак бўлади. Ёқиш усули: сичқончани тугманинг устига қўйиб тугмаси босилади.

Тўлдириш шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Поле:	Туғ-йили	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Тўлдириш
Имя таблицы:	Аҳоли	Аҳоли	Аҳоли	Аҳоли	Аҳоли
Сортировка:					
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:					
или:					

5. **ПИ** даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** тугмасини босилади. Натижада экранга ҳисобот чиқади:

Туғ-йили	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
27.01.1964	1	Арипов	Дониер	Зокир
18.11.1969	1	Зияева	Махмуда	Шомансүровна
10.09.1972		Азизов	Рўстамжон	Махкам
13.11.1976		Азизова	Ферўза	Зўхуровна
26.08.1996		Асроров	Даврон	Карим
21.04.1999		Асророва	Мафтўна	Мансүровна
09.10.2016		Асроров	Достонбек	Карим
20.09.1973	3	Асомов	Абдўмавлон	Тохир
20.09.1978	3	Асомова	Саодат	Закировна
29.09.1997	3	Асомова	Машқура	Тохировна

6. Юқоридаги сарлавҳаси **Запрос2** номли ҳисоботни хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, **Сохранение** менюси чиқади:

7. Агар **Сохранение** менюсидаги **Запрос2** нинг номини ўзгартирмайдиган бўлсак, **ОК** тугма босилади. Биз **Запрос2** номини **Туғ-йили** га алмаштирамиз, яъни **Запрос2** ни ўчириб ўрнига ёзамиз ва **ОК** тугмани босамиз. Натижада ҳисобот хотирага **Туғ-йили** номи билан ёзилади:

Туғ-йили	Хонанинг рақами	Фамилия	исми	Отас-исми
27.01.1964		Арипов	Дониер	Зокир
18.11.1969	1	Зияева	Махмуда	Шомансуровна
10.09.1972		Азизов	Рўстамжон	Махкам
13.11.1976		Азизова	Ферўза	Зўхуровна
26.08.1996		Асроров	Даврон	Карим
21.04.1999		Асророва	Мафтўна	Мансуровна
09.10.2016		Асроров	Достонбек	Карим
20.09.1973	3	Асомов	Абдўмавлон	Тоҳир
20.09.1978	3	Асомова	Саодат	Закировна
29.09.1997	3	Асомова	Машкўра	Тоҳировна


Экранни бўшатиш, яъни ҳисоботни ёпиш учун **Туғ-йили** сарлавҳанинг устига сичқончани кўйиб, ўнг тугмаси босилса, экранга рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закреть** банди босилади. Шунда ҳисоботимиз **Все объекты Access** бўлимидаги **Запросы** гуруҳидан жой эгаллайди. Экран эса бўш ҳолга ўтади.

Эслатма. Юқоридаги масалани ечишда тизим чиқарган **Запрос2** бўш экранидан фойдаланилди. Агар шу ном билан бирорта ҳисобот хотирага ёзилмаса, у бўш бўлиб қолаверади. Бошқа масалаларни ечишда яна **Запрос2** бўш экрани чиқиши мумкин.

3-§. Аҳолининг кўча номи, фамилияси, исми ва отасининг исми буйича ҳисоботини тузиш

Ҳисоботни тузиш учун

1. **ПИ** даги **Создание** буйруғи босилади.
2. **Конструктор запросов** тугмаси босилганда қуйидаги бирорта ном билан бўш экран, **Добавление таблицы** менюси ва **Тўлдириш шакли** чиқади:




Тўлдириш шакли:

Поле:		
Имя таблицы:		▼
Сортировка:		
Вывод на экран:	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
Условие отбора:		
или:		

Добавление таблицы менюсида жадваллар рўйхати чиқади.

3. **Аҳоли** номли жадвалнинг устига сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, у бўш майдонга ўтади. Экранда танлаган **Аҳоли** номли жадвалнинг кўриниши қуйидагича бўлади:




Добавление таблицы менюсидаги **Закрывать** тугмаси босилса, меню экрандан кетади.

4. Жадвалдан ҳисоботни тузиш учун керакли майдонларни танлаб қуйидаги **Тўлдириш шакли** га туширамиз. Бунинг учун **Кўчанинг номи, Фамилияси, Исми, Отасининг исми** майдонларининг устига галма галдан сичқончани қўйиб тугмаси икки марта босилса, улар қуйидаги тўлдириш шаклига тушади. Агар тўлдириш шаклидаги **Вывод на экран:** қаторидаги тугмалар ёқилмаган бўлса, уларни ёқиб қўйиш керак бўлади. Ёқиш усули сичқончани тугмани устига қўйиб тугмаси босилади:

Тўлдириш шакли:


Поле:	Кўчанинг-номи	Фамилия	исми	Отас-исми
Имя таблицы:	Аҳоли	Аҳоли	Аҳоли	Аҳоли
Сортировка:				
Вывод на экран:	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>
Условие отбора:				
или:				

5. **ПИ** даги **Конструктор** буйруғидан **Выполнить** тугмаси босилади. Натижада экранга ҳисобот чиқади:



Кўчанинг-номи	Фамилия	исми	Отас-исми
Тилла	Арипов	Дониер	Зокир
Тилла	Зияева	Махмуда	Шомансүровна
Кўмиш	Азизов	Рустамжон	Махкам
Кўмиш	Азизова	Феруза	Зўхуровна
Пўлат	Асроров	Даврон	Карим
Пўлат	Асророва	Мафтўна	Мансүровна
Пўлат	Асроров	Достонбек	Карим
Чўян	Асомов	Абдумавлон	Тохир
Чўян	Асомова	Саодат	Закировна
Чўян	Асомова	Машкўра	Тохировна

6. Юқоридаги сарлавҳаси **Запрос2** номли ҳисоботни хотирага сақлаб қўйилади. Бунинг учун **Запрос2** нинг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, экранга қуйидаги **Сохранение** менюси чиқади:



7. Агар **Сохранение** менюсидаги **Запрос2** нинг номини ўзгартирмайдиган бўлсак, **ОК** тугма босилади. Биз **Запрос2** номини **Кўча** номига алмаштириш учун **Запрос2** ни ўчириб ўрнига ёзамиз ва **ОК** тугмани босамиз. Натижада ҳисобот хотирага **Кўча** номи билан ёзилади:

Кўчанинг-номи	Фамилия	исми	Отас-исми
Т.А.А.А	Арипов	Дониер	Зокир
Тилла	Зияева	Махмуда	Шомансуровна
Кўмиш	Азизов	Рўстамжон	Махкам
Кўмиш	Азизова	Ферўза	Зўхўровна
Пўлат	Асроров	Даврон	Карим
Пўлат	Асророва	Мафтўна	Мансуровна
Пўлат	Асроров	Достонбек	Карим
Чўян	Асомов	Абдўмавлон	Тохир
Чўян	Асомова	Саодат	Закировна
Чўян	Асомова	Машкўра	Тохировна

Экранни бўшатиб ҳисоботни ёпиш учун **Кўча** сарлавҳасининг устига сичқончани қўйиб ўнг тугмаси босилса, рўйхат чиқади. Рўйхатдан **Закрьть** банди босилса ҳисоботимиз **Все объекты Access** бўлимидаги **Запросы** гуруҳидан жой эгаллайди. Экрaн эса бўш холга ўтади.


4-§. Аҳоли уйининг рақами 2, хонанинг рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми бўйича ҳисоботини тузиш

Бу мисолда **Уйнинг рақами 2** га тенг бўлган шартида ҳисобот тузилади.

Бунинг учун қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. **ПИ** даги **Создание** буйруғи устига сичқончани қўйиб тугмаси босилади.

